

Шариф Юсупов

ХУДОЁРХОН
ВА ФУРҚАТ



TOSIIDO TAU



0000001367



ШАРИФ
ЮСУПОВ


Ҳудоёрхон са Фурқат



18/2

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг

Бош таҳрир мактаби
Тошкент. — 1995



Юсупов, Шариф.

Худоёрхон ва Фурқат.—Т.:«Шарқ» нашриёт-матбаа концерни, 1995.— 96 б.

Ярим асрлик илмий фаолиятининг асосий қисмиди кўркам Шоир Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатининг мураккаб тақдирли ҳаётини ва баракали изходий меросини ўрганишга бахш этган зукко ва нозиктабъ аллома Шариф Юсуповнинг талабчан эътиборингизга ҳавола этилаётган тўпламида Қўқон давлатининг сўнгги хукмдори Сайд Мухаммад Худоёрхонини аччиқдан-аччиқ шахсий қисмати, шу аянчли тақдирга нисбатан шаклланган муносабатлар издиҳоми киндиғига турган Шоир ва у мансуб гуруҳининг тарихий-фалсафий-бадиий талқини акс эттирилган.

Гузал рисола барчамизга муборак бўлспи!

Ўз2

© «Шарқ» нашриёт матбаа
концернининг Ўзи таҳририяти. 1995

ДЕБОЧА

Машҳур ўзбек шоири Зокиржон Холмуҳаммад ўғли Фурқатнинг ёшлик йиллари пойтахт «Хўқанди латиф»да, юртга Сайид Муҳаммад Худоёрхон ҳукмфармомлик қилган даврда ўтди. Шу важдан Қўқон хонлигининг охирги йилларида, бир томондан, тож-тахтнинг маҳаллий даъвогарлари, иккинчи томондан, улардан кўра аллақанча ёвуздроқ ва ҳийлагарроқ бўлган ўрис босқинчилари сўнгра хонни таҳтдан агдариш, юртга истаганча бебошлик билан ҳукмронлик қилиш йўлида амалга оширган не-не ишларни ҳам, бу ишлар оқибатида ҳалқ бошига тушган беҳисоб жабр-жафоларни ҳам бўлажак шоир ўз кўзи билан кўрган, қайта-қайта қалби зирқираб ҳис этган эди.

Баъзи ўрис тадқиқотчилари, жумладан, Муқимий ва Фурқат шеърларини 1972 йилда Ленинградда алоҳида китоб ҳолида нашр эттирган А.Зирин ўша китобга ёзган каттагина сўзбошида: «Ўспирин Зокиржон — бўлажак шоир Фурқат — ўзи хонликлар даврида рўй берган воқеаларнинг, Қўқонни ларзага солган ўзаро урушлар ва қўзголонларнинг жонли гувоҳи эди. Бироқ унинг шеърий ижодида ўз кўз ўнгига содир бўлган бу воқеаларга қизиққанлигини кўрмаймиз», деб ёзганида мутлақо ноҳақ гапни айтган эди. Чамаси, А.Зирин Фурқат асарларининг совет давридаги нашрларига киритилган намуналаридангина воқиф бўлиб, инқилобдан олдинги кўплаб қўллэзма, тошбосма баёзларга киритилган, ҳатто Россиянинг ўша вақтдаги пойтахти илмий нашрларида чоп этилган ижод маҳсулларидан бехабар қолган эди. Аслида Фурқат ўз хотирасида мустаҳкам ўрнашиб қолган бу изтиробли воқеаларни қайта-қайта мушоҳада этган, шу муносабат билан қўлига кўп марта қалам олган, бу хусусда яратилган ўз асарларинигина эмас, балки ҳамкасб шоир дўстлари томонидан битилган асарларни ҳам ўзбек ўқувчилари билан бир қаторда рус ўқувчиларига етказиш йўлларини излаб топган эди. Дастлаб қўқонлик шоир дўсти

Мулла Сиддиқ Котибнинг «ўлди» радифли юз мисрадан иборат катта мухаммасини, сал кейинроқ ўзининг «Мухаммас Муҳаммад Худоёрхон тилидан» сарлавҳали салмоқли мухаммасини «Туркистон вилоятининг газети» муҳаррири Н. Остроумов ҳамда шу газета ходими, таниқли ўзбек маърифатпарвари Сатторхон Абдуғаффоров ёрдамида русча сўзма-сўз таржимаси, кириш сўз ва изоҳлари билан «Россия Археология жамияти Шарқшунослик бўлими «Ахборот»ида пойттахт Петербургда чоп эттиришга муваффақ бўлган эди. Кейинчалик, 1903 йил 9 июнда «Туркистон вилоятининг газети»да «Қасида» сарлавҳаси остида нашр этилган йирик асарининг катта бир қисми ҳам Қўқон хонлигининг сўнгги даврида рўй берган фожиалар тасвирига бағишиланган эди. XIX аср иккинчи ярмидаги ўзбек насрининг энг яхши намуналаридан бўлмиш «Саргузаштнома»да эса (бу асар ҳам 1891 йил январ — июн ойларида «Туркистон вилоятининг газети»да ўн икки сонда эълон қилинган) мустақил Қўқон хонлигининг ўрис мустамлакасига айланишига олиб келган ўша даҳшатли воқеалар, қиргилар, ношукрликлар манзарасини анча кенг тасвирлашдан ташқари «Бу арова уч кун ўтуб (Фурқат Худоёрхон Туркистон генерал-губернатори томонидан Тошкентга чақириб олиб кетилганидан кейинги уч кунни айтапти — Ш.Ю.) қипчоқия ва қиргизия лашкари Хўқанд вилоятига дохил ўлуб, кўб талотублар бўлдики, баёни бошқа китобимда зикр тобқондур», деб ёзади. Бинобарин, юқорида санаб ўтилган асарлардан ташқари Фурқат Қўқон хонлигининг энг охирги хафта ва ойлари тасвирига бағишиланган маҳсус китоб ҳам ёзган. Бироқ бу китоб ҳали тадқиқотчилар қўлига тушмаганлиги сабабли унинг наср ёки назмда битилгани хусусида ҳам, ҳажми ва мундарижаси, уннадаги воқеалар ва шахсларнинг талқини ҳақида ҳам ҳозирча бирор гап айтиш қийин. Лекин шу нарса аниқки, Фурқат ўзи гувоҳ бўлган Қўқон хонлигининг сўнгги давридаги воқеалар борасида, бу воқеаларга сабабчи бўлган кишилар ҳақида хўб ва кўп ёзган. Фурқатнинг Қўқон, Маргилон, Фарғона, Наманган, Тошкент ва бошқа жойлардаги ҳамкасб дўстлари — шоирлар, ўз даврининг йирик муаррихлари ҳам шу хусусда қалам тебратиб, хонликдаги афсус-надомат тугдирган воқеалар манзарасини тўлароқ тасаввур этишимизга ҳисса қўшганлар. Уларнинг асосий қисми ҳақида кейинги бобларда фикр юритамиз, иншооллоҳ.

ТОШКЕНТНИНГ БОСИБ ОЛИНИШИ ХОН
ВА ХОНЛИК ТАҚДИРИДА





«Туркистон вилоятининг газети»да 1894 йил 22 марта чоп этилган «Фаргона музофотининг хонлари хусусидаги воқеотлар» номли материалда Худоёрхоннинг шажараси ҳақида гоят қизиқарли маълумотга дуч келдик. «Воқеотлар» муаллифи Худоёрхоннинг иккинчи ўғли Муҳаммад Аминбек бўлиб, асар эълон қилинган вақтда Тошкентда ўз оиласи билан биргаликда истиқомат қиларди.

«Бобурхон Самарқанддин чиқиб Фаргонага келганида,— деб бошлийди «Воқеотлар» муаллифи,— ҳавосини яхши кўруб, бир ёш гўдакни олтун бешикга солуб, Найманча сойини лабига қўюб ва бир одамни қоровул қилиб кетдики, шул болани ҳар кимки олиб кетса билиб, мундин сўнгра келасан деб. Ушбу манзилда уч жамоа сувга чиқиб, мазкур болага йўлукуб ва булар чек ташлаб кўрдиларки, бирига ёш бола ва бирига бешик ва бирларига қимматбаҳо либослар ва тошлар тушти. Булар тақсимга рози бўлуб, ул болани Тургова жамоаси парвариш қилиб, анинг исмини Олтун бешик қўйдилар...»

Олтун бешикдин ўн пушт ўтуб, яъни икки юз икки йил ўтгандин сўнгра Шоҳруҳхон таваллуд топган экан ва мазкур хон ўн саккиз ёшида бир йўлбарсни найза билан саншиб, бир подшоҳи асрга манзур қилганида ул подшоҳ Фаргона музофотини бериб хон қилғондир. Шоҳруҳхондин уч ўгул таваллуд топди. Абдулраҳимбий ва Абдулкаримбий ва Шодибий. Отасидин кейини Абдулраҳимбий хон бўлуб, Ворук

қалъасини бино қилгон. Ул вақтда Хўқандни биноси йўқ әмиш. Мазкур Ворук ул вақтда Хўқанд уездидадур.

Шоҳруххонни салтанату ҳукумати ўн икки йил бўлуб, ўн учунчи йилда 1121 нчи санада (ҳижрий ҳисоб кўзда тутиляпти — Ш.Ю.) вафот қилган. Мазкурни ўғли Абдураҳимбий йигирма беш йил хон бўлган, санайи 1146 нчи вафот қилган. Андин сўнгра Абдулкаримбий ўн саккиз йил хон бўлуб, 1164 нчи санада вафот қилган экан. Андин сўнгра мазкурни ўғли Абулраҳмон тўққуз ой хон бўлган ва бундин сўнгра Раҳимхонни ўғли Эрдона бир йил хон бўлган ва мундин кейин Раҳимхони мазкурни ўғли Бобобек хон бўлган — бир йил. Андин сўнгра ани қатл айлаб, боз яна Эрдонабийни хон қилган. 1176 нчида вафот қилган экан. Кейин Шодибекни ўғли Султонбийни хон қилган. Вафоти санайи 1177 нчида. Ва мундин сўнгра Норбутахон Абдулраҳмонхон ўғли 14 ёшида хон бўлган — муддати ўттуз олти йил 1213 нчида вафот қилган.

Норбутахон асридан буён Фаргона музофотида бўлган хонларни муддати салтанатларини баёни:

1. Олимхон. Мазкур Норбутахон ўғли. Тахти салтанатда мақом тутди муддати ўн икки йил. Бир минг икки юз йигирма беш санайи ҳижрийда вафот топди. Мазкур Олимхон Тошканд шаҳрини фатҳ айлаб, тоべъи Хўқанд қилган.

2. Умархон. Мазкур Олимхон иниси. Тахти салтанатда муддати ўн икки йил барқарор бўлиб, тарихи бир минг икки юз ўттуз еттинчи санайи ҳижрийда вафот топди. Анинг замонида Туркистон музофоти фатҳ бўлди.

3. Муҳаммад Алихон. Мазкур Умархон ўғли. Тахти салтанатда муддати йигирма бир йил қарор тутди... Бир минг икки юз эллик саккизинчи ҳижрийда Сайд Насрулло — амири Бухоро келиб мазкур хонни қатл қилган. Мазкур Муҳаммад Алихон замонида Кошгар вилояти мусаххар бўлди.

4. Шералихон Ҳожибек ўғли. Мазкур Умархон амакзодаси... Мазкур Шералихонни муддати салтанатлари уч йил. Тарихи бир минг икки юз олтмиш бир йил санайи ҳижрийда вафот топти.

5. Сайд Муҳаммад Худоёрхон. Мазкур Шералихон ўғли. Аввали муддати салтанатлари ўн тўрт йил бўлди. Андин сўнгра Бухорои шарифга борди».

Мұхаммад Аминбек келтирған тарихдан Худоёрхон Бобур томонидан Найманча сойи сохилиға ташлаб кетилған, кейинчалик Олтун бешік деб номланған боланинг наслидан эканлиги маълум бўлади. Бироқ Олтун бешикнинг Бобурга хешлиги ҳакида ҳеч қандай маълумот йўқ. «Воқеотлар» давомида, бир томондан, Фаргона музофоти ҳукмдорлиги қай даврдан бошлаб Худоёрхон аждодлариға мансуб бўлганлиги, шундан буён ўтган хонларнинг ҳукмфармолик муддати, қайси хон даврида хонлик ҳудуди қайси юрт ҳисобига кенгайғанлиги, хонларда баъзиларининг қай тариқа ўлим топғанликлари ва бошқалар хусусидағи маълумотлар ғоят қизиқарлидир. Энг муҳими «Воқеотлар» орқали Қўқон хонлари, жумладан Худоёрхон шажараси билан яқиндан танишиш имкони туғилди. Худоёрхоннинг аввал дафъа Қўқон тахтига чиқиши 1261 ҳижрий йил эканига ишора қилинадики, бу сана ҳам 1895 йилда чоп этилган «Энциклопедический словарь»да келтирилган санага ҳар жиҳатдан тўғри келади.

Энди рус мустамлака сиёсати билан bogliq жиҳатларга келсак, 1865 йил ёзида Тошкент Россия томонидан босиб олиниши пайтида Худоёрхон Қўқон тахтида эмасди. 1845 йилда 16 ёшида тахтни әгаллаган хон тожнинг бошқа даъвогарлари билан курашга 1858 йилгача бардош бериб, уша йил акаси Маллахон томонидан тахтдан қулатилған ва 1865 йилнинг иккинчи ярмигача Бухоро амири паноҳида жон сақлаб келган әди. Бу давр ичида Маллахонга ҳам тожтахт вафо қилмаган ва Худоёрхоннинг иккинчи ўгли Мұхаммад Аминбек кейинчалик «Туркистон вилоятининг газети»да ёзишича: «*Тахти салтанатда муддати уч йил барқарор бўлиб, тарихи бир минг икки юз етмиш саккизинчи санайи ҳижрийда* (мелодий ҳисобда 1861-62 йиллар — Ш.Ю.) *мазкур хонни қипчоқия ва қирғизия қатл айладилар*». Уша манбада кўрсатилишича, Маллахондан сўнг Шоҳмуродхон Саримсоқхон ўгли «*муддати бир йил тахти ҳукуматда барқарор бўлди. Андин сўнг мазкур Шоҳмуродхонни Алимқули ўлдуруб, ўрнига Султон Сайдхон Маллахон ўглини хон қилди. Мазкур Султон Сайдхон тахти салтанатда тарихи бир минг икки юз саксон иккичигача туруб, андин сўнгра Бухорога кетди. Тарихи бир минг икки юз саксон иккинчи санайи ҳижрийда мазкур Худоёрхон келиб, хонлик давлатини*

муддати ўн бир йил фармонраволик илан ўткарди» («Туркистон вилоятининг газети», 22 март 1894 йил, 11-сон).

Бошқа бир неча тарихий манбалардан маълум бўлишича, 1865 йил июн ойи бошларида Алимқули Тошкентни рус босқинчиларидан ҳимоя қилиш чоғида ўз ҳамюртлари томонидан хоинона ўлдирилиб, тез орада шаҳар душманга таслим бўлади, хонлик қўлидан абадий кетади. Бу ҳол Бухоро амирлиги билан Қўқон хонлиги ўртасида узоқ вақтлардан бери давом этаётган низо ва душманлик кайфиятларини янада алангалатиб юборди. Фурсатдан фойдаланган амир Музаффар Алимқулидек қудратли ҳимоячисидан ажраб тахти лиқиллаб қолган Султон Сайдхон билан Бухоро пайт пойлаб ётган Худоёрхоннинг ўринлари ни алмаштириш ниятини осонгина амалга оширади. Худоёрхонни етаклаб келиб Қўқон тахтига ўтқазади, Султон Сайдхонни эса Худоёрхон ўрнига Бухорога жўнатади. Бу воқеа Тошкент руслар томонидан босиб олингач, орадан бир неча ҳафта ўтар-ўтмас амалга оширилди.

Шу важдан Туркистон генерал-губернаторлигининг Қўқон хонлиги билан алоқалари ўн йилдан ортиқ давр мобайнида, яъни хонлик ҳудуди бутунлай босиб олингунга қадар Худоёрхон орқали амалга оширилди.

Худоёрхонга Россия императорининг ва Туркистондаги «ярим подшо» Кауфманинг муносабатлари зоҳиран қандай эдию ботинан қандай бўлганлиги масаласи ҳаммани қизиқтиради деб ўйлаймиз. Келинг, муҳтарам уқувчи, шу хусусда бироз фикрлашайлик. 1865 йилда Тошкент босиб олингач император Александр II нинг фармонига кўра Туркистон генерал-губернаторлиги ва унинг таркибида уч вилоят губернаторларли тузилиб, Туркистонга генерал-губернатор ҳамда вилоятларга ҳарбий губернаторлар тайинланди, забт этилган барча ҳудудларда Россия қонун-қоидалари мажбуран жорий этилди. Бу ҳодисани кейинчалик ҳатто В.И.Лениннинг ўзи ҳам «Туркистон соф типдаги мустамлакага айланди» дея эътироф этишга мажбур бўлган эди (бироқ шуниси ҳам борки, етмиш йилдан ортиқ давом этган совет мустамлакаси даврида коммунистик мафкура корчалонлари уз доҳийларининг бу ҳаққоний фикрини оммага маълум қилишдан деярли ҳамиша ўзларини тийиб келишди).

Тошкентни босиб олиб, Туркистон генерал-губернаторлигини тузиш билан нафси тийилмаган император ҳукумати Ўрта Осиёдаги уч хонликнинг ҳам масини ўз комига тортиб юборишнинг шум режаларини туза бошлади. Бу режалар ҳийла-найрангдан ташқари беҳаёларча зўравонликка ҳам асосланган эди. Хонликларга тегишли ҳудудларни ҳали у, ҳали бу ёлгон баҳоналар билан босиб олиб, мустамлакачилар дастлабки уч вилоят губернаторлиги сонини бештага етказдилар.

Ҳақиқий аҳвол шундай бўлди. Бироқ ўзларининг узоққа мўлжалланган босқинчиликларини анчагача Туркистоннинг содда, оққўнгил одамларидан устомонлик билан яшириб келдилар. Масалан, император Александр II Тошкент ва бошқа бир неча шаҳарлар босиб олинганидан кейинги дастлабки йилларда ўзини гўё Худоёрхоннинг Қўқон тахтига ҳукмронлигидан манфаатдордек кўрсатиб, Туркистон генерал-губернатори фон Кауфманга бир неча расмий мактублар йўллаган ва бу мактублардаги фикрларни хонга етказиши үнга топширган эди. Император топширигига кўра, фон Кауфман томонидан 1868 йил 29 январда Тошкентдан Қўқонга жўнатилган бир мактубда жумладан бундай дейилган эди: «Улуг рус подшоҳи бизга чегарадош давлатларда хонлар билан фуқаролар ўртасида нифоқлар чиқишига ҳеч қандай йўл қўймайди». Лекин ўз ёвуз мақсадида эришип йўлида ҳеч қандай шармандалиқдан қайтмайдиган Россия императори қорлар ёғиб излар босилгач, Бухоро амирлиги ва Хива хонлигини гаҳ деса қўлига қўнадиган қилиб, Ўрта Осиёдаги ўз мавқеъини мустаҳкамлаб олганидан кейин олдинги қоп-қоп ваъдаларни унутади-қўяди. Энди Туркистон генерал-губернаторининг ҳам Қўқон хонига (Бухоро амири ва Хива хони ҳам бундан мустасно эмас) муомаласида дўқпўписа, дагдага оҳанглари яққол қўриниб туришидан ташқари Петербургдан Тошкентга мунтазам равишда юбориб туриладиган махфий йўл-йўриқлар табиати ҳам таниб бўлмайдиган даражада ўзгариб кетади. Чунончи, 1874 йил 31 май куни фон Кауфман Худоёрхонга ёзган қутқули мактубида: «Агар ўз фуқароларингизни бошқариш усупларини ўзгартирмас экансиз, у ҳолда тақдирингиз ёмон тугашини олдиндан айтиб қўймоқчиман», дея беҳаёларча ёзаверади. Ўша йилнинг 13 сентябрида император имзоси билан

Туркистон генерал-губернаторига йўлланган расмий кўлланмада эса, Қўқон хонлигида ички бошбошдоқлик ва галаёнлар бошланиб кетганидан фойдаланиб: «Хон таҳтдан батамом қулатилган тақдирда қўли ба-ланд келган гуруҳ билан дуруст муносабатлар ўрнатиш» энг долзарб вазифалардан бири эканлиги таъкидланган эди.

Шундан кейин Қўқон хонлиги таҳтига даъвогар булиши ҳақлидек туюладиган, бироқ бунга журъат этмай, Бухоро мадрасаларидан бирининг оддийгина ҳужрасида хокисорлик билан кун кечираётган ҳақиқий Пўлатхон у ёқда қолиб, сохта Пўлатхон майдонга чиқади, атрофига даштий жангари қирғиз ва қипчоқлардан аскар тўплаб, Худоёрхоннинг энг йирик амалдорларидан Исо авлиё, Абдураҳмон офтобачи кабиларнигина эмас, балки хоннинг иниси Маргилон ҳокими Султон Муродбек, ўғиллари Насриддинбек ва Муҳаммад Аминбекларни ҳам ўз томонига оғдириб олади. Хоннинг испонган тоглари сохта Пўлатхон амрини вожиб кўриб, ўз валинеъматларидан юз ўғирганликлари юртда мисли кўрилмаган саросима вужудга келтиради. Хоннинг хос одамлари ўзлари бошқариб турган қурол-аслаҳа ва аскарларни, ҳукмлари остида бўлган шаҳар ва қишлоқларни сохта Пўлатхон тасарруфига топширадилар. Ҳар томонлама якаланиб, қаттиқ исканжага олинган Худоёрхон 1875 йил 24 июл куни таҳтни ташлаб Қўқондан Ҳўжандга қочишга мажбур бўлади. Бир неча йил аввал ўрислар томонидан беҳаёларча босиб олинган Ҳўжандда хон ўз ичидан чиққан рақиблардан жон сақлашни, шаҳарда Туркистон генерал-губернатори билан алоҳа ўрнатиб, илгари кўп марта ваъда қилинган ҳарбий ёрдамни олиб, Қўқон таҳтини қайта эгаллашни режалаштирган бўлса керак.

Хоннинг ўша қунлардаги фожиали аҳволи ҳақида «Туркестанские ведомости» қўйидағича ёзган эди: «Хон 24 июля, чошгоҳдан кейин Ҳўжандга келди ва уезд бошлигининг уйига жойлашди. Бу ерда хонни фахрий қоровул ва ҳарбий мусиқа кутиб туради. Шаҳар ва қишлоқ аҳолиси хонни анча хайриҳоҳлик билан кутиб олди. Хон кўчаларга одамлар унчалик кўп тўпланишини хоҳламаган, шунинг учун тайёрлаб қўйилган уйга хонни бозор ўртаси билан эмас, балки шаҳар четидаги айланма йўл билан олиб борилди.

Охириги вақтлардаги күтилмаган воқеалар хон-нинг маънавий ва жисмоний ҳолатига қаттиқ таъсир қилган эди. Хўжандга келгач у ўзини оғир бетоб сезиб, Хўжанд уезди бошлиги барон Нольденинг уйидан дарё соҳилидаги мусулмонча бинонинг аёллар яшайдиган қисмiga кўчиб ўтди» (19 август 1875 йил, 33-сон).

Худди ўша хабарда хон Хўжандга ўғли Ўрмонбек, жияни Мулла Маъруф, сабиқ Сух беги Отабек ноиб ҳамда умумий сони 643 кишидан иборат бўлиб, 350 нафари қуролланган аъёнлари билан бирга келганлиги, булардан ташқари аёллар, хизматкорлар, оғир юкларни ташувчилар ҳам келганлиги айтилади ва келганлардан 40 аравакаш юкларни бушатиб, Қўқонга қайтиб кетганлиги маълум қилинади.

Хўжандда ўн кун чамаси яшаб, Қўқонда таҳт ўз ўғли Насриддинбек томонидан эгаллаб олинганидан боши гаранг бўлиб турган хонни Туркистон генерал-губернатори август ойи бошларида Тошкентга чақиради. Бу ҳақда «Туркестанские ведомости»нинг 1875 йил 5 августдаги 31-сонида қуйидагича хабар берилган эди: *«31 июля Мулла Абдулкарим бошлиқ Қўқон элчилари Тошкентга келишди. Улар Худоёрхонга қарши газабнок бўлган қипчоқлар гуруҳи томонидан Қўқонда сайланган янги хондан мактуб олиб келишган. Янги хон Худоёрнинг катта ўғли Насриддин бўлиб, отаси даврида Андижон беклигини бошқарган... Насриддин 28 июля хон қилиб сайланган ва ўша заҳотиёқ бу ҳақда генерал-губернаторга мактуб билан маълум қилган...»*

Сабиқ Қўқон хонига Хўжанддан Тошкентга кўчиб келиш таклиф этилди».

Россия императори ваъдаларига ишониб, не-не умидлар билан Тошкентга келган Қўқон хонини 8 август куни Туркистон генерал-губернатори қабул қиласи. Бу учрашув тафсилотини муаррих Акмал Акрам «Худоёрхон қаерда ўлган» сарлавҳали мақолосида қуйидагича баён қиласи: *«Кауфман аллақачон Худоёрхоннинг қисматини ҳал қилиб бўлган эди. Унга ётиги билан унинг ҳолати жуда аянчли тус олганини, хоннинг Қўқонга қайтиб бориши мумкин эмаслигини, шунинг учун Россияда қолиб, давлатдан нафақа олиб, қолган умрини шод-хуррам ўтказишни унга маслаҳат беради. Лекин хон бу таклифга кескин рад жавобини бериб, мустақил давлат ҳукмдори*

эканлигини ва фақатгина рус императори билан гаплашмоқчи эканини айтади. Суҳбатни давом эттириш мүмкин эмаслигини тушунган Кауфман хонадан чиқиб кетади. Фақат шундагина Худоёрхон хонликни умрбод қўлдан чиқарганига тушуниб етади» («Туркестон», 14 апрел 1992 йил).

Баъзи тарихий манбаларга таянган ҳолда Акмал Акрам айтган фикрлар кўп жиҳатдан тўгри, албатта. Бироқ фон Кауфман билан биринчи суҳбат вақтидаёқ Худоёрхон «хонликни умрбод қўлдан чиқарганига тушуниб етганлиги» ҳақидаги қатъий хulosа устида бироз ўйлаб кўрмоқ керак. Аввало, инқилобдан олдинги матбуотдан маълумки, генерал-губернатор ҳузуридаги ўша суҳбатнинг эртаси куниёқ фон Кауфман Худоёрхон вақтинча истиқомат қилиб турган Тошкентнинг Бешёғоч даҳасига қарашли Дархон маҳалласидаги ҳовлига келиб, хон билан узоқ суҳбат қиласди («Туркестанские ведомости»нинг 1875 йил 12 августдаги 32-сонига қаралсин). Қолаверса, ўз севимли рафиқаси Огача ойимни, валиаҳдликка мўлжалланган фарзанд Ўрмонбекни ва кенжা ўғли Фансуруллобекни ёнига олиб, ўша йил 12 август куни узоқ сафарга отланган Худоёрхон бошқа бирор жойга эмас, подшоҳ ҳузурига, Петербургга йўл олганлиги ўша давр газеталаридағи бир неча материалда ўз ифодасини топган. Масалан, «Туркистон вилоятининг газети» шу муносабат билан қуйидаги ча хабар берган эди: «Хўқанднинг хони Худоёрхон Туркистонни генерал-губернатори фон Кауфманни рухсатлари билан Хўжанд шаҳридан чиқиб, саккизинчи августда Тошканд шаҳрига дохил бўлуб, ўн иккинчи августда ўзига тобеъ хос одамлари билан пойтахт Петербурхга мурожаат айлаб кеттилар ва ҳам генерал губернатурни фармойишлари бўйича вадади Владислав тўра, таржимон Ибн Ямин Сайфуллин мазкур хоннинг ҳузурида кеттилар» (1875 йил 19 август, 20-сон).

Хоннинг шу тариқа Петербургга йўл олиши уҳали тоҷ-тахт бутунлай қўлдан кетганига ишонмаганилиги нишонаси деб қаралса, тўгрироқ бўлур эди. Чамаси, у Россия императори билан шахсан учрашиб, аввалги ваъдаларини ёдига солиб, унинг кўмагидан Кўкон хонлиги тахтига қайта ўтириш умидида бўлган. Лекин император ҳам, генерал-губернатор ҳам Худоёрхонни қайта тахтга чиқаришни хаёлига

келтирмас, аксинча, иложи борича зудлик билан хонлик территориясини Россия империясига тұла тобе әтиш режасини тузиб құйған әдилар. Акс ҳолда 1875 йилнинг 12 августыда, Худоёрхон Петербургга ҳожатмандлық билан йўл олган куннинг ўзида, фон Кауфман бир неча құшин турларини жамлаб, катта ҳарбий куч билан Құқонни забт әтиш учун йўлга чиққанини нима билан изоҳлаш мумкин? Құшин 12 августда йўлга чиққан бўлса ҳам, бу ҳақда қатъий қарорга бир неча кун илгари, яъни генерал-губернатор Құқон хони яшаб турган Дархон маҳалласидаги ҳовлига «дўстона ташриф» буюрган куни — 9 августда муҳр босилган эди. Генерал-губернаторнинг Туркистон ҳарбий округи бўйича ўша куни берган 298-ракамли буйругида пиёдалардан 18 рота, отликлардан 900 нафар соқчи отряди, 3 артиллерия дивизиони жамлаб, Сирдарё обласи қўшинлари қўмондени бошчилигига Құқонни эгаллаш буюрилган эди. Бу ҳужумнинг бош раҳбари ҳуқуқини фон Кауфман ўзида сақлаб қолган эди.

Генерал-губернаторнинг юқоридаги буйруги «Туркестанские ведомости»да 19 августда маълум қилинган бўлиб, Худоёрхон бу вақтда ҳали Туркистон атрофларида эди. Хон император ва генерал-губернаторнинг хиёнаткорона мақсадларидан ўша кунлардагина бирор йўл билан хабар топган, ундан сўнг Петербургга боришга рухсат берилмай Оренбургда узок муддатга ушлаб қолингач, тақдирга тан беришдан ўзга чораси қолмаган деб ҳисоблаш, бизнингча, тўғрироқ бўлур эди.

Оренбург губернатори Крижановский ҳам (у ўтган асрнинг 90-йиллари охирида Тошкент шахрининг ҳокими сифатида кўб номатлуб ишларни қиласи) Худоёрхонни сохта меҳрибончилик билан кутиб олади, меҳмон қиласи, ўзи ҳам унга меҳмон бўлади. Ҳақиқий ниятини секин-аста маълум қилиб, хонни Оренбургда қаттиқ назорат остида сургун шароитида сақлайди.

Худоёрхон Оренбургда ташқи дунёдан бутунлай узиб қўйилганди. Натижада у ўзидан сўнг Құқон хонлигига рўй берган воқеалардан бехабар қолади ёки жуда кечикиб воқиф бўлади. Матъумки, Худоёрхон Оренбургга жўнатилгач, 29 август куни, чошгоҳда фон Кауфман бошчилигидаги ўрис қўшинлари Саримозор дарвозасидан кириб, Құқонни забт этган, янги хон

Насриддинбек ўзини генерал-губернатор оёқлари остига ташлаб, раҳм-шафқат илтижо қилган, генерал-губернатор эса, русларга ҳеч қандай шартларсиз, сўзсиз таслим бўлишгина янги хоннинг ҳаётини сақлаб қолишга ёрдам бериши мумкинлигини голибларга хос қатъият ва шафқатсиз билан маълум қилган эди. Орадан бирмунча вақт ўтганига қарамай, Петербургда Қўқон хонлиги масаласи ҳал бўлавермагач, сентябр ойи охирларида фон Кауфман янгича қарорга келади: гўё Насриддинхон ўрисларга қарши курашда иштирок этмаганлигини, ўз отасига қарши чиқишига сохта Пўлатхоннинг тазийиқ ва қутқуси сабаб бўлганлигини ҳисобга олиб, у Туркистон генерал-губернатори томонидан Қўқон хони сифатида расман эътироф этилади. Шу баҳонада «*22 сентябрда Насриддин билан битим тузилди. Битимга кўра уузини рус подшоҳининг хизматкори деб эътироф этди, ҳар йили 500 минг сўм бож тўлашни зиммасига олди*» (Энциклопедический словарь, том XV а, С. Петербург, 1895, 623-бет).

Айни вақтда асосий диққат ўрислар учун ҳаммадан кўра хавфлироқ бўлган сохта Пўлатхонни йўқотишга қаратилди. Шу йўлда Насриддинхон аскарларидан ҳам фойдаланиб, уни 1876 йил февралида асир олинади ва Марғилонда дорга осиб юборилади. Ундан илгарироқ, январ ойи охирда, гўё Насриддинхон ўрисларга қарши кайфиятдаги гуруҳлар билан, Тошкентдан Қўқонга қочиб борган Абдулмўмин ва собиқ Ўратепа беги Абдугаффор билан яқинлашди деган баҳона остида генерал Скобелев қўмондонлиги остидаги ўрис қўшинлари шитоб билан Қўқонни янгидан забт этадилар, Насриддинхон ҳукмронлигига абадий чек қўядилар. Бу ҳақда ҳам ўша давр матбуотида баъзи маълумотлар сақланиб қолган. «*Унинг (Насриддинхоннинг демоқчи – Ш.Ю.) хонлик муддати калтаи кўтаҳ бўлди, – деб ёзади «Туркестанские ведомости» 1876 йил 24 февралда. – Узоқни кўрмайдиган ва ақли ноқис Насриддинхон русларга душман кайфиятдаги гуруҳларга қўшилиб шуҳрат қозонмоқчи ва тахтини мустаҳкамламоқчи бўлди. У сарбозларни йигиб, Тошкентдан Қўқонга қочган Абдулмўмин ва Абдулгаффорларни (кейингиси собиқ Ўратепа беги) ўз ёнига олди. Генерал Скобелевнинг кутилмагандага шитоб билан ҳаракат килиши хоннинг режаларини*

бир зарбадаёқ барбод қилди. Рус қуролининг жозибаси шунчалар кучли эдики, ҳаракат қилиш вақти етганида хон бутун жасоратини бой берип, генерал Скобелев талабларига мутелик билан бўйсунди. У қулидаги тўпларни топшириб, казак аскарларига итоат қилганича Ҳўжандга жўнаб кетди».

Насриддинхон ҳукмронлигининг сўнгги кунлари ҳақида батафсил гапираётганимизнинг боиси шуки, у январ охиридаёқ таҳтдан узил-кесил маҳрум қилингани ҳолда, Оренбург сургунида яшаётган Худоёрхон 1293 ҳижрий йилнинг 24-муҳаррамида, яъни 1876 йил 20 февралда Насриддинхонга Қўқонга мактуб йўллайди. Бинобарин, бу вақтда Худоёрхон Қўқон воқеаларидан ҳам, ўғли Насриддинхоннинг таҳтдан абадулабад ағдарилганидан ҳам бехабар бўлган. Форс тилида ёзилган бу мактубнинг тўла матни кейинчалик, 1890 йил 3 октябрда, «Туркистон вилоятининг газети»нинг 39-сонида русча таржимаси билан биргаликда эълон қилинган. Ҳажми анча катта бўлган бу мактуб матнидан маълум булишича, Худоёрхондан сўнг Қўқон таҳтига ўтирган Насриддинбек ўзини шу тариқа иш тутишга мажбур қилган омиллар ҳақида отасига батафсил изоҳ берип, маҳсус мактуб йўлланган. Собиқ хоннинг янги хонга мактуби фарзандининг ўша изоҳларига жавоб тариқасида битилган. Худоёрхон мактубида айтилишича, аввал у атрофадигиларнинг гийбат ва миш-мишларига ишониб, Насриддинбекдан хафа бўлган, лекин кейинчалик ўглидан олинган мактубдан бутун ҳақиқатни англаб, унга тўла рози-ризолик беради, Қўқон таҳтига ўтирганлиги билан муборакбод этади. Собиқ хон ўзи таҳтда ўтирган вақтида гараз аҳлининг, ҳавои нафснинг йўлидан бориб, Худо амрини, шариат йўлини адо этишига халал етганини айтади, олдинги ва кейинги барча гуноҳларидан тавба қиласи.

Худоёрхон ўзининг тож-таҳтга, бу дунё ҳою ҳавасларига хоҳиши бутунлай сўнганини, энди қолган умрини тоат-ибодат ва тавба-тазарру билан ўтказишга қатъий қарор қилганини Ҳақ Таоло ва Расулиллаҳни шафेъ келтириб айтади.

Айни вақтда собиқ хон эндиғина таҳтга чиққан фарзандига ўзи йўл қўйган гумроҳликлардан эҳтиёт бўлишни, шаҳар ва қишлоқлардаги барча фуқароларга, хусусан уламолар билан сипоҳиларга ҳамиша

мехр-шафқатли, оқибатли бўлиш зарурлигини таъкидлайди.

Лекин Худоёрхоннинг бу мактуби ёзилган вақтда, илгарироқ айтаганимиздек, Насридинхон руслар томонидан таҳтдан агдарилиб, отаси сингари Тошкентга олиб кетилган, Қўқон хонлигининг бутун ҳудуди Россия императори ҳукмфармолигига ўтказилгани ҳақида Петербургдан келган фармон Қўқон фуқароларига ўқиб эшиттирилган, императорнинг 19 февралдаги фармонига мувофиқ Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фаргона вилоятини ташкил этиши ишлари бошлаб юборилган эди. Шу важдан ҳам бу воқеаларнинг барчасидан бехабар собиқ Қўқон хони томонидан Оренбургдан ёзилган мактуб унинг юртига қачон етиб келганлиги ва Тошкентдан тез орада Владимир сургунига жўнатилган Насридинхонга етган-етмаганлиги маълум эмас. Хат 1890 йил кузининг бошида Тошкентда ташкил этилиб, Фурқат, Муҳиддинхўжа каби маърифатпарварларнинг асарлари орқали маҳаллий халқ орасида кенг шуҳрат топган виставкада экспонат сифатида қўйилган ва «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этилган пайтда эса Насридинхон аллақачон ҳаётдан кўз юмган эди.

Сўнгги Қўқон хонининг ватанжудоликда, тутқунликда ўз тўнгич фарзандига йўллаган бу мактубида ўқувчини ўйлатадиган, ибратли жиҳатлар анчагина. Биринчидан, йирик ҳукмдорлар, одатда тоҷ-таҳт қўлдан кетиб, барча имкониятлардан мосуво бўлгандан кейингина кўзлари очилиши, ҳақиқатни англиши, атрофини ўраб олган кўплаб хушомадгўй амалдорларнинг аслида кимлар бўлганлиги хусусида тўғри хулоса чиқаришлари, дўстни душмандан ажратабиладиган ақл-идрок касб этишлари борасида ўйлаб қоласан киши.

Одатда ўзининг бегуноҳ фуқароларига, содиқ мулоҳизмларига қилган ноҳақ ишларини, фожеаларга сабаб бўлган бемаъни хатти-ҳаракатларини, турли даврларда шариатга хилоф йўл тутганлиги ва бошқа гуноҳларини мушоҳада этишга олиб келадиган мулоҳазакорлик ҳам, нариги дунёни ўйлаб, барча гуноҳларидан астойдил тавба-тазарру қилиш, покланиш истаги ҳам шундан кейин пайдо бўлади.

Шуларнинг ўзигина эмас. Ҳаётнинг бу қадар заҳролуд сабоқлари собиқ ҳукмдорларни энди мамлакат

қай тариқа бошқарилса, раъиятга, амалдорларга, сипоҳиларга, уламоларга қай тариқа муносабатда бўлинса эл-юрт тинч, обод, фаровон бўлиши мумкинлиги борасида тўғри хulosага келиш имконига ҳам эга қиласди.

Энди улар мамлакатни бошқаришнинг мутаносиб йўллари хусусида тўғри хulosалар чиқариш биланги на чекланмай, юрт тепасида турган бошқа ҳукмдорларга тўғри маслаҳатлар бериш, насиҳатлар қилиш лозим деган қатъий фикрга ҳам келадилар.

Собиқ Қўқон хони ўзига хиёнат қилиб, тахт душманлари қўлида ўйинчоққа айланган, падари бузруквори устига катта қўшин тортиб келиб, Фурқат сўзлари билан айтганда, уни «ҳайрат мақомида қолдирган» беш кунлик хон Насриддинбекка босиқлик билан насиҳат қилишни, уни инсоф ва адолат билан юрт бошқаришга, хусусан, муқаддас шариатимизни маҳкам ушлашга, сипоҳиларга меҳрибон, қариялар, етим-есирларга шафқатли бўлишга, аҳли илмларга алоҳида таъзим бажо этишга даъват қилишни ўз оталик бурчи, инсонлик бурчи деб билади. Лекин минг афсуслар бўлсинки, юқорида қайд этганимиздек, Россия императорининг, Туркистон генерал-губернаторининг, бошқа кўпдан-кўп ўрис босқинчиларининг ҳийла-найранглари, зўравонликлари туфайли бутун Қўқон хонлиги ҳудуди босиб олинганлиги, гўё хонликдаги фуқароларнинг ўз хоҳиш-иродасига кўра (ёлгончилик ва шармандаликнинг бу даражага бориши камдан-кам кўрилади) Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фаргона вилояти ташкил этилиши борасида «император ҳазратларининг фармони олий»лари эълон қилинганлиги гурбат кунжида сўнгсиз азоблар чекаётган Худоёрхоннинг аччиқ ҳаёт сабоқларидан келиб чиқиб кўрсатган бу йўл-йўриқларининг рӯёбга чиқиш йўлларини хитой деворидек тақа-тақ беркитиб ташлаган эди.

Собиқ Қўқон хонининг фожеали қисмати ҳам, у гоят танг бир вазиятда ўзининг бутун ҳукмфармолик даври устидан чиқарган аччиқ ҳукм ҳам кишиларга узоқ-узоқ замонларгача сабоқ бўлади, деб ўйлаймиз.



ҲАЖ САФАРИ ВА ХОННИНГ ВАФОТИ





Сунгги Құқон хонининг Оренбург сургунидаги фо жиаларга тұла ҳаёти икки йилдан зиёдрөқ давом этади. Тарихий манбаларнинг гувоҳлигича, Худоёрхон 1877 йил 12 науябрига үтар кечаси ҳажга бориш мақсадида бир неча яқын кишилари билан бирга Оренбургдан махфий равишда жұнаб кетади. Күтилмаган бир вақтда, махфий жұнашининг сабабларини собиқ хон ҳаж зиёратидан бұшаб, хорижий мамлакатларда олис муддат сарсон-саргардон кезганидан, күп күнгилсизликтарни бошидан кечириб, оғир қасалликдан фориг бұлганидан сұнг Туркистан генерал-губернаторига авф сұраб ёзган бир мактубида қуидаги изохлайди:

«...Оренбурх губирнатуридин Маккага жавоб истадим. Жавоб бермади. Боқузур жойимизда ўтурап дук. Ва яна бир пора одамларимизни тарафиидин губернатурға шикоят қилибдурларки, от олди ва яна одам жам қилур дебдурлар. Бир неча одамлар ул тарафдун бизга хабар бердиларки, губернатур баҳодур сиздин күб ранжибдур деб сұзланди. Ва бу сұзлардин сұнгра мусофироти асар қилди, ноҳақ сұзлар бизнинг ҳақимизда сұзланди. Бу аснода уюмизда ўғри келди ва яна бир хафалиқ тушти. Үндін сұнгра бир вақима туштики, бир кеча келиб ўлдурурлар деб. Фикр этдимки, Маккага кетмак яхшидир деб. Кетмакни ихтиёр қилиб, бир хат битиб уйимизда құйидуқки, биз тарафдин кимга зиён бұлмасун деб, Макка тарафка чиқиб келдик».

Биз илгарироқ фикр юритган Оренбургдан Насриддинхонга форс тилида битилған мактуб услубнинг ғоят равонлиги, анъанавий ибораларга ніхоят-

да бойлигига қараганда, хоннинг илтимосига кўра зукко ва билимдон бошқа бир одам томонидан ёзилган, деган тасаввур қолдиради. Кўчирма келтирилган кейинги мактубнинг услуби ҳам, бутун руҳи ҳам у Худоёрхоннинг ўзи томонидан битилган, деган хуло-сага келиш учун асос беради. Зотан ҳали Оренбургда әканида хоннинг ёнида у билан бирга борган анчагина одамлари, жумладан, маҳсус хаттотлари ҳам бўлган деган фикр устун келади. Хон она юртидан жўнаб, дарбадарликда узоқ муддат кезганидан кейин унга рисоладагидек хат ёзиб берадиган кишилар атрофида қолмаган ва генерал-губернаторга мактубни ўзи билганича ёзаверган деб уйлаймиз.

Худоёрхоннинг баҳтсизликлар билан тўлиб-тошган ҳаж сафари ҳақида, бегона юртларда унинг бошига тушган сўнгсиз мусибатлар ҳақида архивларда, ўша давр вақтли матбуотида анчагина ҳужжатлар, маълумотлар сақланиб қолган.

Ҳўжанддан Тошкентга келиб, бирор ҳафта чамаси яшаганидан сўнг Худоёрхонни генерал-губернатор гўё Петербургга «оқ подшо» ҳузурига юбораётгандек бўлиб, қўйинини пуч ёнгокқа тўлгизиб сафарга жўнатганилиги маълум. Айни вақтда Оренбургнинг ўша вақтдаги губернатори Крижановскийга хонни узоқ муддат уй қамогида сақлаш ҳақида ҳам маҳфий буйруқ берилган эди. Император ва генерал-губернатор тузогига илинган Худоёрхон уй қамогида икки йилдан зиёдроқ вақт қон-зардоб ютиб яшайди.

Чорак асрдан ортиқ давр мобайнида ҳашаматли саройда, жаннатмисол bog-бўстонларда давр-даврон сурган хон Оренбургга келгач, сотиб олган оддий тахта уйда қанчалар дилгир ҳолда яшаганини тасаввур этиш қийин эмас. Бекордан худо безор деган ҳикматли мақолга амал қилган Худоёрхон диққина-фас уйидан чиқиб, от бозорига борар, ўзи илгаридан яхши кўрган хилма-хил отларни савдолашиб олар, уларни парваришлар эди. Аммо унинг ана шу арзимас овунчогини ҳам кўп кўрган, пашшадан фил ясад, Оренбург губернаторига гўё Худоёрхон ёмон мақсадда от ва одам йигяпти, ундан эҳтиёт бўлиш керак, дея чаққан ганимлар ҳам топилди. Унинг уйига ўгри туширдилар, бу ҳам етмагандек, губернатор сендан даргазаб бўлиб юрибди, яқинда бир балоға учрасанг керак, дея қутқу-солдилар.

Шундай танг бир вазиятда, 1877 йилнинг 12 ноябр

рига ўтар кечаси Худоёрхон ёнига тўрт ишончли одамни олиб Оренбургдан қочади. Собиқ хоннинг қаёққа қочганлиги, тақдири нима бўлганлиги анча вақтгача номаълум ҳолда қолади. Орадан етти ойдан ортиқроқ фурсат ўтгач, «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1878 йил 21 июндаги сонида қуийдаги хабар пайдо бўлади:

«Айтадурларким, Ўрунбурхдин кетган Хўқандни илгариги хони Худоёрхон ўзини танитмасдин қазоқия либосини кийиб, Туркмония саҳросидан ва Бухор вилоятларидин утуб, Афғонистонга тобе Тахтапулга борибдур. Чунки Тахтапулга боргондин сўнг Шералихоннинг (Афғонистоннинг ўша вақтдаги амири, яъни бош ҳукмдори — Ш. Ю.) Кобилдин юборган фармойиши бўйинча Худоёрхоннинг қўлидаги барча пулларини олиб, ўзини Эрон мамлакатига ўтказиб юборибдур».

Оренбургдан ҳаж ниятида йўлга чиққан Худоёрхоннинг қанча маблаги бўлганлиги маргилонлик шоир Ҳавоий-Умидийнинг кейинчалик яратган «Мактубчай хон» манзумасида:

Ўзин нақдидин эллик минг сўм олиб,
Миниб от узра қочти йўлга солиб,

мисраларида ифодаланади.

«Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилинган юкоридаги хабардан сўнг орадан тўққиз ой чамаси вақт ўтгач ўша газетада Худоёрхоннинг чет элдаги қисмати хусусида яна бир материал чоп этилади. Мана унинг матни: «Илгари вақтларда Хўқандга хон бўлиб тургувчи ва охир вақтда Ўрунбурх шаҳрига бориб истиқомат қилган Худоёрхон ўтган йили Ўрунбурхдин қочиб кетган эди. То алҳол қайга боргонидин маълум хабар етушган йўқ эрди. Аммо ушбу яқинда Макка мазмаъидин қайтиб келган бир ҳожи Худоёрхон тўгрисида айтган хабаридин зоҳир бўладурки, ушбу йил Худоёрхон Макка мазмаъига бориб ҳаж қилгон экан. Худоёрхон хонлиг вақтида бир кишини шаҳардин бадарга айлаб, тасарруфидаги амволларини хазинага олиб, ўзини ҳайдаб юборгандин сўнг ул бечора ночор ҳажга бориб, бир неча йилдин буён ўшал тарафларда тургон экан. Чун Худоёрхон ҳаж учун Макка мазмаъига борганда ул киши Худоёрхонни кўруб: Эй, ноинсоф, манга мунча жабрзулм қилиб, ахийри ўзунгнинг ҳам аҳволинг шул

бўлдиму? — деб тош бирла оғзига уруб, Худоёрхонни тишини синдирибдур.

Баъдаз он хон ўшал ерни улугларига арз қилиб, урган киши билан тафтишга тушган экан. Аммо ишлари нечук бўлуб битушгани маълум эмасдур. Ба ҳар тақдир худ шу кунларда Худоёрхоннинг ўзи Шом шаҳрида тургон эмиш» (25 апрел 1879 йил, 9-сон).

Худоёрхон ҳаётининг шундан кейинги ҳафта ва ойлари ҳақида икки йирик мутахассиснинг, яъни филология фанлари доктори Собиржон Иброҳимов ҳамда манбашунос олим Фузайл Исломовнинг анча йил илгариги қайдлари мавжуд.

Чунончи, Собиржон Иброҳимов «Меҳнат ва турмуш» ойномасининг 1971 йил 5-сонида Худоёрхон Қўқон таҳти ҳуқмдори экан вақтида бу юртдан бадарга қилинган киши билан собиқ хоннинг бир-бирига дуч келиб қолиши Багдод шаҳри бозорида воқеъ бўлганини айтгач, «Худоёрни Багдоддан олиб кетаётганларида йўлда унинг тоби қочиб қолади. Карвонлар Афғонистоннинг Мазори Шариф деган шаҳрида тұхтайдилар. Худоёрнинг касали тобора зўрайиб, шу ерда вафот этади. Уни шу ердаги Каррух қабристонига дағн этадилар», деб ёзган эди.

Фузайл Исломов эса ўз шахсий кутубхонасидағи Фузулийнинг ноёб девони бўш саҳифаларидағи бир қайдида қайинбобоси Тожиддинхон эшон ҳаж сафаридан қайтар чогида Ҳижоз ёки Ироқдан бошлаб Худоёрхон билан ҳамсафар бўлгани, Багдоддаги кўнгилсиз воқеадан сўнг тез орада хон қаттиқ бетоб бўлиб қолгани ва ниҳоят Каррух манзилига етгач вафот этганлиги, ўша ернинг ўзида дағн этилганлиги ҳақида маълумот беради.

Кейинчалик, муаррих Ақмал Акрамнинг «Худоёрхон қаерда ўлган?» сарлавҳали мақолоси «Туркистон» рўзномасида эълон қилиниши билан собық Қўқон хонининг ватанжудоликдаги фожиали қисмати ҳақида бир қанча янги факт ва ҳужжатлар ҳам маълум бўлди.

Хон ҳаждан она юртига қайта олмай, Афғонистоннинг Каррух деган жойида вафот этганлиги юқорида биз номларини атаган тадқиқотчилардан ташқари, инқилобдан олдинги вақтли матбуотда, жумладан, Худоёрхоннинг иккинчи ўғли Муҳаммад Аминбек «Туркистон вилоятининг газети»да 1894 йил 22 марта эълон қилдириган «Фаргона музофотининг

хонлари хусусидаги воқеотлар» сарлавҳали чўнг ва қизиқарли материалда ҳам аниқ-таниқ қайд этилган.

Бироқ сўнгги Қўқон хонининг туғилган ва вафот этган йиллари ҳақида қатъий ва аниқ фикр айтилган маълумот ҳозирча ҳеч қаерда учрамайди. Шуни айтиш кифояки, бизга маълум тарихий манбаларнинг бирортасида ҳам бу саналар умуман кўрсатилмаган. Ҳатто Ўзбек Қомусидек мўътабар манбада ҳам Худоёрхон ҳақида мақола бериларкан, унинг «туғилган ва улган йиллари номаълум» дейилган.

Ажабо, Қўқон хонлигидек ажиб бир диёр ҳукмдорлигидан маҳрум этилган шуҳратли хон орадан тўрт йил чамаси ўтгач гурбатда ҳаётдан кўз юмсаю унинг на туғилган, на ўлган санаси ҳамюртларига умуман маълум бўлмас! Ахир, бошқа маданий ҳалқлар ўзларининг етти-саккиз аср аввал ўтган подшоларининг туғилган ва ўлган йилларинигина эмас, балки кун ва соатларини ҳам аниқ билишади-ку! Наҳотки, юз ўттиз йил давом этган рус мустамлака қуллиги даврида ҳеч бир кимса сўнгги Қўқон хони биографиясига оид шу муҳим жиҳат билан қизиқмаган бўлса! Ундан олти ўғил, беш қиз, ўнлаб неваралар, юзлаб яқин қариндош-уруглар қолган-ку! Қолаверса, Туркистоннинг ҳамма ерини илма-тешик қилиб ташлаган рус тадқиқотчилари, улар билан ҳамкорлик қилган неча-неча ўзбек зиёлилари бор эди-ку! Ўшлардан қолган меросни текширилса, бир иш чиқмасмикин?

Ҳа, бали! Чин кўнгилдан йиғласанг, сўқир кўздан ёш чиқар, деганлариdek, худди рус тадқиқотчилари Худоёрхоннинг туғилиш ва вафоти саналари билан қизиқиб, калаванинг учини чиқариб кетган эканлар. Чунончи, 1895 йилда Санкт-Петербургда чоп этилган «Энциклопедический словарь»нинг XVа жилдida берилган Қўқон хонлиги ҳақида махсус мақолада Худоёрхон биринчи марта тахтга 1845 йилда, 16 ёшида ўтқазилганлиги аниқ қайд этилган. Хоннинг вафоти санасига оид маълумот эса инқилобдан олдинги Туркистонда биринчи ўзбекча газетага 34 йил муҳаррирлик қилган (1883-1917 йиллар оралиғида) Н. Остроумовнинг Россия пойтахти нуфузли журнallаридан бирида чоп этилган мақоласида берилади. Худоёрхон ҳали Оренбургдан ҳаж сафарига йўл олмаган вақтдаёқ Тошкентда генерал-губернаторлик маҳкамасида иш бошлаган Остроумов кейинчалик газета муҳаррири сифатида ўлка-

да руй бериб турган сиёсий воқеаларнинг барчасидан биринчи манбалар асосида хабардор булиб турган. У газета муҳарририрлигига ўтиши биланоқ Ҳудоёрхон ва унинг авлодлари тақдири билан қизиқканлиги, сабиқ хоннинг ўша вақтда Тошкентда истиқомат қилиб турган ўғиллари билан алоқа боғланлиги, улардан Мұхаммад Аминбек ҳамда Ибн Яминбекни ўз газетасида ҳамкорлик қилишга жалб этганлиги маълум.

1888 йил июн ойида Остроумов Ҳудоёрхоннинг энг севимли фарзанди Үрмонбек вафотига бағишлиб яратилған марсия матнини Сатторхон ёрдамида амалга оширган русча сўзма-сўз таржима билан биргаликда «Императорлик рус археология жамияти Шарқшунослик бўлими «Ахбороти»да чоп эттириш учун тайёрлар экан, унга ёзган кириш мақоласида Ҳудоёрхон ва унинг оиласи ҳақидаги маълумотларни хоннинг иккинчи ўғли Мұхаммад Аминбекдан олганлигини қайд этади. Фоят қимматли тафсилотларга эга бўлган ўша мақолада Н. Остроумов: «Туркистонда Үрмонбек тўрт йил яшади ва 1879 йилда, Ҳудоёрхоннинг вафотидан сўнг яшаш учун Тошкентга кўчиб келди», деб ёзади. («Ахборот», 1890 йил, IV жилд, 279 саҳифа).

Шу тариқа сўнгги Қўқон хонининг таваллуди ҳамда вафотига доир аниқ саналар ўша даврнинг синчков тадқиқотчилари томонидан кейинги авлодлар учун муҳрлаб қолдирилганлиги маълум бўлади.

Энди Ҳудоёрхоннинг ҳаж сафарига қайтайлик. «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1879 йил 25 апрел сонида маълумот берилган, Ҳудоёрхон ҳам иштирок этган ҳаж мавсуми, синхрон жадвалдан аниқланишича, 1878 йилнинг ноябр ойи охирига тўгри келади. Собиқ хоннинг ҳаж сафарига тааллуқли кўпгина маълумотлар архив ҳужжатларига, инқилобдан олдинги даврий ва нодаврий матбуот материалларига, шунингдек хонга қариндошлиги бор баъзи кишиларнинг ҳикояларига асосланиб, «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафтаномасининг 1991 йил 17 май сонида чоп этилган «Фурқат, шахзода Фансурулло ва генерал Жўрабек» сарлавҳали мақоламиизда келтирилган эди. Муаррих Ақмал Ақрамнинг «Туркистон» рўзномасида босилиб чиққан мақоласида берилган Ҳудоёрхоннинг ҳозиргача илмда маълум бўлмаган шахсий мактубидан бу ҳаж сафарига оид баъзи янги тафсилотлар ҳам маълум бўла-

ди. Чунончи, мактубда айтилишича, Маккада собиқ хоннинг қўлига ёмон яра чиқади ва шу туфайли кўп қийинчиликларни бошдан кечиради. Келинг, бу гапларни хоннинг ўз тилидан эшита қолайлик: «Маккада қулимизга бир жароҳат чиқди ва бу жароҳатдин дўхтири Макка бир неча гўштларни кесиб олди ва яна олти ой Маккада турдук. Жароҳат яхши бўлмади ва яна бир неча одамлар сўзларики, «Ҳиндустонда кўб яхши дўхтурлар бор», дедилар. Ул сабабдин Бўмбайга келдик. Дўхтири инглис жароҳатни кўрди, дори ва дармон қилди. Муддати беш ой Бўмбайдага турдук. Жароҳат яхши бўлди... Шаъбони муаззамнинг йигирма олтисинадур дарбанди Бўмбайдин чиқуб ва ба тарафи Макка кетганимни сабабидин аҳволотимизни хабарингизга билдиримак учун ёзуб ога Абдулраҳим ога Абдулазиз ўғлини қўлидин бул қоғозни юбордук».

Худоёрхон мактубни ога Абдулраҳим ога Абдулазиз ўғли қўли билан генерал-губернаторга етказилишинигина айтиб қолмай, мабодо генерал-губернатор собиқ хоннинг «аҳволотидин хабар олмоқчи бўлса», уни яна ога Абдулраҳим билишини алоҳида таъкидлайди.

Худоёрхоннинг Туркистон генерал-губернатори фон Кауфман билан, ўз юртида қолиб кетган фарзандлари билан алоқа ўрнатишида асосий воситачи вазифасини бажарган бу шахс ким бўлганлиги, унинг begona юртларда собиқ Қўқон хони билан қандай танишгани, қандай меҳрибонликлар кўрсатгани, Худоёрхон ҳаётининг сўнгги ойларидаги бошқа баъзи тафсилотлар ҳақида марғилонлик шоир Ҳавоий-Умидийнинг «Мактубчай хон» манзумасида ҳам бирмунча қимматли маълумотлар учради. Унда тасвирланишича, ога Абдулраҳим Ҳиндистонга тижорат билан бориб, уй-жойлик бўлиб қолган. Ўша 1878 йили у ҳам ҳаж қилмоқчи бўлади ва Жиддани зиёрат қилиш чогида хон билан кўришиб, ўшандан кейинги ойларда деярли ҳамиша бирга бўлади. Хон Бўмбайдага жароҳатдан қутулиш учун беш ой худди шу ога Абдулраҳимбек ҳовлисида яшаб қолади. Манзумада нақл қилинишича, шу орада:

Ки шоҳи Инглисдин чиқти буйруқ,
Бу ерда турмасун деб хон, бўлуб уқ.
Ки то уч кунгача қолмай йўқолсун,
Хабар етмай чиқиб тез, йўлни олсун.

Бу маҳкумдин чиқиб бошқа вилоят,
Бориб ором олсун ул саломат,

деган буйруқ чиқади. Шундан сўнг дўстининг маслаҳати билан хон Багдодга йўл олади. Бағдодда кўп кўнгилсиз воқеаларни бошдан кечирган Худоёрхон Бўмбайга хат ёзив ога Абдураҳимни ўз ёнига чақириб олади. Икки қадрдан Бағдодда олти кун бирга туриб, кейин Истанбулга борадилар. Истанбулда ога Абдураҳим хоннинг тўрт мактубини Россия элчихонасига топширганлиги ҳам манзумада қайд этилган. Хоннинг императорга мурожаатига Туркистонда ва Петербургда қандай муносабатда бўлинганлиги, шундан сўнг рўй берган воқеалар ҳақида ҳам манзумада анчагина қизиқарли маълумотлар борки, улар хусусида кейинроқ фикр юритамиз.

Ҳозирча Худоёрхоннинг вафот этган санаси билан боғлиқ масалага қайтиш лозим деб ўйлаймиз. Ақмал Ақрам «Туркистон» рўзномасидаги мақоласида Худоёрхон Истанбулдан йўллаган мактубга тўхталиб, «1881 йил бошларида Оренбург генерал-губернатори Крижановский номига Константинополдан собиқ Қўюқон хони Худоёрхондан мактуб келади» деб ёзади ва ундан кейинги баъзи воқеаларни эслатгач Худоёрхон 1882 йилнинг ёз ойларида, 51 ёшида оламдан ўтган деган қатъий тўхтамга келади.

Лекин бу мулоҳазада баъзи мунозарали нуқталар мавжуд. Биринчидан, муаллиф Худоёрхоннинг Оренбург губернатори Крижановскийга келиб тушган мактубини қайси манбага кўра 1881 йил бошларига нисбат бераётганини айтмайди. Мулоҳаза қилиб кўриладиган бўлса, у вақтлардаги мактубларда одатда ҳижрий сана қўйилган. Мақола муаллифи эса, шундай сана қўйилган-қўйилмаганини ҳам айтмайди, мабодо қўйилган бўлса, хилма-хил талқинларга йўл бермаслик учун у санани мелодий санага айлантиришдек мураккаб вазифани ҳам зиммасига олмайди. Шу важдан Худоёрхон мактубининг Оренбург губернаторига худди 1881 йил бошларида етиб келганлигига ўқувчи мустаҳкам қаноат ҳосил қила олмайди. Иккинчидан, Ақмал Ақрамнинг Худоёрхон 51 ёшда вафот этганлиги хусусидаги фикри билан биз илгарироқ айтган рус тадқиқотчиларининг XIX аср охирида ёзив қолдирган фикрлари ўртасида номувофиқлик келиб чиқаяпти. Негаки, 1895 йил нашри бўлмиш

«Энциклопедик лугат»да Худоёрхон 1845 йилда, 16 ёшида илк бор Қўқон хонлиги таҳтига ўтирганлиги қайд этилган бўлса, Н. Остроумовнинг «Россия Археология жамияти Шарқшунослик бўлими «Ахборот»ида 1884 йилда босилган материалида хоннинг вафоти 1879 йилда деб кўрсатилган «Туркистон» рўзномасидаги мақолани «Энциклопедик лугат» билан қиёс қилсан, Худоёрхон Акмал Акрам ёзганидек, 51 ёшда эмас, балки 53 ёшда вафот этган бўлиб чиқади. Учинчидан, Н. Остроумов Худоёрхоннинг вафоти санасини 1879 йил деб кўрсатиши ўқувчини кўпроқ ишонтиради. Чунки хон 1877 йил кеч кузида Оренбургдан қочган вақтда ҳам, уни вафот этди деб ҳисоблаётгани 1879 йилда ҳам Н. Остроумов Тошкентда истиқомат қиласар ва генерал-губернаторлик доира-ларига жуда яқин турган одам сифатида ўлқадаги бундай воқеалардан яхши хабардор эди. Н. Остроумов гоят синчков, фактларга ўта эҳтиёткорлик билан муносабатда бўлган тадқиқотчи ҳам эканини ҳисобга олсан, унинг фикри янада ишонарлироқ туюлади.

Шу ўринда ўзимнинг бир мақоламда йўл қўйилган ноаниқлиқни ҳам кўрсатиб ўтмаслик инсофдан бўлмас эди. «Ўзбекистон адабиёти ва санъати» ҳафта-номасида эълон қилинган «Фурқат, шаҳзода Фансурулло ва генерал Жўрабек» сарлавҳали мақолада Худоёрхоннинг Туркистон генерал-губернаторига ого Абдулраҳим воситасида юборган мактубига эга бўлмаганим сабабли Худоёрхон ҳаж зиёратидан сўнг Афғонистоннинг Мазори Шариф шахрига келгунча ўтган вақтни икки-уч ой ҳисоблаб, «хон 1879 йил биринчи чорагида Карруҳда бўлган» деган таҳминий фикрни айтган эдим. Кейинги вақтда топилган хон мактублари, шунингдек илгарироқ фикр юритганимиз Умидий-Ҳавоийнинг «Мактубчай хон» манзумаси Худоёрхоннинг ҳаж зиёратидан кейинги сафар маршрутига ҳам, у Мазори Шарифга етиб келган сана масаласига ҳам баъзи ўзгартишлар киритишни тақозо этмоқда. Бўмбайдан жўнаб кетиш чогида, яъни 1879 йил 3 августда Туркистон генерал-губернаторига юорилган мактубнинг ўзиёқ у Мазори Шарифга 1879 йил биринчи чорагида етиб келиши асло мумкин эмаслигини исботлайди. Иккинчидан, Худоёрхон уша мактубда Бўмбайдан чиқиб, Макка тарафга кетганини маълум қилган бўлса ҳам унинг Маккага қайтиб борганини курсатувчи далиллар ҳо-

зирча йўқ. Аксинча, Умидий-Ҳавоийнинг юқорида зикр этилган манзумасида Бўмбайдан инглиз маъмурлари тазиёки билан чиқариб юборган хон тўғри Бағдодга борганлиги, у ерда ниҳоятда абор бўлиб, дўсти ого Абдулраҳимга мактуб ёзиб, уни ўз ёнига чақириб олганлиги айтилади.

Энди Худоёрхон Бағдодда ўзининг аламзада ҳамюртига дуч келиб, улар ўртасида бўлиб ўтган кўнгилсиз машмашалар ҳақидаги хабар «Туркистон вилюятининг газети»да 1879 йил 25 апрелда босилганини эслайлик. Ўша хабар охирида «ушбу кунларда Худоёрхоннинг ўзи Шом шаҳрида турғон эмиш», дейилган. Бинобарин, Худоёрхон Бағдодга икки марта, биринчи гал Бўмбай сафаридан олдин, иккинчи гал Бўмбай сафаридан қайтишда бўлган, деган хулоса келиб чиқади. Мазори Шарифга эса Худоёрхон 1879 йил кузизда етиб келган деб ҳисоблаш мумкин. Чунки Бўмбайдан Бағдодга бориб, у ердан дўсти ого Абдулраҳимни ёнига олиб, Истанбулга бориб, то Афғонистоннинг Мазори Шарифига етиб келгунча орадан бир-икки ой муддат ўтмай иложи йўқ.

Шуларга асосланиб, Худоёрхон вафотини 1879 йил охири деб ҳисоблаш мақсадга мувофиқроқ кўринади. Н. Остроумов кўрсатган сана мантиқи шуни тақозо этмоқда.

Кези келгандан Худоёрхон вафотидан кейинги йиллар билан bogлиқ bўлган va ҳали тадқиқотчиларимиз назари тушмаган баъзи ҳужжатларни ҳам ўқувчилар ихтиёрига ҳавола этиш фойдадан ҳоли бўлмайди деб ҳисоблаймиз. Уларнинг иккитаси хон вафот этганидан кейинги воқеаларга, император ҳамда генерал-губернаторнинг Худоёрхон фарзандларига муносабатига, яна биттаси эса собиқ Қўйқон хони Оренбургга жўнаш арафасида Тошкент бойларидан бирига омонат қолдириб кетган маблаг тақдирига алоқадордир. Худоёрхон 1879 йил 3 августда Туркистон генерал-губернаторига Истанбулдан йўллаган уша мактубида «...Бизнинг илтимосимиз буюк подшоҳга шулдурки, бу қилинган гуноҳимизни (рус маъмуриятидан яширин ҳолда Оренбургдан қочиб, ҳажга борганини на зарда тутаяпти — Ш. Ю.) авф этсун... Умидимиз жанобингиздин шулдурки, ўгулларимиз аҳволотидин хабар олурсиз» дея илтижо қилган эди. Бу табиий бир ҳолdir. Негаки, Худоёрхон яхши таниш бўлган, қайта-қайта мулоқот тутган фон Кауфман бу мактуб

Ёзилган вақтда ҳам Туркистон генерал-губернатори лавозимида эди. «Ярим подшо»нинг Худоёрхонга берган қават-қават ваъдалари ватанжудоликда ҳам хоннинг ёдида эди. Шу важдан ҳам у Туркистоннинг бош ҳукмдорига илтимос қилишни лозим кўради.

Кўп масалаларда адашган Худоёрхон энди бу масалада адашмаган эди ҳисоб. Зотан хоннинг мактуб орқали илтимосидан хабар топган императорнинг ўзи ҳам Туркистон генерал-губернаторига «мабодо хон қайтиб келгудек бўлса, унга тегманг, оддий фуқаролар қаторида яшайверсин» мазмунида кўрсатма берганлиги тарихдан маълум. Ҳавоий-Умидий ўз манзумасида императорнинг Худоёрхон мактубига муносабатини, подшоҳ ҳоҳишига кўра «ярим подшоҳ» хон ўғилларини ўз ҳузурига чақириб, уларга хушхабар етказиб, илтифот кўрсатганлигини қўйида-гича тасвирлайди:

Кўруб ул императ аъзам хати хон,
Келиб раҳми, қилиб шафқат намоён,
Жонорал ном губирга қилди фармон,
Худоёрхон учун таъкид чандон:
Келиб Тошкандда турсун ўз ишида,
Ҳақи бўлса, олиб бергил кишида.
Бу фармойишни кўрган ҳол губирнод
Худоёрхонни авлодин қилиб шод,
Ҳама фарзандларин таклиф айлаб,
Чақирди хизматига яхши сийлаб,
Деди: боболаринг келгай, билинглар,
Қўшулууб жўиангиз, тўйлар қилинглар.
Жонорал деди: келди бизга буйруқ,
Аларга кўрсатиб ҳай ийди қуллуқ,
Ҳама авлоди кўнгли шод булди
Бузулгон хотири обод бўлди.

Генерал-губернаторнинг хон фарзандлари билан учрашуви манзумада тантанавор руҳ қасб этишига қарамай, мустамлака маъмурияти Худоёрхон тақдири билан жиддий қизиққанлиги ҳам, унинг авлодларига айтарлик амалий ёрдам берганлиги ҳам маълум эмас. Орадан йигирма йил чамаси вақт ўтиб, фон Кауфман, Черняев, Розенбах сингари генерал-губернаторлар ҳукмронлиги тугаб, ниҳоят барон Вревский Туркистондаги «ярим подшо»лик фаолиятининг охирги йилини кечираётган 1898 йилнинг 6 январида «Туркистон вилоятининг газети»да қўйидағи хабар ўзбек ва рус тилларида босилади: «Подшоҳи аъ-

зам император ҳазратлари... марҳамати олий айлаб берган фармойиши олийлари ушбуудур: бўлуб ўтмиш Ҳўқанд хони Худоёрхон марҳумнинг ўғиллари Сайид Муҳаммад Аминбек ва Сайид Муҳаммад Ибн Яминбек ва аларнинг авлодларини Биз марҳамати олий айлаб, Россия мамлакатидин потомственный дворянин мансабига мустаҳқ қиласиз ва Бизнинг ушбу фармойишимиизни бажоя келтирмоққа правителст-вуючий сенат мажлиси лозим ва керакли тадбирларни қилсунлар деб».

Галати жойи шундаки, Худоёрхоннинг ўғилларидан Насриддинхон ва Ўрмонбек илгарироқ вафот этган, бу фармон имзоланган вақтда Муҳаммад Аминбек ва Ибн Яминбекдан ташқари Муҳаммад Умарбек ҳамда Фансуруллобек ҳам барҳаёт бўлиб, Туркистон ижтимоий-маданий ҳаётида фаол қатнашмоқда эдилар. Кейинги икки фарзандга дворянлик увони нега берилмаганлигининг сабаблари номаълум. Айниқса, Фансуруллобекнинг Фурқат билан қалин дўст бўлганлиги, шоир чет эллардан Фансуруллобекка алоҳида эҳтиром билдириб ёзган асаллари «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилингандиги унинг ака-ларига лозим кўрилган увондан қолиб кетишига сабаб бўлмадимикин, дея ўйлаб қоласан киши.

Худоёрхон Тошкентда қолдириб кетган моддий бойлик ва бу бойликнинг қисмати ҳақидаги хабар ҳам «Туркистон вилоятининг газети»да чоп этилган. «Ҳўқанд мулкининг бурунги хони Худоёрхон марҳум, — дейилади бу хабарда, — Ҳўқанд шахридин чиқиб, Тошкенд шаҳрига келиб Ўринбурх шаҳрига ўтган вақтларида бир тошкандлик катта бойга баҳо-си бир юз эллик минг сўмга яқин тилла ва кумуш танга ва қоғоз ақча амонат бериб кетган әканлар. Бой марҳум бўлгондин кейин жаноби хони марҳумнинг варасалари ул марҳум бойнинг варасаларига ул маблагнинг ҳаммасини бир қозининг олдида даъвий қилиб эрдилар. Лекин ул қози сайловдин илгари ул муддайи молиялар ул қозига тобеъ даҳада әканларини раъиясига бориб, ул даъвийни бекор қилгон эрдилар. Аммо ул даъвийни сайловдин янгидан сайланган қозиларга сўрамоққа топшурулгон эрди. Сиезд қозилари мазкур тариқа беважҳ, шариатга му-холиф қилгон ҳукмни бузиб, янгидан ҳақиқат айлаб сўраб турубдурлар (1890 йил 27 феврал, 2-сон).

Хабарда омонатни олиб қолган тошкандлик катта

бойнинг исми ҳам, хон варасаларининг шаръий даъвосини ўз амали қўлдан кетишидан қўрқиб ҳақиқат қилмаган қозининг кимлиги ҳам айтилмайди. Лекин ҳар қалай, Худоёрхон Тошкентдан жунаб кетиши вақтида бу шаҳарга қайтиб келишини ўйлабми, ёки фарзандлари корига яратиш мўлжалидами, ўша даврга нисбатан жуда катта маблаг қолдириб кетганлиги маълум бўлади. Бу маблагнинг қуввати ҳақида ўқувчиларда тасаввур ҳосил қилиш учун хабар газетада эълон қилинган 1890 йилда бозорда битта қўй икки сўм бўлганлигини айтиш кифоя. Маблаг қолдириб кетилган 1875 йилда эса пул яна ҳам қадрлироқ бўлган.



ХУДОЁРХОНГА ҲАМДАРД МИСРАЛАР





Худоёрхон, унинг тож-тахти, фарзандлари билан алоқадор кейинги воқеаларнинг аксар қисми шоир Фурқатнинг шундоққина кўз ўнгига содир бўлди. Худоёрхон тахтни ташлаб, Тошкентга қочишга мажбур бўлган пайтида Фурқат мадрасада учинчи йил таҳсилни тутгатган, ҳаёт ҳақида, унинг моҳияти ҳақида жиддий мулоҳаза юритадиган зийрак зиёлига айланниб қолган эди. Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фаргона вилояти маҳкамаси тузилиб, Янги Маргилон руслар яшайдиган шаҳарга айлантирилган йилиёқ Фурқатнинг тогаси Раҳматулло ўша ерда дўкон очиб, савдо ишларини авж олдириб юборди, орадан уч йил ўтгач қўярда-қўймай ўз жиянини ҳам ёнига чақириб олди. Янги Маргилонга бориш қандай мураккаб вазиятда содир бўлганини Фурқат кейинчалик бундай баён қилган эди: «Мен русия халқидин ихтиroz айлаб бормоқни ихтиёр қилмадим. Чунким ул вақтларда русия халқидин бирор одамни бозорга кўрсам, қочиб йироқдин ўтуб кетар эрдим. Ҳатто ўрус бирла сўзлашган одамни ямон кўрар эрдим».

Коммунистик мафкуранинг зўравонлигини, тадқиқотчилар ва ноширларимизни бичиб қўйганини қарангки, ҳатто Н. Остроумовдек ашаддий шовинист ўзи муҳаррирлик қилган газетада босиб чиқарган юқоридаги парчанинг таги чизилган охирги жумласи совет даврида эллик йилдан ортиқ муддат ичida чоп этилган Фурқат асарларининг бирортасида ҳам учрамайди.

Бу — масаланинг бир томони. Иккинчи томони шуки, Фурқат Янги Марғилонда маҳаллий аҳолининг аризаларини ёзиб бериб, ҳожатбарорлик йўлини тутиши сабаб бўлиб, подшо маҳкамаси ходимлари билан яқиндан алоқа боғлади, уларнинг кўпгина сирларидан, жумладан, ўтмишдаги хону бекларга, анъаналаримизга, асрий урф-одатларимизга нафрат билан қараганликларидан воқиф бўлади. Булар барчаси эҳтиросли шоир қалбida кечагина шу мустақил юртда ҳукмфармолик қилган, ўрис босқинчиларининг ҳийла-найранг ва зўравонлиги, ўз тахти атрофидаги дўстни душмандан ажратолмайдиган, тож ва амал учун ҳар қандай қабиҳликка тайёр турган калтафаҳам аъёнлар қилмиши туфайли гурбат сахросига сувсиз балиқдек улоқтирилиб, пировардида ҳоки ҳам ўша ерларда қолиб кетган Худоёрхон шахсига зўр қизиқиш пайдо қилди. Ёки тақдир тақозоси билан ўзи ҳам ватанидан насибаси узилиб, Худоёрхон каби ҳаж қилгандан сўнг борар жойини билмай, бегона юртларда ҳаёт билан видолашишини, атрофида уни ҳурмат қиласиган кишилар бўлгани ҳолда жасади шаҳар ташқарисидаги мусофиirlар мозорига дағн этилишини Фурқат олдиндан каромат қилиб билдимикин?

Шуниси ҳам борки, шоир бу катта ишга киришгунга қадар Кўқон хонлиги ҳудудида яшаб, ижод қилган қалам соҳибларининг катта бир қисми Худоёрхон ҳаётига багишланган қизиқарли асарлар яратган ва ўша асарлар қўлдан-қўлга ўтиб, халқ орасида кенг шуҳрат қозонган эди. Совет мафкураси ҳукмронлиги йилларида бундай асарларнинг барига ёмонотлик қилувчи хилма-хил ёрлиқлар ёпиштириб ташланган. Кўп ҳолларда чинакам истеъодд соҳиби бўлмиш уларнинг муаллифлари баъзан золим, саводсиз, енгилтак хонни гаразли мақсадларда ошириб-тошириб мақтапда, баъзан халқ Россиядан шу қадар шафқатлар кўриб, боши осмонга етиб турган баҳтли дамларда ўтмишдаги ярамас хонлик тузумини қўмсаганликда айбланар, тадқиқотчиларимиз муаллифларга ёрлиқ ёпиштиришда ким ўзар ўйнашни хуш кўришар эди.

Ўзлигимизни таниб, мустақилликка эришиб, ўтмишдаги қадриятларимизга холис баҳо бера бошланган ҳозирги паллада дўппини олдимизга қўйиб ўйлаб кўрсак, кўз олдимизда бошқа манзара ҳосил бўлади; бошқа мулоҳазалар етакчилик қиласи.

муҳими, ўша муаллифларнинг кўпчилиги рус босқинидан, мустамлакачилар оёғи остида табаррук юрт топталганидан қаттиқ изтиробга тушганлар, ҳалқимиз, кам-кўстли бўлса ҳам, келгиндиларга бош эгмай яшаган яқин ўтмишни қўмсаганлар, урни-урни билан рус босқинининг харобалик элтувчи оқибатларини тагматн орқали бўлса ҳам ўз ўқувчиларига етказганлар.

Фурқат билан деярли бир даврда яшаб ижод этган шоирлардан Ниёзий Ҳўқандийнинг «Илгор аҳли қиссаси», Мулла Қори Қундузийнинг «Таворихи манзу ма», Мулла Авазмуҳаммад Сўфи Атторнинг «Туҳфатут таворихи хон», Маҳжур Ҳўжандийнинг «Тарихи Ҳўқанд», Шавқий Наманганийнинг «Жангномаи Худоёрхон», Абдулғафурнинг «Зафарномаи Худоёрхон» сингари йирик асарларида сўнгги Қўқон хони ҳукмронлигининг турли даврлари қаламга олиниб, ҳар бир муаллифнинг истеъдод даражаси ва бошқа имкониятлари доирасида ўз ифодасини топган. Бу асарлар таҳлилини бошқа бир фурсатга қолдириб, Фурқат билан бевосита дўст-қадрдон, ҳамфир, ҳаммаслак бўлган бир неча шоирлар, шунингдек, Фурқатнинг ўзи Худоёрхон хусусида яратган айrim асарлар устида тўхтамоқчимиз.

Аввало, Фурқатнинг бармоқ билан санарли дараҷадаги вафодор дўстларидан бири бўлмиш Убайдулла Солиҳ ўғли Завқий хусусида фикр юритиш жоиз кўринади. Зотан, Фурқатнинг ўзи «Аҳволот» номли машҳур насрий асарида Қўқон адабий муҳитида кечирган унтилмас дамларини эсларкан: «Чун ёшим соати умр шабрўзида йигирма тўрт шуморига етти, ул вақт Ҳўқанд вилоятидаги фозилу расотабъ кишилар бирла иттиҳод айлаб, аларнинг сұхбатидин кўб баҳралар тонтим ва аср шуаролариким, чунончи Мавлоно Муҳий ва Мавлоно Муқийм ва Мавлоно Завқий ва Мавлоно Нисбаттурлар, ҳамиша мажлис бунёд айлаб, зодаи табъларимиздин мушоира қилур эрдук ва бир газалда татаббуъ кўргузуб, бир мазмун ҳар навъ ифода топар эрди. Гоҳо ҳамд гулшанидин гул узуб, гоҳи наёт нахлистонидин самарчин бўлур эрдук. Ва баъзи вақт ишқ тавсифи ва ҳусн таърифида газал машқ айлаб ва гоҳи қадимий шуаролар девонларидин бир шўх газални тоғиб, анга ҳар қайсимиз алоҳида мухаммас боғлар эрдук».

Бас, маълум бўладики, Фурқатнинг ўтмишдаги

энг забардаст шоирлар газаллариға татаббұу вә тахислар қилиши, «ҳамд гулшанидин гул узуб, наңт нахлистонидин самарчин бұлиши» ундан ёш жиҳатидан улугроқ, ижодда пешқадамроқ бўлган Мұҳий, Мұқимий, Нисбатлар қатори Завқийнинг бевосита иштироки ва кўмагида содир бўлган.

Фурқат ўзининг 18 йиллик умрини ватанжудоликда ўтказган энг оғир йилларда у билан ҳам насрый, ҳам шеърий ёзишмалар олиб борган кам сонли дўстларидан бири ҳам Завқий бўлганлиги нодир ҳужжатлар орқали бизга маълум. Масалан, 1898 йили Завқий ўзининг бир неча дўстлари билан Ўшга борганида у ердан тижорат иши билан Шарқий Туркистонга жўнаётган Ҳожи Исҳоқ афанди орқали Фурқатга ҳам шеърий, жам насрый мактуб йўллаганлиги маълум. Шеърий мактуб «Фурқат» радифли бўлса, унга Фурқат Ёркентдан йўллаган жавоб тариқасидағи шеърий мактуб «Завқий» радифлидир. Ҳар икки азамат қалам соҳибининг ўша мактублар битилган даврдаги аҳвол-руҳиясини, бир-бирларига ўта меҳри-бонликларини яққол кўрсатувчи бу намуналар ўқувчилар яхши маълум бўлгани сабабли уларга алоҳида тўхталишнинг ҳожати йўқ деб ўйлаймиз. Лекин Завқийнинг насрый мактуби матни ҳозирги ўқувчиларга деярли маълум эмаслиги сабабли унга бир оз бўлса ҳам тўхталиб ўтиш жоиз кўринади. Гап шундаки, Туркистон генерал-губернаторлигидаги мустамлака амалдорлари Фурқат ватанжудолигининг ҳақиқий сабабларини халқдан устомонлик билан яширган ва ҳатто шоирнинг энг яқин дўстлари орасида ҳам гүё у саёҳатда, дунё кезиб, маза қилиб юрибди, деган таас-сурот тутдиришга эришган әдилар. Мактубда жумладан бундай дейилган: «*Бажаноби киромий қадримиз Ҳожи мулло Зокиржон Ҳўқандий афандига етиб маълум ва равшан бўлгайки..., тобеъинлар ила сиҳат ва саломатдурмиз ва ҳам қиблагоҳингиз ва фарзанди дилбандингиз саломатли маснадида комрондурмиз. Илоҳий, кўб муддатлар саёҳатда саломат бўлгайсиз. Каминанинг хатини манзури назар айлаганда ҳар манзил, ҳар диёрда бўлсалар, албатта карам айлаб бир хабари таъйин юборсалар, рост сухан бирла ошинолар қулогига хушхабар еткурсам. Воқеан, қиблай ҳақиқийнинг ҳаётидаги дуоларини олмоқ лозимдур. Негаким, қазосини иодаси йўқтур. Суҳбат ганиматдур ва ҳам саёҳат тўгрисинда: Саъдий соний киби бу*

олами поёнда ном чиқармоқ ҳар булхавас кори-бори эмастур. Эндиликда ёр-ошино, падар, модар ва фарзанд ҳузурида кўз кўрўшмоқ мұяссар ўлса, бу давлат одамизод аҳлиға кам воқеъ бўлур, албатта. Жон биродар, ассалому алайкүм.

Мактубдан Фурқатни Қўқон, Маргилон, Хўжанд, Ўш, Тошкент ва бошқа шаҳарлардаги кўплаб ихломандлари зўр илҳақлиқ билан кутаётганликларидан ташқари, шоирнинг падари бузруквори, онаи зори ва фарзанди дилбандининг кўзлари ҳам унинг йўлида нигорон әканлиги ҳақида ҳозирги ўқувчилар учун қимматли маълумотлар берилади. Айни вақтда Фурқатга яқин барча одамлар уни саёҳатда деб тушунганиклари ҳам сезилиб туради.

Тадқиқот мавзуи тақозосига кўра Завқий ва Фурқатнинг шахсий муносабатлари хусусидаги гапларни шу ерда тўхтатиб, Завқийнинг Худоёрхонга бағишлиланган асарига кенгроқ тўхталиш лозим деб ҳисоблаймиз. Худоёрхон ҳақида унга замондош шоирлар томонидан битилган асарлардан ҳар бирининг яратилиш тарихи ҳам, кейинги тақдири ҳам ўзига хос кўринади. Чунончи, Н. Остроумов «Россия Археология жамияти Шарқшунослик бўлими «Ахборот»ида чоп эттирган дастлабки икки асарнинг муаллифини номаълум деб ҳисоблайди. Бу икки асарнинг бири мухаммас бўлиб, иккинчиси Ўрмонбек вафотига бағишлиланган марсиядир. Ўрмонбек ҳақидаги марсияда ўзбек мумтоз шеърияти анъаналари деярли сезилмайди, у вазн, қоғия талабларига ҳамма вақт ҳам тўла риоя қилинавермайдиган халқ термаларини эслатади ва шу важдан унинг муаллифи номаълум әканлиги ҳақидаги Остроумов фикри эътиroz тугдирмайди ҳисоб. Бироқ мухаммас мумтоз шеъриятимиз қонун-қоидаларига тўла-тўкис амал қилиб, унинг энг яхши анъаналари руҳида яратилганки, Остроумов унинг муаллифи номаълум дегани билан ўқувчи муаллиф шу яқин орада турганини қалбан ҳис этиб туради.

Алишер Навоий номли Миллий кутубхонамизнинг ноёб нашрлар бўлимида ўша вақтларда Санкт-Петербургдаги журнал таҳририятидан муаллиф учун маҳсус юборилган мухаммас матни, сўзма-сўз таржи-маси, унга берилган изоҳ ва лугатнинг хомаки босмахона нусхаси ҳам сақланиб қолган. Асарга маҳсус кириш сўзи ёзган Н. Остроумов бундай дейди: «Бу

қўшиқ Худоёрхон таҳтдан узоқлаштирилганидан кейин Фарғонада яратилган бўлиб ҳозирги вақтда ниҳоятда кўп сонли эркак ва аёл хонандалар томонидан хониш қилинмоқда. Мусулмон сомеъларда қўшиқ шундай ҳаяжонли таассурот қолдирадики, кўп одамлар уни йиглаб тинглашади. Қўшиқни мен Сатторхон ёрдамида таржима қилганман».

Шу ўринда Зорий мухаммасидан бир оз вақт кейин Котиб мухаммасини «Ахборот»да чоп эттириш вақтида Н. Остроумов Худоёрхонга багишлиб кўплаб қўшиқлар яратилганинг сабабларига тўхталиб айтган гапни ҳам эслатиб ўтиш жоиз деб ўйлаймиз. «Қўриниб турибдики, 1875 йилда бўлиб ўтган сиёсий тўнтаришдан Фарғонадаги мусулмон аҳолининг қалби қаттиқ ларзага келган эди. Шу важдан бу тўнтаришга багишланган бир неча қўшиқлар яратилди ва улар ҳалқ орасида кенг тарқалгандир», деб ёзган эди у.

Завқий мухаммаси ҳақида гапни давом эттирайлик. Ўзбек мумтоз адабиётининг эътироф этилган йирик намояндаси томонидан Худоёрхон Қўқон хонлиги таҳтидан кетгач яратилган асарлардан бўлмис «Демиш хон» сарлавҳали бу мухаммас инқилобдан олдинги нашрларда учрамади. Инқилобдан кейин орадан қирқ йилдан ортиқ вақт ўтгач, 1958 йилда, Завқийнинг «Танланган асарлар»ида биринчи марта эълон қилинди. Уни завқийшунос олим, филология фанлари доктори Ҳошимжон Раззоқов нашрга тайёрлаган эди. Бироқ шуниси ҳам борки, баъзи тадқиқотчилар Завқий мухаммаси радифи «Россия Археология жамияти Шарқшунослик бўлими «Ахборот»ида Н. Остроумов томонидан 1886 йил декабр ойида тайёрлаб, нашр эттирилган бошқа мухаммас радифи билан бир хил эканлиги учун бу икки мухаммас матнини қиёслаб кўрмаёқ жиддий чалкашликка йўл қўйдилар. Яъни, гўё X. Раззоқов «Ахборот»да эълон қилинган ва бошқа муаллиф қаламига мансуб бўлган мухаммасни янглиш равишда Завқийга нисбат бериб, унинг «Танланган асарлар»ида чоп эттирган, деган фикрни айтиб юбордилар. Аслида эса, ҳар икки мухаммас матни солиштириб кўрилганида, уларда радиф бир хил эканига қарамай, қофиялар турлича эканлиги, воқеа ва шахсларга ёндошишда жиддий тафовут борлиги, энг кейинги тадқиқотларга кўра, иккинчи мухаммас Завқийнинг дўсти, қўқонлик

шоир Усмонхұжа Зорий қаламига мансублиги маълум бўлди.

Зорий мухаммаси хусусидаги фикрларни сал кеинироққа қолдириб, Фурқатнинг қалин дўсти Завқий мухаммасига қайтайлик. Завқийнинг Худоёрхон ҳақидаги бу асари етти банд — ўттиз беш мисрадан ибратдир. Мана унинг тўла матни:

ДЕМИШ ХОН

Чекиб ҳасрат демиш хон: шаҳри **Хўқандимдин**
айрилдим,
Иним Султонмуродбек эрди иайвандимдин айрилдим.
Ки Насриддин деган шаҳзода дилбандимдин айрилдим,
Яна Урмонбек отлиқ яхши фарзандимдин айрилдим,
Бопшимда тож, белим узра камарбандимдин айрилдим.

Суруб давлат гурурин юрту элдин бехабар бўлдум,
Заволини кўруб, дўстлар хазондек гам билан сўлдум.
Гунаҳсиз нечалар мўю соқолин тердириуб, юлдум,
Мукофотин кўруб, дўстлар, ажал келмай, тирик ўлдум.
Қолиб бул ерда гамлар бирла хурсандимдин айрилдим.

Чиқордим бидъат ишларни хазина тўлса шояд деб,
Ижара бирла тагжойи олурдим бўлса шояд деб,
Хушомадгўйларим ўргатдилар хон кулса шояд деб,
Факат бечораю беконумонлар ўлса шояд деб,
Ямонлар сўзи бирла яхшилик иандимдин айрилдим.

Кауфмаига муроса деб қилурдим ошнолигни,
Кўтарди ул кўнгулни хонасидин рўшнолигни,
Шариатга солиб раҳна қиласадим беҳаёлигини,
Бериб султонлигимни мен сотиб олдим гадолигни,
Хазина ичра яхдону саноч ганжимдин айрилдим.

Хароб бўлдим бу ерда, билмадим ободлиқ қадрин,
Кипига қул бўлуб билдум бугун озодлиқ қадрин,
Кўруб меҳнат-машаққатлар, билибман шодлиқ қадрин,
Шикоримдин қолуб фаҳм айладим сайёдлиқ қадрин,
Қўлумдин кетти давлат — оҳуий сайдимдин айрилдим.

Васиқа бузгоним албатта бопшимга бало бўлди,
Тушуб эл ичра гавго, шўру шаррга мубтало бўлди,
Раъият тортти тиг шоҳига, найлай беҳаё бўлди,
Тугаб Афтобачи бирла ҳама лашкар адо бўлди,
Заҳар бўлди еган ошим, ширин қандимдин айрилдим.

Манингдек ҳеч мусулмон хонавайрон ўлмасун ҳаргиз,
Қидирмис қилмишига ҳеч нушаймон ўлмасун ҳаргиз,
Ҳижолатдин юрак-багри тўла қон ўлмасун ҳаргиз,
Худоёрдек яна ҳеч бандаси хон ўлмасун ҳаргиз,
Хусусан Мургунону Завқий жон Андимдин айрилдим.

Худоёрхон вафотидан сўнг унга багишилаб яратилган мухаммаслар орасида Завқийнинг асари икки етакчи жиҳати билан ажралиб туради. Бу жиҳатларнинг биринчиси Худоёрхон тимсолини асосан салбий планда гавдалантиришдан, иккинчиси эса генерал-губернатор фон Кауфман Худоёрхонга нисбатан ҳийлагарлик ва золимлик қилганини ошкора айтишдан иборатдир. Завқийга замондош ва ҳаммаслак бўлган, Фурқат, Котиб, Ҳавоий-Умидий Худоёрхон фожиасини қаламга олганларида уни қоралашни лозим топмайдилар. Худоёрхон Қўқон тахтидан четлаштирилганидан афсусланиш, бегона юртларда сарсон-саргардонликда ҳаёт билан видолашган собиқ хоннинг қисматига ҳамдардлик у асарларда устунлик қиласди. Завқий эса «қилмиш-қидирмис» деган қатъий муҳрни босади ва унга ачинганлиги сезилмайди ҳисоб. Шуниси ҳам борки, хон ўз хатоларини, фуқарога ўтказган жабр-ситамларини тўла англағаниги, бу ишлардан қаттиқ пуштаймон бўлганлиги ошкора айтилади. Бироқ ўқувчидаги хон фожиасига ачиниш ҳисси пайдо қиласидиган мисралар тузишни Завқий лозим топмаганлиги мухаммаснинг ўзига хос жиҳатларидандир.

Иккинчи муҳим жиҳат, юқорида қайд этилганидек, Туркистон генерал-губернатори Қўқон хонлиги ва хоннинг ўзига нисбатан тутган номатлуб ишларнинг фош этилишидир. На Фурқат, на Котиб, на Ҳавоий-Умидий бу йўлдан бормайдилар. Уларнинг Завқийдан бошқача йўл тутганликлари, яъни император ҳукумати ҳамда генерал-губернаторликни айрим имо-ишоралар орқали танқид қилиш билангина чекланишлари муаллифлар ўз асарларини чор цензураси галвиридан ўтадиган матбуот учун мўлжаллаб ёзганликлари билан изоҳланади. Завқий эса матбуотда чиқишни кўзда тутмаганлиги сабабли, Худоёрхон тилидан:

Кауфманга муроса деб қилурдим ошнолигни,
Кўтарди ул қўнгулни хонасидан рўшнолигни,

сингари аччиқ-аламли мисраларни ошкора баён этишдан чўчимайди.

Завқий мухаммасини номлари юқорида зикр этилган шоирларнинг Худоёрхон хусусидаги асарлари билан бирлаштирадиган умумий жиҳатлар ҳам анчагина. Чунончи, хон хорлик-зорликларга тўла ватанжу доликда ўз фарзандлари ва жигарини қаттиқ соғини-

ши, таҳт атроғидаги хушомадгүйларга ишониб кетма-кет катта ҳатоларга йўл қўйиши, фуқаро норозилиги тобора кучайишига олиб келган сон-саноқсиз соликлар солиши шу жумлага киради.

Хулласи Завқийнинг «Демиш хон» мухаммаси худоёрхонномалар тарихида ўзига хос ўрин әгаллаган ва кўп ўн йилликлар давомида ҳофизлар томонидан севиб ижро этилган эҳтиросли асаддир.

Завқий мухаммаси сингари «айрилдим» радифида битилган Зорий мухаммасининг яратилиши тарихи ва кейинги тақдири ҳам ҳозирги ўқувчилар учун қизиқарли бўлади албатта. Мухаммас «Россия Археология жамияти Шарқшунослик бўлими «Ахборот»ида эълон қилинганида унга сўзбоши ёзган Н. Остроумов асарнинг муаллифи номаълум деб ҳисоблаган эди, Асар кейинчалик Зорийнинг қўллётма баёзидан топилгач, у «Ахборот»да чоп этилганидек туққиз банддан иборат бўлганлиги, бироқ унинг охирги, муаллиф тахаллуси қўйилган банди нашр учун топширилмай, мухаммаснинг олдинги қисмига:

Бу фоний дуняда ҳечким манингдек бопи қотмайдур,
деб бошланадиган янги банд киритилганлиги маълум
бўлади.

Зорийнинг дастхат баёзида мавжуд бўлгани ҳолда «Ахборот»га киритилмай қолган охирги банд қўйида-гича экан:

Гариблик ўтти, йиглаб бўлди қўздин хунлар жориӣ,
Мусоғир шаҳрида кўб орис үлди таңга бемориӣ,
Қалам ёзгони бўлди, гам ема, сенга Худо ёриӣ,
Бу йўлда зўру зар даркор әмастур, айламанг Зорий,
Ҳар иш бўлдики-бўлди, давру давронимдан айрилдим.

Мухаммас матнининг муаллиф дастхати бўлмиш нусхасида босма нусхадан фарқ қилувчи бошқа ўринлар ҳам бор. Хусусан, босма нусха охирида берилган:

Улуг наҳре чиқордим, неча ерни айладим обод,
деб бошланадиган банд ўз ўрнида эмаслиги шундоқ-қина сезилиб турарди. Муаллиф нусхасида ўша банд чиндан ҳам учинчи банд сифатида берилганлиги маълум бўлди. Бошқа катта-кичик тафовутларга келсак, муаллифнинг дастхат баёзидаги нусха илгарироқ яратилган бўлиб, кейинчалик «Ахборот»га киритилгунга қадар қайта ишлангани, анча пухта ҳолга кел-

тирилгани сезилиб туради. Шундай эканига қарамай, муаллиф қаламига мансуб ишончли нусха топилганлиги, ҳар икки нусхани қиёслаш имкони туғилганлиги яхши бўлди. Бу иш қўқонлик адабиётшунослар Аҳмаджон Мадаминов ҳамда Рустам Тожибоевнинг синчков меҳнатлари натижасида амалга оширилди.

Юқорида айтилганларни ҳисобга олиб, Зорий мұхаммасини «Ахборот»да чоп этилган ҳолида ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиш лозим деб ўйлаймиз:

Худоёрхон демишлар: шаҳри Фарғонимдин айрилдим,
Ки тахту баҳту қасру тожи шоҳонимдип айрилдим,
Жигарбандим, инимким, Бек Султонимдии айрилдим,
У Насриддин — ўзумга жонишин хонимдан айрилдим,
Хусусан нури дийдам, жоним Ўрмонимдин айрилдим.

Ўзумни қилмишимдин юртқа тушти шўр ила шаррлар,
Юради хизматимда бир неча саркарда ёварлар,
Ки пансод бирла юзбопи, ясовул, саржанг аскарлар,
Яна бир неча маҳрамлар, нариван юхши дилбарлар,
Шаҳи шаҳзодаляр кокул паришонимдин айрилдим.

Қани Маҳмад Аминбек бирла Ўрмонбек келиб кўрса,
Ваё бир-бир келиб мундоқ гариблик ҳолими сўрса,
Келиб икки қанотим бир нафас ёнимда ултурса,
Жазанг деб юзима ул дамки бир юз силлини урса,
Ўзумга ҳар на қилдим ул гулистонимдин айрилдим.

Қиласай «Авгон бог»имга дер эрдим яхши жойимни,
Боруб «Урганж бог»имга, кўрадим «Оқ сарой»имни,
Қўярдим ман анга бир неча қул ҳам «чўри ойим»ни,
Анга магрур бўлубон (ман) унутмишман Худойимни,
Йилида боргали шаҳри Наманғонимдин айрилдим.

Бу фоний дуняда ҳеч ким манингдек боши қотмайдур,
Ки тинмай йигласам, ҳаргиз қиёмат тонги отмайдур,
Мусулмон комил эрса, дуня деб динини сотмайдур,
Худодан қўрқмаган анда ҳабибиди уётмайдур,
Неча эшони қутби покдомонимдин айрилдим.

Умр ўтди, Худоё, қилганим ҳойи-ҳавас бўлдум,
Ҳамийят йўқидин урус элига бир магас бўлдум,
Мажозий подшоҳ эрдим, ҳақиқат урди, хас бўлдум,
Ўрусли домига туштум, гирифттори қафас бўлдум,
Ўтубон бу гариблик эмди(ки) жонимдин айрилдим.

Худо лутф айлади уч йўл келиб тахтимга ултурдум,
Ўшал Фаргона юртимда Сикандар давлатин сўрдум,
Ки ўттуз йил турубон подшоҳлик даврини сурдум,
Йитурдум ақлу адлимни, келиб дунёга чанг урдум,
Келиб ҳар неча қилган хайр-эҳсонимдин айрилдим.

Худоё, камлигим йўқтур мани бу дом ила Жамдин,
Ганилик бобида йўқтур манидек насли одамдин,
Қанотим — давлатим, бўлдум жудо, ул мушфиқ
онамдин,
Ўаум дунёфааст бўлдум, фирибим бўлди барҳамдин,
Насимедек ҳабаш — қасримда дарбонимдин айрилдим.

Улуг наҳре чиқордим, неча ерни айладим обод,
Булуб сероб алардин бўлдилар мандии ҳама эл шод,
Хушомадгўйларим йўл кўрсатиб бўлди манга устод,
Аларни сўзига кирдимки, бўлди дин уйи барбод,
Неча сурған хукумат гуфтгў-Фармонимдин айрилдим.

Н. Остроумов томонидан 1886 йил декабр ойида нашрга тайёрланганлиги қайд этилган бу мухаммас матнига синчилаб назар ташланса, ундаги баъзи бандлар ўрни алмашиниб кетгандек таассурот тугдидари. Чунончи сўнгги уч бандда Худоёрхоннинг тожтахт, майшатдан масрур кунлари тасвирланадики, улар асл нусҳада дастлабки бандлар сифатида битилган кўринади. Ундан ташқари Остроумов матнидаги тўққизинчи банд билан мухаммаснинг тугаб қолиши, устига-устак бу жанрдаги асарлар учун мустаҳкам анъана бўлган муаллиф номи киритилган банднинг йўқлиги (шу важдан бўлса керак, нашрга тайёрловчи унинг муаллифи номаълум деган қарорга келади) ўқувчидаги асар тугал эмас, деган таассурот туғдириши табиий. Бу ҳол Зорийнинг Худоёрхон ҳақидаги мухаммасининг Остроумов нашрга тайёрлаб топширган нусхадан бошқа, ишончлироқ нусхаларини излаб топиш ва ўқувчилар ҳукмига ҳавола этиш вазифасини кун тартибига қўйди ва, илгарироқ айтганимиздек, бу вазифа яқинда бажарилди.

Босма матн асосида фикр юритадиган бўлсак, бир томондан, Худоёрхон таҳтда ўтирган чогида қилган ножӯя ишлардан нафрат, иккинчи томондан эса, ана шу ножӯя ишлар туфайли собиқ хон бошига тушган сўнгсиз мусибатлар туфайли унга ачиниш туйгуларини муаллиф тилидан бериш имконияти бўлмагани

ҳолда улар Худоёрхоннинг ўз сўзлари орқали маҳорат билан берилади. Чиндан ҳам хон ўзи ҳақида айтган:

Ўзумни қилмиспимдин юртқа тушти шўр ила шаррлар,

ёки:

Анга магрур бўлубои (ман) унутмишман Худойимни,

ёки:

Йнтурдум ақлу адлимни, келиб дунёга чаиг урдум,

сингари мисраларни ўқиган ҳар қандай киши: «ажаб бўпти, халқига жабр қилиб, фақат ўз нафсу маишатини ўйлаган худбин ҳукмдорнинг қисматини шундай тугагани яхши», дейди. Лекин Зорийнинг инсон қалбини забт этиш қудратига эга бўлган санъаткор эканлиги бошқа мисраларда янада яққол кўринади. Мана улар:

Бу фоний дуняда ҳечким манингдек боши қотмайдур,

Ки тинмай йигласам ҳаргиз қиёмат тонги отмайдур,

ёки:

Умр ўтти, Худоё, қилгоним ҳойи-ҳавас бўлдум,

Ҳамият йўқидин ўрус әлига бир магас бўлдум,

Ўрусни домига туштум, гирифтори қафас бўлдум,

ёки:

Хушомадгўйларим йўл курсатиб булди манга устод,

Аларни сўзига кирдимки, булди дин уйи барбод.

Бу мисраларни ўқиганда, ўз қилмишларидан астойдил нупаймон бўлиб, қон йиглаб турган собиқ хонга чин юракдан ачинмай иложингиз қолмайди. «Ўрусни домига туштум, гирифтори қафас бўлдим» мисрасига бир олам маъно сингдирилганини алоҳида таъкидлаш керак. Илгарироқ биз Худоёрхоннинг тахтдан қулатилиши, Петербургга жўнатамиз деб Оренбургда олиб қолиниши, ўша ҳафта-ойлардаёқ Қўюн хонлиги ҳудуди рус зобитлари томонидан босиб олиниб, Туркистон генерал-губернаторлиги таркибида Фаргона губернияси ташкил этиш хусусидаги Александр Иккинчининг фармони муносабати билан мустамлакачилар ишлатган ҳийла-найрангларга анча батафсил тўхталган эдик. Ана шу ҳийла-найранглар тўқимасининг бутун моҳиятини Зорий бир мисранинг ўзида баралла кўрсата олганлиги эътиборга

лойик. Зотан хар қандай мавжудот (у инсонми, паррандами, ҳайвонми эканлигидан қатъи назар) факат ҳийла-найранг оқибатидагина домга тушиб, гирифтори қафас булиши асло рад этиб бўлмайдиган ҳақиқатdir. Ана шу ҳақиқатни рус мустамлакачилари фаолиятига нисбат бериб айтиш эса, асар муаллифи бошига не-не савдоларни келтириши ўз-ўзидан аён эди. Зорий ана шу жиҳатни ҳисобга олиб, Худоёрхон ҳақидаги мухаммасида ўз тахаллусини атайлаб яшириб қолган деган холосага келиш мумкин.

Умуман, Россиянинг ўша вақтдаги пойтахтида Худоёрхон ҳақида русча таржимаси билан биргаликда эълон қилинган бу дастлабки асар инқилобдан олдинги маданий ҳаётимизда муҳим воқеа бўлганлигини қайд этиш лозим. Шундан сўнг Фурқат, Остроумов ҳамда Сатторхон ташабbusи билан кетма-кет бир неча асарлар пойтахтдаги нуфузли журнал саҳифаларидан жой олдики, уларнинг асосий қисми ҳақида кейинроқ тўхталамиз.

Худоёрхон ҳақидаги асарларнинг муаллифларидан қўқонлик забардаст нозим Мулла Сиддиқ Котиб билан маргилонлик Мирза Умарқори Ҳавоий-Умидий Фурқатга айниқса яқин, ҳамфир, ҳаммаслак ижодкорлар эди. Умуман Фурқат Қўқонда, Янги ва Эски Маргилонда яшаган ўтган асрнинг 80-йиллари охирига қадар Худоёрхон хусусида қалам тебратган шоир ва муаррихларнинг қўлга илинадиган барча асарлари билан танишиб чиққан дейиш мумкин. Ҳавоий-Умидий Фурқат эски Маргилонда истиқомат қилган 1886—89 йилларда унинг атрофига жиспласланган зиёлиларнинг энг вафодорларидан эди. Маргилонда экан вақтида ёқ Ҳавоий-Умидий навқирон Фурқатнинг шеърий камолини, хушхат ва хушлафзлигини, кўпнинг ҳожатини чиқариш учун хатларга адрес ёзиб беришдаги маҳоратини ибрат намунаси сифатида тавсиф этувчи шеърлар битган эди. Бу икки эҳтиросли шоир ўртасида Маргилонда маҳкам бояланган дўстлик ришталари Фурқат ҳаётининг охиригача асло бўшаshmади. Фурқат турли дўстларига йўллаган шеърий мактубларида Ҳавоий-Умидийни зўр эҳтиром билан ёдлаб, унга чет элдан эҳтиросли мактублар йўллади. Ана шундай мактублардан бўлмиш «Қори ака» радифли газал-мактуб бизгача сақланиб қолган. Унинг ёзилиш тарихига келсак, 1899 йилда маргилонлик Мирза Аҳмад исмли зиёли савдогар тижорат иши

билин Еркентга бориб, бозорда Зокиржон Фурқатни учратади. Фурқат уни ўз уйидаги яхшилаб меҳмон қилиганидан сўнг Мирза Аҳмад қўлига олтита мактуб беради. Улар Муқимий, Мулла Тошболту, Ҳожи домла каби дўстларига ва, турган гапки, Мирзо Умарқори Ҳавоий-Умидийга аталган эди. Мактуб муаллифи гурбатдаги энг маҳрам сирларини худди Ҳавоий-Умидийга маълум қилиши айниқса эътиборга лойикдир. Мактубда Фурқат марғилонлик Қарший домла, Мирзо почча (Охунжонбой), Тошболту сингари умумий дўстларига салом топширишни Ҳавоий-Умидийдан илтижо қилишдан ташқари:

Икки-уч йил вақт ўтубдурки, келибман мунда мен,
Ул Муқимий билмагайдур ҳеч нипоним Қори ака,

дека энг яқин дўстининг аҳволидан ташвишланиб ёzáди.

Мактуб охирида Фурқат гурбатни тарқ этиш ихтиёри ўзида эмаслигига шама қилиб, юргига қайтиш-қайтолмаслигини фол очиб кўриб беришни ўз дўстидан илтимос қиласди. Мана ўша мисралар:

Қуръангиз бордур кўрага толеъимни, Фурқатий,
Борму ё йўқму борарга бир нипоним Қори ака.

Ана шу сўнгги байт кўп жиҳатдан кишини ўйлантириб қўяди: боши берк кўчага кириб қолиб, йўл тополмай гаранг бўлган кишигина фолбинга мурожаат қилиши, келгуси қисмати ҳақида ростми-ёлгонми, бирор тасалли берувчи гап эшитишга илҳақ бўлиши маълум-ку! Фурқат она юргига қайтиш йўлларини тополмай, Тошболтуга ёзган бошқа бир мактубида айтганидек, «тилсими ҳафратадвз»га қамалиб қолганини ўз маҳрам дўстига яна бир бор маълум қилишни лозим топган бўлиб чиқади.

Фурқатнинг худди ана шу дўсти унга замондош шоирлар орасида Худоёрхон ҳақида хўб ва кўб асар ёзган ижодкор эди. Юқорироқда биз Ҳавоий-Умидийнинг «Мактубчай хон» манзумасидан ўрни-ўрни билан парчалар келтириб, улар ҳақидаги мулоҳазамизни айтган эдик. Ундан ташқари шоирнинг «Хомаи шаҳбозон», «Бадавлатнома» китоблари ҳам Худоёрхон фаолияти билан, айниқса унинг ҳукмронлиги ривож топган даврлар билан bogliq.

Гап Худоёрхоннинг тахтдан туширилиши ва ватанжудолиги хусусида кетаётганлиги сабабли шу

мавзуга багишиланган «Мактубчаи хон» манзумасига қайтиш маъқулроқ деб ҳисоблаймиз. Манзумада Шералихон, Шомуродхон сингари хонлар борасида ҳам жиддий мулоҳаза ва талқинлар мавжуд. Лекин шоирнинг асосий эътибори Худоёрхонга, айниқса хоннинг ватанжудолик изтироблари билан боғлиқ воқеалар ва шахсларга қаратилади.

Мумтоз адабиётимизнинг бошқа кўпгина намояндаларидан фарқли равишда Ҳавоий-Умидий Худоёрхон ҳақидаги бу йирик маснавийсининг ёзилиш даври ҳақида аниқ-таниқ маълумот қолдирган:

Ки бир мииг уч юз икки эрди ҳижрат,
Езилди саргузашти хони суръат.
Жумадул аввал ойи аввалида
Езиб қўйдим китобат матлаъида.
Йигирма иккисида бўлди итмол,
Умидийга бўлуб тангридин илҳом.

Демак, асар ҳижрий 1302 йилнинг жумадул аввал ойи бошида бошланиб, ўша ойнинг йигирма иккинчи куни тугалланган. Синхрон жадвалга кура ҳижрий 1302 йилнинг жумадул аввал ойи 1885 йилнинг 5 февралида кирган, асар тугалланган жумадул аввал ойининг йигирма иккинчи куни эса ўша йилнинг 26 февралига тўгри келади. Бинобарин катта истеъодод эгаси бўлмис Ҳавоий-Умидий Худоёрхон фаолиятининг энг мураккаб даврларини қамраб олган, беш катта қисмдан иборат бу забардаст асарни, ўзи айтганича, Тангридан илҳом бўлиб, уч ҳафтага етар-етмас муддатда тугаллаган.

Ҳавоий-Умидий манзумасида Худоёрхон ватанжудолиги ҳақидаги тасаввурларимизни бойитадиган, бошқа на адабий, на тарихий манбаларда учрамайдиган тафсилотлар берилган бўлиб, бу тафсилотларнинг баъзилари ўша давр манбалари берадиган материаллардан анчагина фарқ ҳам қиласи. Масалан, хоннинг Оренбургдан ҳаж ниятида қочиб, Афғонистонга борганидан сўнгги машмашалар Умидийда бундай берилади:

Ўзин нақдидин эллик минг сўм олиб,
Миниб от узра қочти йўлга солиб.
Юруди Каъба сари — нияти ҳаж,
Юрурга боп ила пой улди баравж,
Бу суръат бирла Афғон юрта кирди,
Ҳама зоди раҳин ўгрига берди.
Қулида зоди раҳ соатдин ўзга,

Йўқ эрди ҳасрати кулфатдин ўзга
Гаровга қўйди соатларни шаҳзод,
Бузулди кўнгли шаҳлиқни қилиб ёд.

«Туркистон вилоятининг газети»да чоп этилган ва биз илгарироқ келтирган хабарда Худоёрхоннинг ўзини танитмаслик учун қозоқча кийим кийиб, Туркманистон ва Бухородан ўтиб, Афғонистоннинг Тахтапул шаҳрига боргани ва амир Шералихоннинг фармойига кўра «Худоёрхоннинг қўлидаги барча пулларини олиб, ўзини Эрон мамлакатига ўтказиб юборибдурлар» дея ёзилган эди. Бироқ қочиш вақтида Худоёрхон ҳаракат воситаси сифатида уловнинг қайси туридан фойдаланган, унинг Афғонистонда олдирган маблаги қанча бўлган? Олдирилган маблагдан ташқари унинг ихтиёрида нималар қолган? Бу саволларга газета материаларида жавоб йўқ. Унга жавобни Ҳавоий-Умидий манзумасидан топамиз. Айни вақтда газета материалида Худоёрхонни талаш бевосита Шералихоннинг фармойиши билан амалга оширилганлиги очиқ айтилгани ҳолда Ҳавоий-Умидий «ҳама зоди раҳин ўгрига берди», деб ёзади. Шу ўринда манзума муаллифи «Туркистон вилоятининг газети»даги материалдан бехабармиди, ёки хабари бўлгани ҳолда атайлаб шундай ёздими? деган савол тугилади. Фурқатдек йирик маърифатпарвар бу газетани худди Ҳавоий-Умидийлар даврасида, эски Марғilonда ўша йилларда биринчи марта кўрган-ку! Колаверса, кечагина бутун Фаргона ҳукмдори бўлган Худоёрхоннинг аянч тақдири ҳалқининг асосий қисмини қизиқтирган ва агар бирорта зиёли шу газетани ўқиган бўлса ҳам бутун шаҳарга дув-дув гап тарқаб кетган. Шундай бўлгач, ўз даврининг илгор зиёлиси бўлмиш бу катта шоир ҳам газетадаги ўша материалдан хабардор бўлган деб ўйлаймиз. Шералихоннинг ислом аҳли учун энг муқаддас зиёратга кетаётган Худоёрхон қўлидаги арзимас маблагини талаб олиб қолишга буюрганлигига шоир ишонмаган бўлиши ҳам бу можарога ўзбек ҳалқини афғон ҳалқидан кўнглини қолдириш мақсадида, икки ҳалқни бир-бирига гиж-гижлаш учун атайлаб тўқиб чиқарилган иғвогарлик сифатида қараган бўлиши ҳам мумкин.

Шунингдек, Ҳиндистондан Худоёрхон инглиз маъмурлари тазиёқи остида чиқариб юборилгани ҳам, Бўмбайдан жўнаб кетишга мажбур бўлган хонга

Россия императорига мактуб ёзиб, ватанига қайтишга рухсат олишни унинг дўсти ого Абдулраҳим маслаҳат берганлиги ҳам, яна бошқа кўпгина жиҳатлар ҳам ўша даврдаги манбаларда учрамайди.

Хулласи Фурқат дўстининг атиги уч ҳафта ичидаги битган Худоёрхон ҳақидаги йирик манзумаси шу мавзудаги асарлар орасида алоҳида аҳамиятга эга бўлиб, ўз даврида кенг шуҳрат қозонган Худоёрхон ҳақидаги бошқа кўпгина асарлар ҳам халқ орасида ниҳоятда машҳур эканини, уларни фаргоналик ҳофизлар айниқса Рамазон кечалари кенг майдонларда ҳамюртларига кетма-кет куйлаб берганликларини Н. Остроумов Фаргона сафаридан қайтгандан кейинги эсадаликларида алоҳида таъкидлайди. Фурқатни Худоёрхон ҳақида қайта-қайта асарлар ёзишга илҳомлантирган омилларнинг бири ана шу бўлса ҳам ажаб эмас.

Ҳавоий-Умидий манзумасида ўта нафрат билан бўртириб тасвирланган тимсоллардан бири сохта Пўлатхондир. Ўтган асрнинг 80—90-йилларидаги даврий ва нодаврий матбуотда Фаргона халқи бошига сўнгсиз фалокатлар келтирган, шу важдан элъорти орасида «Заҳҳоки соний» лақабини олган сохта Пўлатхон хусусида бир қанча қизиқарли материаллар сақланиб қолган. Улардан бири «Туркистон вилоятининг газети»да 1893 йилда бир неча сонда чоп этилган «Жаноби марҳум Сайид Худоёрхоннинг фарзанди аржумандлари Ибн Яминбекнинг ўз умрини хусусида таҳрир айлагани ушбуудур» сарлавҳаси остида эълон қилинган автобиографик характердаги йирик асаридир. Пўлатхон Қўқон таҳтини эгаллаши биланоқ мислсиз кўламда бошлаб юборган қатли омдан не-не азоб-үқубатлар чекиб, Худонинг марҳамати билан тирик қолган гўдак Ибн Яминбек орадан 15—20 йил ўтиб, ўз саргузаштларини маълум қиласди. Бу асарда жаллодлар жаллоди Пўлатхоннинг беш-кунлик подшолик вақтида хоннинг авлодлари ва яқинларини нақадар шафқатсизлик билан тигдан ўтказганлиги ҳар қандай одамнинг дилига титроқ соладиган бир алфозда тасвирланади: «Хўқанд шаҳрига гавғо пайдо бўлуб, бесаранжом бўлғон вақтда Худоёрхон кўб пул ва асил тошлар олиб, Хўқандни ташлаб чиқиб кетибдурлар... Тошканд шаҳрига келибдурлар, — деб ёзади муаллиф.

— Аммо отамиз кетгандан кейин Хўқанд шаҳрида отамнинг катта ўғли Насриддинбек деган уч ой хон бўлуб турди. Аммо мазкур уч ойдин сўнг қипчоқ элатиясини бир паст уругидин Хўқанд шаҳрига Пўлот деганин хон атаб қўйдилар. Лекин Пўлотхон ўз саройида ва Маргилонда ва Хўқандда кўб зулму систам қилди. Чунончи отамнинг укасини — Сайид Муродбекни ушлаб қатл қилди. Баъда ҳар жанибдин Худоёрхон ўгулларини тутуб, улдурмоқ учун истаюб юрурди. Бул ароди Пўлотхон икки адад уч яшар ва тўрт яшар онаси бошқа укаларимни топиб ўлдуруб ва Насриддинхоннинг уч боласини ушлаб шаҳид айлабдур ва отамнинг укаси Сайид Муродбекнинг етти ўглини сўйиб қуюбдур. Ушбу фурсатда мазкур Пўлотхонни бир воқеаси кўб таажжуб иш бўлди, яъни Султон Муродбекнинг бир яшар бешикда ётқон ўглини Пўлотхон жаллодга сўймоққа буярубдур. Мазкур жаллод бешикка келиб қўл уриши билан мазкур гўдак жаллодга қараб кўб муҳаббат билан табассум қилибдур. Баъда жаллод мазкур Пўлотхонга арз қилибдур: тақсир, ман бу гўдакни қатл этарга қўлум бормади, зероки они ўлдурмакка қасд қилиб ёнига борганимда манга қараб норасида бегуноҳ табассум қиласадур, ўшал табассумлари ихтиёrimни мандин олди, дебдур. Андин кейин Пўлотхонни газаби келиб, жаҳолат илан ўрнидиган туруб, ўз қўли билан бешикдаги болани ва ҳам жаллодни қатл айлабдур» (газетанинг 1893 йил 4 июн даги 22-сони).

Ҳавоий-Умидийнинг манзумасида Пўлатхон қиргинининг чинакам бадиий тасвирини кўрамиз:

Пўлот қотил — лақаб Заҳҳоки соний,
Етуб авлоди хонга кўб зиёни,
Суюб хонзодаву бекзодаларни,
Гўдаклик богида озодаларни,
Қизил гул гунчасидек икки гўдак,
Булар хонзода — эмар эрди эмчак.
Тофиб саккиз ўгулдин икки ўгул,
Эдилар норасида сўзи булбул.
Она қўйнидин олиб икки нафар,
Аларни қўйди бўйни узра ханжар
Яна хонзода Насриддин бегимни,
Сайид Фатҳиддин ном ул етимни
Тофибон кесди ханжар бирла бошин,
Оносини оқизиб кузда ёшин.

Сайд Султон Муродбекни тутуб ҳам,
Құшуб сакқиз сағир ўглиға ул дам,
Шаҳодатта етурди раҳм қилмай,
Гунохсизларни сўюб олди молин,
Кўториб кетти бўйнига вуболин.

Қасос ҳақ әканини қарангки, ана шу даҳшат тўла жаллодликлардан икки-уч ой ўтар-ўтмас Шўлатхоннинг юлдози нахс буржига ботиб, ўрис аскарлари билан жангда тор-мор бўлади. Суянган тоги — Уратепа бегига нажот излаб борса, бек уни ўз ҳудудига киритмай хор қиласиди. Шундан кейин Шўлатхон отдан йиқилиб, қўлтиқ таёқсиз юра олмай қолади. Генерал Скобелевнинг яна бир зарбасидан сўнг руслар томонидан асир олиниб, Маргилонда оломон ўртасида дорга осиб ўлдирилади.

Эътиборни жалб этадиган бир жиҳат шундаки, Фурқат Худоёрхон ҳақидағи ўз асарларидан ташқари ўзига замондош бошқа шоирлар асарларининг ҳам Туркистон вақтли матбуотидагина эмас, балки пойтахтда рус тилида чиқадиган мўътабар илмий нашрларда чоп этилишига эришади. Ана шундай дастлабки асарлардан бири қўёнлик шоир Мулла Сиддиқ Котибнинг мухаммаси бўлиб, асар «Россия Археология жамияти Шарқшунослик бўлими «Ахбороти»-нинг 1892—93 йилги VII жилдидаги русча сўзма-сўз таржимаси билан биргаликда нашр этилган эди. «Собиқ Қўён хони Сайд Мухаммад Худоёр ҳақида иккинчи қўшиқ» («Вторая песня о бывшем Кокандском хане Сайд Мухаммад Худояре») сарлавҳаси остида берилган бу асарга кириш сўзида Н. Остроумов жумладан бундай ёзган эди: «*Бу қўшиқ Қўён фуқароси Мулла Сиддиқ Котиб томонидан яратилган ва уни қўёнлик шоир Зокиржон Фурқат менга келтириб берган*».

Ўзбекистон Марказий Архивида сақланаётган Остроумов фонди кўздан кечирилганида ана шу мухаммасни «Туркистон вилоятининг газети» мухарририга топшириш вақтида унга Фурқат ўз қўли билан кичик шарҳ ҳам ёзиб берганлиги ва баҳтли тасодиф туфайли шоирнинг дастхати ҳам келгуси авлодлар учун сақланиб қолганлиги маълум бўлди. Фурқатнинг ҳали илмда маълум бўлмаган шарҳи қўйидаги-ча: «*Бу мухаммас Фаргона мамлакатининг волийси Сайд Мухаммад Худоёрхони марҳум хусусидақим,*

жамоаи қиблоқия фитнасидин жалойи ватан ва маҳруми диёр үлди ва ғурбат кишварига тушуб меҳнатобод жаҳондин роҳатагзойи жовидонга юзланди. Анинг афсонасини Ҳўқандда тургувчи Мулла Сиддик ном Котиб тахаллуслик мухаммас бирла адo қилимшдур».

Шуни алоҳида қайд этиш лозимки, Котибнинг Худоёрхонга хайрхоҳлик билан ёзилган ва ўз даврининг нуфузли илмий нашрида чоп этиш лозим кўрилган бу мухаммаси коммунистик мафкура киша нида иш тутган ўзбек адабиётшунослигида менсимай ўтилди, унга мурожаат қилинган бир-икки ҳолларда эса асоссиз равишда салбий баҳоланди.

Ўзбекистонимиз мустақилликка әришган ҳозирги замонда бошқа қадриятларимиз қаторида Худоёрхон ҳақидаги қизиқарли асарлардан бўлмиш Котиб мухаммасини ҳам ўз ҳақиқий эгаларига қайтариш ва у ҳақдаги баъзи янги мулоҳазаларни айтиш зарур деб ҳисоблаймиз. Муҳтарам ўқувчиларни аввало мухаммаснинг тўла матни билан таништирмоқчимиз:

МУЛЛА СИДДИҚ КОТИБ

Мусулмонлар, биродарлар, биза қайдог замон үлди?
Худоёрхондин айрилдук, ани ҳажри ямон үлди.
Тушуб бизларга кулфат, гайримардум шодмон үлди,
Шариат бўстоини гулситонига ҳазон үлди,
Бу ҳасратдин диёнатпеша аҳли бағри қон үлди.

Худоёрхон эди бизга ҳама аждоди келган хон,
Шукуҳи салтанат бирла бариси ўткариб даврон,
Ҳазина ҳам дафина кўб, ярог-жабдуг йигиб чандон,
Ҳама иқлима шуҳрат еткуруб то Рум ила Ҳўқон,
Бу Фаргона элига неча йиллар ҳукмрон үлди.

Бу хонга бир вазири хос Исо авлиё эрди,
Кўрарга босалоҳият, vale ботин қаро эрди,
Ҳама муфсид шароратпешаларга муқтадо эрди,
Олиб хон ақлини, ҳар ишни қилса хон ризо эрди,
Фақир аҳлига шафқат айламай, номеҳрибон үлди.

Кириб хон ёнига бир неча бидъат ошкор этти,
Бу шум макрини хон билмай, ўзин бидъатга ёр этти,
Васиқа мансух айлаб, Мустафо шаръини хор этти,
Йигиб, ҳеч кимга бермай нул-хазина бешумор этти,
Синоҳ ила раъият ҳолига хон ҳамгарон үлди.

Яна Офтобачи қибчогдин эрди бир вазири хос,
Икови эрдилар жумла вазирлар ичра хосулхос,
Хұкумат тоғашуруб хон иккисига, айлабон ихлос,
Буларга әътимод айлаб, турууб хон ўзлари бехос,
Алардин бениҳоят фитналар охир ағн үлди.

Баногоҳ иккиси ўз хонларидин юз ўгурдилар,
Хиёнат пеша айлаб, фитналик роҳига юрдилар,
Бу хон фарзанди Насриддинни зўр айлаб кетурдилар,
Хиёли хом ила ўз чогида давлатни сурдилар,
Дедилар: то тирикмиз бизга давлат жовидон үлди.

Намак ҳаққин, икиси, сохламасдин юмдилар кўзни,
Қилиб хон уғлини хон, қайтариб ўз хонидин юзни,
Боқиб лашкар икови қўлига, бир қилдилар сўзни,
Худоёрхон қочиб анда, Хўжандга олдилар ўзни,
Ато тахтига Насриддин ўтурди, яъни хон үлди.

Кўрунг ул кўрнамак шум Авлиёни, бўлди мингбоши,
Яна Офтобачи ўруслига черикбоши,
Севиндилар бу ишқа ақли йўқ мардумни бебоши,
Фасоҳат аҳли кетти мулк деб, куйди ичи-тоши,
Халқ ислома етгай деб юрги тўла қон үлди.

Бу икки кўрнамак шум қилмагон ишқа уруб куб лоф,
Баҳодирлиқда айлаб, ҳеч уруш қилмай, ўзин авсоф,
Дедилар: рўбарў бўлгач ўрус хайлиң қилурмиз соф,
Бу ялгон шуҳратин ёйиб жаҳонга Қоғдин то Қоғ,
Бу лоф ичра Абу Муслим киби соҳибқирон үлди.

Баногоҳ хасм бўлди ўз ичидин бор экан тақдир,
Қилиб бир неча макру ҳийлалар кўб айлади тазвир,
Неча ҳарб айлади, мунга ривоже бўлмади тавфир,
Мадоро айлади охир анга сарф айлабон тадбир,
Уруш бирла муни дафъ айламак хонга гумон үлди.

Хазина очти келган тангаи тиллога чоchlарни,
Чиқордилар хазинадин ҳисоби йўқ саночларни,
Йигиб лоф ургучидан ноң тополмай қорни очларни,
Алам боғлаб кўториб туг-байроқлар, ягочларни
Ўрус молин олурмиз деб Хўжанд сори равон үлди.

Ўруслоти чиқти бош ўлуб анга губирнотир,
Уруш майдони соз үлди, қани жанг қилгучи шотир,
Кўрууб, олди йироққа ўзларин лоф ургучи ботир,
Хатар хавфи билан жамъ улмади ҳеч кимсада хотир,
Мусулмон аҳлига меҳнат ушал кун бегарон үлди.

Мадад еткурмади Офтобачи, жанг аҳли кўб шошти,
Йироқ ерда урушмасдин ўшал тургонича қочти,

Үрус саллоти шошурди: мусулмон жойидин ошти,
Үзин дарёга ташлаб күб киши, дарё тұлуб-тошти,
Үзин дарёга отқан халқ беному нишон үлди.

Қочиб андин чидолмай, бир етим қыргизни топтилар,
Пұлтотхон от құюб, алқисса, они хон күтардилар,
Үрусқа рұбарұ келмай, ҳама хилватқа чонтилар,
Кими күрса, ани: «сан бузчи», деб якбора сүйдилар,
Бу бұқтон бирла ноқақ қон тұкулди, неча жон үлди.

Ахийри бу иков ислом ақлин бошига етти,
Хұқанд тахти бузулди, мамлакат рус ақлиға үтти,
Бу икки күрнамак шум нечалар бирла Сивир кетти,
Қаю нийятда бұлса, ҳақ ани үзига күрсатти,
Ахийри үз фиоли бирла расвойи жақон үлди.

Буларга таъбият қылғон бири Маҳмадамин тарбуз,
Яна әрди бириси Зулфиқорбек үсуроқ құнгуз,
Бириси әрди фажлаж күрнамак Турдиали тұнгуз,
Фасоду фитна құрган бедиәнат фирмәи бетуз,
Бариси мажзи шайтан тийри лаънатта нишон үлди.

Азизлар поймолу бадгуұрлар бұлдилар хуррам,
Мусулмонлар аро бир-бирға шафқатни этиб барҳам,
Бу икки күрнамак бир ерда ором олмасун бир дам,
Шукр, алқамдуиллақ, ақли исломдур ҳама дилжам,
Бу икки күрнамакни ҳолига бир.достон үлди.

Бу бузрук ҳодиса таърихи амлока зарап бұлди,
Хатар онларга етти-у үрус соқиб зафар бұлди,
Гуриба күрнамаклар ҳоли бир-бирдин батар бұлди,
Мусофир ҳар вилоятда, гадодек дарбадар бұлди,
Ватани орзу айлаб, иши оқы фигон үлди.

Будур итмоми сұзлар, күб әрүр гар айласам тафсил,
Барин күнжойиш этмас бу мухаммас, топқуси таъвил,
Сухан гүфтөрини назм ила келтурса топар такмил,
Бу сұзни назм алғозига Котиб айлади табдил,
Худоेңғонга дилсұзлиғ учун сұзлар бағын үлди.

Юз мисрадан иборат бу салмоқли мухаммасни
үқириң әканмиз, Худоेңхон ҳукмронлигининг охирги
даврида ва хон таҳтдан ағдарилғанидан сүнг Құқон
хонлигіда рүй берган фожиалар, бу фожиалар бош
айбдорларининг қылмишлари туғайли әл-юрт боши-
га келған фалокатлар моҳир, ҳалол, синчков муар-
рих асаридаги сингари күз олдимизда ғавдаланади.
Исо авлие ҳамда Абдураҳмон офтобачининг хос ваз-
ирлик лавозимидан фойдаланиб әл-юртга қылған

чексиз хиёнатларини, аниқ шарт-шароитни ҳисобга олмай, ақлсизларча иш тутганликларини қаттиқ қоралаган муаллиф, Шўлатхон номи билан Қўқон тахтига даъвогар бўлиб чиқсан фирибгар аслида «бир етим қирғиз» эканини, уни Исо авлиё билан Офтобачи аллақайси кавакдан топиб келиб, тахтга ўтиргизганликларини ҳам эл-юртга ошкор қилади. Айни вақтда Худоёрхоннинг ўғли Насриддинбек иродасизлиги туфайли бу икки хиёнатгарнинг раъйига юриб, отаси ўрнига хон бўлиб, ўз умрига ўзи завол бўлганлиги ҳам шоир Котибининг эътиборидан четда қолмайди.

Мухаммаснинг бош қисмида Худоёрхон қисматига қаттиқ ачинган муаллиф унинг Исо авлиё ва Офтобачи ҳийлаларига алданиб, «васиқа мансух айлаб, Мустафо шаръини хор этган»лиги, мол-дунёга ҳирс қўйиб «бешумор пул-хазина» йигганлиги хон фожиасининг негизи әканлиги хусусида ҳам комил инсоф билан мулоҳаза юритади. Мухаммас бандларидан бирида айтилган «васиқа мансух айлаш» фожиаси Худоёрхондан фуқароларнинг даргазаб бўлишига олиб келган эди. Гап шундаки, ўз хос вазирларининг ўта баднафслик билан тутган йўлларига юриб, Худоёрхон Қўқон хонлиги ҳудудида вафот этган ҳар қандай кишидан қолган меросдан унинг ворислари қаторида ўзига ҳам бир улуш тақсимлашни қонунлаштирувчи фармон чиқарган эди. Бу фармон Тошкентда етиб келгач, уни имзолаш учун қушбеги ҳузурига чақирилган шаҳарнинг бош қозиси Шарифхўжа фармонга кўз югуртиргач, «Худоёрнинг куни тугаб қопти-да» дея улоқтириб юборганлиги, бу «беодоб»лиги учун хон томонидан яширин равишда энг таҳқирли ўлимга хукм қилинганлиги, бу ҳукмдан қайнотаси Қаландархўжа орқали хабар топган қози калон Бухорога қочиб, олти-етти йил сарсон-саргардон кезиб жон сақлаб қолганлиги «Фурқат йўлларида» китобимиизда (44—45-бетлар) баён этилган эди. Котиб мухаммаси ана шу фактни яна бир марта тасдиқлади.

Котиб мухаммасидан чиқадиган энг зўр хулоса хон атрофидаги йирик амалдорларнинг хиёнати, хоннинг лақмалиги, ҳамюртларнинг ноаҳиллиги «ислом аҳли бошига етиб, Ҳўқанд тахти бузулиб, мамлакат рус аҳлига ўтган»лиги ҳақидаги хулосадир. Зотан тарихнинг энг қалтис дамларida ҳамиша халқ ораси-

дан унча-мунча сотқинларни топиб оладиган келгинди босқинчилар ўшаларнинг хиёнати туфайли ўз ёвуз мақсадларига осонликча эришганлар.

Шубҳа йўқи, Котибнинг мухаммаси Зокиржон Фурқатга манзур бўлган, унда илгари сурилган фикрлар шоир қалбига чўғ солган. Шу важдан ҳам мухаммасни «Туркистон вилоятининг газети» ходимлари Н. Остроумов ва Сатторхон ёрдамида пойтахтда нашр эттириш пайига тушиб, унга маҳсус изоҳ ҳам ёзib берган. Изоҳдан Фурқатнинг Кўқон хонлигининг охирги даврида рўй берган воқеаларга, бу воқеалар иштирокчиларига муносабатда Котиб билан ҳамфир, ҳаммаслак эканлиги маълум бўлади.

Фурқат Котиб мухаммаси юзасидан амалга оширилган ишлар билан чекланиб қолмади. Унинг ўзи ҳам шу мавзуда маҳсус мухаммас ёзив, уни худди Котиб асари эълон қилинган нашрда чоп этилишига муваффақ бўлди. «Мухаммас Муҳаммад Худоёрхон тилидан» деб номланган бу асар ҳам «Россия Археология жамияти Шарқшунослик бўлими «Ахбороти»-нинг 1893 йилги саккизинчи сонида биринчи марта эълон қилинган. Унда тўла ўзбекча матн билан ёнмаён асарнинг Сатторхон Абдулгаффоров ёрдамида Н. Остроумов томонидан амалга оширилган сўзма-сўз таржимаси, рус ўқувчисига қулайлик тутдириш мақсадида асардаги баъзи сўзларга изоҳ ва лугат ҳам берилган. Асар нашрига ёзган кириш сўзида Н. Остроумов: «Бу шеър Худоёрхоннинг вафотидан кейин ёзилган ва менга 1890 йилнинг 3 июнида топширилган», дейди. Фурқатнинг таржими ҳолидан маълумки, ўша 1890 йилнинг 3 июн куни Н. Остроумов директор бўлган Тошкент эрлар гимназиясида акт мажлиси маросими бўлиб, йирик маърифатпарвар шоир унда ҳаммадраса дўстлари билан бирга иштирок этган ва шу кунги воқеага бағишлаб «Акт мажлиси хусусида» номли машҳур асарини ёзив, «Туркистон вилоятининг газети»да эълон қилдирган эди.

Фурқатнинг «Мухаммас Муҳаммад Худоёрхон тилидан» асари инқилобдан илгари яна бир марта — 1914 йилда Абдулла Авлонийнинг «Адабиёт» тўпамида, инқилобдан кейин эса, 1971 йилда «Меҳнат ва турмуш» ойномасининг 5-сонида филология фанлари доктори Собиржон Иброҳимов томонидан нашрга тайёрланиб чоп этилган эди. Лекин кейинги икки нашрни тайёрловчилар Фурқат мухаммасининг «Ах-

борот»даги ишончли нусхасидан эмас, балки бошқа нусхадан фойдаланганларни маълум бўлади. Негаки, Фурқат томонидан асарга ёзилган ва гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган сўзбоши ҳар иккала нашрда ҳам йўқ. Масаланинг шу томонини ва мухаммас совет даврида атиги бир марта, шунда ҳам кам нусхали ойномада чоп этилганини ҳисобга олиб, уни илк нашрдаги мукаммал ҳолида ўқувчилар ҳукмига ҳавола қўилмоқчимиз:

МУҲАММАС МУҲАММАД ХУДОЁРХОН ТИЛИДАН

Фаргона қаламравининг фармонравоси Сайид Муҳаммад Худоёрхон марҳумеким, нечанд йил секкай давлат анинг шоҳлиқ нобинда эрди ва гўси салтанати жаҳонпанолиқ бомида бандогоҳ ҳазрати аҳком ал-аҳкомайн фармони бирла давлат ҳумоси анинг бошидин соя кутариб, раҳти завтиясидин чиқиб, меҳнат бодиясига тушган хусусида гурбат вайронасида ўзи ни гариб кўруб, чархи кажрафторни (нг) бедодидин шикоят қилиб, асоси давлат ва хидоми ҳашаматларини ёд айлаб, бир мунча ҳасратангез ва надоматомезлик бирда деган сўзларини истимоъ қилғон кишилар таҳриридин мусаввада айлаб, ул марҳумнинг ўз тилидан камина Зокиржон Фурқат мухаммас шаклида адо қилдим. Чунким дақиқбинлар кўзига сухан раъноси назм либоси бирла зебо кўрунур бўлгай.

Демиси хон бир кундик давру давронлар қаён қолди?
Сарири салтанатда ҳукм-фармонлар қаён қолди?
Мунаққаш хоналар, заррин намоёнлар қаён қолди?
Равоқу пештоқу қасри кайвонлар қаён қолди?
Муқарнас, шаҳнишин заркор айвонлар қаён қолди?

Бор эрди хизматимда кечакундуз яхши ҳамдамлар,
Белига боллагон тилло камар гулчеҳра маҳрамлар,
Мисоли Бу Али Сино, Фалотунтабъ одамлар,
Фатонат бобида олгон ҳама хатти мусалламлар,
Ўшандог аҳли донишлар, сухандонлар қаён қолди?

Эди олтун жилав, хизматда ҳозир доимо қуллар,
Туарди ҳар тараф саф-саф сиёсаллиқ ясовуллар,
Чиқиб сарбоз машқидин фалак узра гало-гуллар,
Юардилар тақиб олдимда шотирлар жаложуллар,
Насим отлиғ ҳабаш — аркимда дарбонлар қаён қолди?

Ушал «Афгон бог» им эрди Эрам богини тақлиди,
Тузар эрдим бориб ул ерда доим базми жамшиди
Менга ийд эрди ҳар күн элни бұлса йилда бир ийди,
Бориб күрмөң үшал ерларни йүқтүр әмди уммиди,
Аннингдек жаннатосо бөгбустонлар қаён қолди?

Муяссар эрди комимга ҳамиша яхши дилбарлар,
Башарнаслу малаксурат париваш ҳурпайкарлар,
Бинафша зулғи, райғон хатти гулчехра суманбарлар,
Сиҳи қад, гунча оғизлик баҳори нозпарварлар,
Назокат богида сарви хиромонлар қаён қолди?

Югуруб ҳар тараф саркорлар юз минг шитоб айлаб,
Берурдилар хазинамга хирожини ҳисоб айлаб,
Келурдилар чиқиб ҳар йилда саҳродин таноб айлаб,
Хиенат айламай, бир ҳарф өзса изтироб айлаб,
Нече заррин қалам ми्रзои девонлар қаён қолди?

Фалак чекти бу манзилга гаму андуҳ ила раҳтим,
Бошимдин кетти давлат, юз ўтурди толеъу бахтим,
Ҳаводис айлади барбод охир тож ила таҳтим,
Қурубон қылсалар гамхорлиғ бу ҳолати саҳтим,
Манингчун жон нисор эттан қадрдонлар қаён қолди?

Кечарди оғиятлиқ вартасида моҳ ила солим,
Суруру шод әдим, побастаи гам эрди помолим,
Улуб фархунда кундин-күн саодат бирла аҳволим,
Ҳамиша айлар эрдилар дуойи умру иқболим,
Валоят ҳосил эттан яхши әшонлар қаён қолди?

Сағат айлар эрдим ҳар йили атрофни чандон,
Ки аввал Маргинону Андижону сүнгра Шаҳрихон,
Насими «Шаҳработ» имдин топар эрди фарогат жон,
Чиқиб андин, шикор айлаб борурдим Чуст ила Косон,
Эсиз, ул Тұрақтүргону Наманғонлар қаён қолди?

Фароз эрдим, гарифликка тушуб охир нишиб үлдүм,
Фарогатдин баъиду даду меҳнатта қарийб үлдүм,
Зану фарзанду молу мулку зардин бенасиб үлдүм,
Қолиб меҳнатда танҳо, ҳам мусофир, ҳам гарип үлдүм,
У Насриддинбек ўглум била Ырмонлар қаён қолди?

Үшал саркардаларким, эрдилар ҳар ишда сирдошим,
Қани, мундог ямон күнларга түштүм, бұлса йүлдошим,
Ҳаводис топидин юз пора бўлди тутсалар бошим,

Дилу жоним, қариндошим, жигарбандим, эмукдошим,
Атодин ёдгорим Бек Султонлар қаён қолди?

Бошингга тушса иш, биз боп берай деб лоф урганлар,
Үзум била ҳама давлатни ҳам роҳатни кўрганлар,
Шукуҳу шавкатимни балки менин яхши сурганлар,
Бузуб аҳдин, ямонлиг кунда майдин юз ўтурганлар,
Букун ул кўрнамаклар, аҳди ялгонлар қаён қолди?

Киши Жамшид янглиг етти иқлимга амир ўлса,
Фаридунфар, Сикандар ҳапмату Хисрав сарир ўлса,
На чора бир кишини илкида қулдек асир ўлса,
Қани қўл олган эшонлар, бу кунда дасттир ўлса,
Ўқушган «Ҳирз дафъи»ни дуохонлар қаён қолди?

Қабул айлаб худо бу тавба бирла ох-зоримни,
Яна Фарғонага бир йул етургайму гузоримни,
Қувонса нотавон кўнглум кўруб ёру дивримни,
Дуогўйлар ичинда яхши билган эътиборимни,
Дариго, Фурқатийдек дийда гирёнлар қаён қолди?

Шеър муаллифи хўқандлик Зокиржон Фурқат Мулло Холмуҳаммад ўгли. (Баъзи сўзлар изоҳи: қаламрав — мамлакат; секка — пул устига уриладиган муҳр; бом — том; аҳкомайн — ҳукмдорлар ҳукмдори, яъни Худо; ҳумо — давлат қуши; раҳт — йўл; меҳнат — машаққат, уқубат; бодия — дашт; хадам — ходим; истимоъ қилган — ўзи эшитган; таҳрир — гап; мусаввада — қоралама; дақиқбин — чуқур идрокли; сарир — таҳт; кайвон — осмонга бўй чўзган; муқарнас — гўзал қуббали нақш; фатонат — хушфаҳм, зийрак; жаложил — қўнгироқ; дарбон — эшик соқчиси; сиҳи қад — хушқад; саҳро — дала, экинзор; ҳаводис — ҳодисалар, ўзгаришлар).

Фурқатнинг бу мухаммаси Котиб мухаммаси билан бир мавзуда эканига қарамай, кўп жиҳатлари билан ундан тафовут қиласди. Аввало Котиб асари муаллиф тилидан ёзилган бўлса, Фурқатники Худоёрхоннинг ўз тилидан битилган. Ана шу тафовутнинг ўзи ҳар икки муаллифнинг тасвир объектига ўзига хос йўл билан ёндошувини тақозо этган. Натижада биринчи мухаммасда Исо авлиё, Офтобачи сингари боп вазирларнинг хиёнатгарлиги, уларга ишонган хон ношаръий ишларга йўл қўйганлиги Худоёрхоннинг толеъ қуёши сўнишига сабаб бўлган асосий масалалардан бири сифатида қаламга олинса, иккин-

чи мухаммас Худоёрхон тилидан битилганлиги сабабли муаллиф юқоридаги номларни ҳам, хоннинг ношаръий ишлари ҳақидаги ўта кўнгилсиз гапларни ҳам асарга киритишни лозим топмайди. Яна бир жиiddий тафовут шундаки, Худоёрхон тоҷ-тахти заволга учрашини котиб хон атрофидаги амалдорларнинг хиёнати, ўғли Насриддинхоннинг лақмалиги, бошқаларнинг ноаҳиллигидан деб билса, Фурқат бу ишларнинг бош сабаби хоннинг маишатпарастлиги, ҳашаматга ортиқча ҳирс қўйганлиги, фуқаро тириклиги гамини емаганлигидан деб изоҳлаётгандек булади. Шу тариқа Котиб Худоёрхоннинг маиший томонларини умуман қаламга олмагани ҳолда Фурқат бу жиҳатларни биринчи планга чиқаради. Яна бир тафовут шундаки, Котиб мухаммасини ўқигач, хон атрофида тузук, инсофли, илм-маърифатли одамлар умуман бўлмаган экан-да, деган тасаввур қолади. Фурқат эса хоннинг маишатпарастлиги ва ҳашаматга ўчлигидан ички норозилик билдиргани ҳолда, унинг атрофида Ибн Сино, Афлотун таҳлитидаги аҳли дошишлар, валоят ҳосил этган яхши эшонлар ҳам бўлганлигига эътиборни қаратади. Бу орқали Фурқат маишатга муккасидан кетган, ҳою ҳашамга ўч ҳукмдорни унинг атрофидаги энг зукко билимдонлар ҳам инқизорздан сақлаб қолишга қодир эмас, деяётгандек туюлади.

Умумий холоса қилиб шуни айтиш мумкинки, Фурқатнинг бу икки мухаммас устидаги иши уни Туркистон доирасидан чиқариб, бутун Россияга, нуфузли рус матбуоти орқали бошқа хорижий мамлакатларга ҳам машҳур қилди, гарчи шоирнинг ўзи бу асарлар чоп этилган вактда ватанжудолик азобини чекаётган бўлса уларнинг пойтахтдаги нуфузли нашрда эълон қилиниши Туркистон үлкаси маданий ҳаётида жуда катта воқеа бўлди.

Фурқат Худоёрхон ҳақидаги мавзуни юқорида фикр юритилган мухаммасдан олдин ҳам, кейин ҳам қайта-қайта қаламга олган. Тошкентдан чет элга жўнаб кетиш олдидан тугаллаб, «Туркистон вилоятининг газети»да 1891 йилда ўн икки сонда эълон қилинган «Хўқандлик шоир Зокиржон Фурқатнинг аҳволоти» номли машҳур насрый асарида Фурқат бу мавзуни янада батафсилроқ, ўзи кўриб гувоҳ бўлган ҳаётий воқеалар орқали ёритади. Шуниси ҳам борки, улкан ўзбек маърифатпарвари «Аҳволот»да Қўқон

хонлигининг сўнгги ҳафталарида халқ қалбидаги оғир асорат қолдирган воқеалар ҳақида ёза туриб: «*Бу арода уч кун ўтуб қибчоқия ва қиргизия лашкари Ҳўқанд вилоятига дохил ўлуб, кўб талотублар бўлди-ким, батафсил баёни бошқа китобимда зикр тобқондур*», дейди. Бас, маълум бўладики, Фурқат «Аҳволот»дан илгари ўз она юртидаги талотублар батафсил баён қилинган бошқа китоб ҳам ёзиб тугатган бўлиб, у ҳали тадқиқотчилар қўлига тушган эмас. Балки архивда, балки бирор ихлосманднинг бисотида сақланниб ётгандир. Мабодо бу ноёб қўллэзма топилса, чоп этилиб ҳақиқий эгаларига етказилса, илмий истифодага киритилса, нақадар улуг иш бўлур эди.

Энди «Аҳволот»га қайтайлик. Унда жумладан қўйидагиларни ўқиймиз: «*Сайди Муҳаммад Ҳудоёрхонким, ул аср Фаргона музофотига ҳукмрон эрди, анинг фармойиши бирла мадрасаларга таътилнома келди. Расм будурким, мезон ойидин бошлаб таҳсил бўладур. Толибул илмлар атрофу акнофдин келиб мадрасаларда, масжидларда истиқомат қилиб, дарс ўқуидурлар ва бошқа ерлардин ҳам келиб, мадрасадин ҳужра сотиб олиб, таҳсил қиласурлар. Ҳар ҳафта тўрт кун дарс ўқуладур. Чунончи, шанба, якшанба, душанба, сешанба кунлари. Баъдаз уч кун мутолаа ва такрор қиласурлар. Чунончи чоршанба, панжшанба, жума кунлари. Бу тарикада олти ой муддатиким, офтоб Ҳамал буржидин тулуъ қилур, таҳсил тамом ўлуб, хондин таътилнома чиқадур. Анда ул толиби илмлар мураҳҳас ўлуб, бошқа тирикчилик ишларига машгул бўлурлар...*

Баногоҳ фалаки лувъбатгареким, жаҳон бисотида кўб филтанларни мот қилиб ва шоҳларни салтанат отидин пиёда қиласурлар ва неча гулруҳлар руҳини мазаллат тупроғидин губоролуд айлаб, фарзинмисол қажрафторларга иқбол бергандур, кўб бозийлар ижод айлади. Қиргизия ва қибчоқия жамоалариким, тавобеъи Ҳўқанд эрдилар, намакхўрлик риоятини пос тутмай, мухолифат қўсини навозишга кетурдилар. Андек замонда Андижон вилоятиким, Сайди Насриддинбек ном Ҳудоёрхоннинг валиаҳд фарзанди анда ҳокими билистиқлол эрди, ани зердаст айлаб, ўзларига подшоҳ айладилар. Ва неча кун ул шаҳарда туруб, сипоҳийлик асбобларини жамъ айлаб, Ҳўқанд азиматига мутарассид ўлдилар. Бу хабари фасодасар Ҳудоёрхон ҳазратига етушуб, ҳайрат мақомида қол-

ди. Алғараз ул муфсиду муфаттин қавмлар фитниси дин танг үлуб, ихрождин ўзга чора тобмади. Лоқирам Россия давлатини ўзига паноҳ айлаб, Тошканд вилоятига мутаважжиқ үлди. Ул вақт тарихи ҳижрий бир минг икки юз түқсон уч эрди, мутобиқи тарихи Исаийким, бир минг саккиз юз етмиш олтидур... Алқисса мамлакат забти мушаввашга мубаддал үлуб, толиби илмлар ҳар тарафқа мутаффариқа үлуб, голиба ҳунару касб ихтиёр айлаб кетдилар... Бу арода бир мунча замон ўтуб, Хўқанд музофоти Россия давлатига тааллук тобти» («Туркистон вилоятининг газети». 1891 йил 8 апрель, 13 апрель, 14-, 15-сонлари).

«Аҳволот»да Фурқат берган бу маълумотлар ўқувчини кўп масалалар хусусида ўйлантириб қўяди, унда янги-янги фикрлар тугилишига сабаб бўлади. Дастребаки қизиқарли фикр шундан иборатки, Худоёрхон Қўён хонлиги ҳудудидаги барча мадрасалар фаолияти билан, уларда ўқув-тарбия ишлари, таъминот масалалари билан шугулланишни ўз зиммасига олган экан. Бинобарин, совет мафкураси ҳуқмрон бўлган кўп ўн йилликлар мобайнида тадқиқотчиларимиз баъзан ихтиёрий, баъзан гайриихтиёрий равишда таъкидлаб келганларидек Худоёрхон калтафаҳм, чаласавод ҳукмдор бўлмаганлиги равшанлашади. Фурқат «Аҳволот»да гувоҳлик бераётганидек, унинг мадрасалар фаолиятини бевосита ўз назоратига олиши ва шахсан бошқариб туришидан ташқари «Мухаммас Мұхаммад Худоёрхон тилидан» деб аталувчи асарида тасвиrlаганидек, унинг атрофига Афлотун, Ибн Сино тахлитидаги йирик олимлар бўлганлиги бу фикрнинг далилидир.

Яна шуниси эътиборга лойиқки, Фурқат тасвирида, Худоёрхон Қўёндан қочишга мажбур бўлиши биланоқ барча мадрасалар ёпилиб, толиби илмлар қалаванинг учини йўқотиб қўядилар, дуч келган касб-ҳунарга ўзларини урушдан бўлак чоралари қолмайди.

Иккинчи маълумот Қўён хонлиги тахтиning валиаҳди ҳисобланган Насриддинбекнинг падари мухолифлари билан тил бириктириб, унинг устига қўшин тортиб келиши ва бундай хиёнатни ҳеч қачон хаёлига келтирмаган Худоёрхоннинг ҳайрат мақомида қолишига тегишли. «Ал қасосул минал Ҳақ». эканини қарангки, ганимлар гиж-гижлашига ушиб, отасини

янада ёвуздоқ душман — Туркистон генерал-губернаторидан нажот сўраб боришга мажбур қилган Насриддинбекнинг ўзи ҳам ҳадемай Худоёрхон қисматига шерик бўлди: у ҳам отаси каби фон Кауфман ҳузурига, Тошкентга қочиб келди ва отаси кетидан Владимирга сургунга жўнатилди, ёш умрига қирон келди.

Яна бир маълумот Худоёрхоннинг Петербург ва Тошкентдан мадад кутиб хомтамаъ бўлиши масаласига алоқадорки, унга кенгроқ тўхталиб ўтиш зарурати сезилади. Хон ўзини Қўқон тахтига қайта тиклашда Туркистон генерал-губернаторига умид боғлаши учун, сиртдан қараганда, етарли асос бордек эди. Фон Кауфман Тошкентга энг юқори лавозимга тайинланганидан кейин Александр II нинг йўл-йўриқлари га таяниб, гўё Россия императори ўзига чегарадош дўст мамлакатларда хонларнинг тож-тахтига қилинадиган ҳар қандай ички таҳдидларга бефарқ қарамайди, уларни шартта кесиб ташлайди, дея қайта қайта расмий мактублар юборган эди. Бу ваъдаларга ишонган Худоёрхон бутун фаолиятида оқ подшо ва генерал-губенаторга ёқадиган йўл тутишга интилар, бу йўлда ҳар қандай андипани йигиштириб қўйган, ота-боболарнинг энг яхши анъаналарини писанд қилмаган пайтлари ҳам бўларди. Масалан, Бухоро амири зулмига қарши бош кўтариб, ўрис қўшинларига унтуилмас зарбалар берган Шаҳрисабз ҳукмдорлари Жўрабек билан Бобобек танг аҳволга тушиб, Худоёрхондан мадад сўраб борганида ўзининг жўмард ҳаммиллат биродарларини фон Кауфманга тутқин сифатида жўнатиш билан инсоф ва виждонга хилоф иш тутиб, император ва генерал-губернаторга садоқатини намойиш этган эди. Ўз хўжайнларига ана шундай хизмат қилган Қўқон хони тахтга даъво билан чиққан сохта Пўлатхонни ва хиёнат йўлини тутиб, унга қўшилиб кетган яқин амалдорларини жазолаш ва ўзини тахтга қайтаришда худди фон Кауфманга умид боғлаганлиги табиий бир ҳолдир. Лекин бутун ана шу йиллар давомида Қўқон хонлиги ҳудудларини босиб олиш, унинг барча бойликларини Россия империясига хизмат қилдириш режасини тузиб яшаган генерал-губернатор бу қулай фурсатдан қандай фойдаланганини, хон бошига қандай кулфатлар солганини илгарироқ айтган эдик.

«Аҳволот» ҳақида мулоҳаза юритарканмиз, унда баъзи саналарни кўрсатишда Фурқат адашганлигини

ҳам айтиш даркор. Фурқат Худоёрхон Қўқондан қошиб, нажот истаб Тошкентга қелгани хусусида ёзар экан: «Ул вақт тарихи ҳижрий бир минг икки юз тўқсон уч әрди. Мутобиқи тарихи Исаийким, бир минг саккиз юз етмиш олтидур», дейди. Фурқатдан ташқари, Худоёрхоннинг иккинчи ўғли, ўша алговдалғовларнинг бевосита иштирокчиси Муҳаммад Аминбек ҳам «Туркистон вилоятиниг газети»да 1894 йил 22 марта эълон қилинган «Фаргона музофотининг хонлари хусусида воқеотлар» номли тарихий маълумотларга, шунингдек турли ривоятларга асосланган материалида: «Мазкур Худоёрхон... тарихи бир минг икки юз тўқсон учунчи санайи ҳижрийда Россияга боруб, андин зиёрати Ҳарамайнни бажо келтуруб, қайтурда Каррух қишлоғида марҳум бўлди», деб ёзади.

Аслида бир хил сана кўрсатилган ҳар иккала маълумот ҳам хатодир. Чунки синхрон жадвалдаги қатъий ва аниқ ҳисобларга кўра, ҳижрий 1293 йил мелодий 1876 йилнинг 28 январидан бошланиб, 1877 йилнинг 16 январига қадар давом этган. «Туркестанские ведомости» эса ўзининг 1875 йил 5 августдаги 31-сонидаёқ «28 июля Насриддин хон қилиб сайланди ва ўша заҳоти шу хусусда ёзма равишда маълум қилди... Собиқ Қўқон хонига Хўжанддан Тошкентга кўчиш таклиф қилинди», деб ёзган.

Бундан ташқари кўплаб архив материалларида ва маҳаллий матбуот саҳифаларида Худоёрхон ўша кунлардаёқ Хўжанддан Тошкентга келиб, 8 августда Кауфман ҳузурида бўлганлиги, әртаси куни эса хон келиб тушган Дархон маҳалласидаги ҳовлига генерал-губернатор келиб, ҳар икки томон ўртасида музокаралар бўлганлиги маълум қилинади. Шундан кейин 3-4 кун ўтмаёқ Худоёрхон Тошкентдан чиқиб кетиб, икки йилдан зиёдроқ Оренбургда сургунда яшаб, ўша ердан яширин равишда ҳаж сафарига жўнаган ва юртига қайтиб кела олмай, мусофириликда вафот этган. Ана шу барча рад этиб бўлмайдиган маълумотларни ҳисобга олиб, Худоёрхон Тошкентга қочишига мажбур бўлган вақтни ҳижрий 1293, мелодий 1876 йил эмас, балки ҳижрий 1292 йил, мелодий ҳисобда эса, 1875 йил деб қатъий айтиш мумкин.

Ана шундай баъзи ноаниқликларга қарамай, Фурқатнинг «Аҳволот»и Қўқон хонлигининг сўнгги дав-

ри ва Худоёрхоннинг ҳукмдор сифатидаги фаолияти ва охирги вақтдаги қисмати билан боғлиқ кўпгина жиҳатлар ҳақида қимматли манба вазифасини ўтайдиган асардир.

Фурқат болалик ва ўспиринлик йилларида ўзи гувоҳ бўлган Қўқон хонлигидаги тўс-тўполонларни, Қўқон хонлигининг сўнгги ҳукмдори Худоёрхон бошига тушган фожеаларни умрининг охиригача унута олмади. У чет әлларда кўп йил сарсон-саргардан кезиб, Худоёрхон сингари ўз юртига қайтиш имконини тополмай юраги қонга тўлган кезларида ёзган «Қасида» номли асарининг кириш сўзида ҳам, асарнинг бевосита матнида ҳам қалбига яқин бу мавзуга яна қайтади. Шоир «*Фаргона мамлакатиким, жўши баҳори рашки гулшани Эрамдур, вужудим Ҳўқанд гулшанининг обу ҳавоси обёрглиги билан тарбият топмиш бўлгай*» дей умрининг энг ширин дамлари ўтган она юртини завқ-шавқ билан эслайдио, лекин шу заҳотиёқ, бу юртни харобага айлантирган, пировард-натижада ўрис империясининг мустамлакасига айланишида гуноҳкори азим бўлган худбин ҳамюртларининг қилмишлари кўз ўнгига келади: «*Ногаҳ ул вилоятларда ўтган асафомуз воқеотларни, авбош, бебош мардумлардан фуқароларга беоромликлар юзланиб, оқибатуламр ул аҳли фасодлар вужуди анқодек адам қофида ошиён тузуб, фуқаро ва раъиятлар амният ва рафоҳият гулистонида андалиб янглиғ форигулбол шодлиг навосини тузганлари ёдимга келиб, фақир Зокиржон Фурқатнинг бир қасидаи равон таҳрир ва тақрир айладим*».

Бу парчанинг «фуқаро ва раъиятлар шодлиг навосини тузганлари» ҳақидаги қисми Фурқат асарини газетада осонгина чоп эттириш йўлидаги тадбир бўлиб, муроса-мадора учун айтилган гап деб тушуниш тўғрироқ бўлур эди. Чунки муаллифнинг ўзи худди шу кириш сўзида муштариylарга бевосита мурожаат қилиб, асарни ёзишдан асл мақсади нима эканини тагматидан тушуниб олишни илтимос қиласди. «*Арбоби назардин умид улким, — деб ёзади Фурқат, — бу жаридага мунсифона кўнгул бирла мутолаа ва мулоҳаза айлагайлар. Мабодо хотирларига хутур қилмогайким бу сўзлар хушомадгўйлиг юзидин адо топқон бўлгай деб. Чунки мақсудимиз асли бошқа ерга решачекмоқлиги кўнглумиз ганжинасида мактум ва музаммирдур, вассалом*». Шу тариқа Фурқат асарнинг

бальзи ўқувчилар томонидан хушомадгүйлик тарзида тушунилиши мумкин бўлган ўринларни синчковлик билан мутолаа қилинса, улар аслида бошқа мақсадга хизмат қилишидан ўқувчиларни қайта-қайта огоҳлантирган эди.

Шу муносабат билан А. Герценнинг бир ибратли кузатиши ёдга келади. «*Шуни айтиш керакки, — деб ёзган эди у, — ўз сўзини билинтирмаслик услубини ва санъатини ривожлантиришда цензура жуда ҳам ёрдам беради. Цензура тўсифидан асабийлашган одам уни енгишни хоҳлайди ва бунда деярли ҳамиша муваффақият қозонади. Кинояли сўз ҳаяжон, кураш муҳрларини сақлаб қолади, оддий баёнга нисбатан унда эҳтирос кўпроқ бўлади. Очигини айтмаслик ўз пардаси остида кучлироқ, тушунишни истаган киши учун ҳамиша равshan бўлади... Пинҳона фикр сўзнинг қудратини оширади, ялангоч фикр эса идрокни жиловлайди. Ёзувчи қанчалик эҳтиёт бўлиши кераклигини биладиган ўқувчи уни синчковлик билан ўқийди, ўқувчи билан муаллиф ўртасида яширин алоқа пайдо бўлади: бири нима ёзганини яширади, иккинчиси эса уни тушунади. Цензура шундай бир тўрки, майда чивинларни ушлаб қолади, катталари ни эса ўтказиб юборади».*

Фурқат асарларини юқоридаги кузатиш асосида, тагматнни фаҳмлаб ўқиган тақдирдагина ўз юртини, халқини жондан севган муаллифнинг ҳақиқий мақсадларини тушуниб етиш мумкин.

Кўпгина тадқиқотчиларимиз томонидан коммунистик мафкура ҳукмронлиги даврида ноҳақ таъна тошларига кўмиб ташланган «Қасида»да Фурқат Худоёрхон ҳукмронлигининг сўнгги ойлари билан бодлиқ алам-изтиробли воқеалар тасвирига муносиб ўрин ажратади. Бунда у ўз хиёнаткора қилмишлари билан Қўйғон хонлигини ўрис мустамлакачилари оёги остига ташлаб беришга олиб қелган ўжар ва калтабин, мол-дунё ва амалга муқкасидан кетган ҳамюртларини аввалги асарларида деярли учрамайдиган аччик истеҳзо билан, айтиш мумкинки, масхара оҳангига ҳажв қиласи, уларнинг асл қиёфаси, қилмишқидирмишлари устида ўқувчини ўйлантириб қўядиган тимсоллардан фойдаланади:

Қадим айём хонлар даврини кўрган-эшитганимиз,
Ҳар ойда бир тарафдин ёв чиқиб элга зиён этти.

Сипоҳилиқда тартибу низоми йүқ халойиқлар
Бир-икки минг киши жам ўлса, бир қиргизни
хон этти.

Бир-икки газ қизил чит найзага боғлаб, алам айлаб,
Құшун тортуб, неча ерларни тарожу талон этти.

Ота-бобоси милтиқ отмаганлар: «биз синоҳи», деб,
Миниб бир байтал отни, үзини ботур гумон этти.

Күсовдек милтиқ устида темурдек шофни боғлаб,
Хаёлида бориб тасхири Шому Соқилон этти.

Куб әлни хуни ноҳақ қилди ул саффок золимлар,
Болосини етим, хотунларин бехонумон этти.

Шуни ҳам алоҳида таъкидлаш керакки, Фурқатнинг Құқон хонлиги сұнгги даври ва сұнгги хон Худоёрхон ҳақидағи деярли барча асарларида шоирнинг бу ҳұммдорға әйтимоди, унинг фожиали қисматидан қаттық изтироб чекканлиги шундоққина сезилиб туради. «Мухаммас Мұхаммад Худоёрхон тилидан» асарида у үзини хоннинг дуогүйи эканини, хонга «дийда гирён» бўлганлигини таъкидлайди.

Юқорироқда биз Фурқат меросидан яхши хабардор бўлмаган айрим ўрис тадқиқотчилари гүё бу ижодкор Құқон хонлигига ўз кўз ўнгига содир бўлган муҳим воқеаларга әътибор қаратишни лозим кўрмади, дея унга соя солмоқчи бўлганини айтган әдик. Фурқатнинг «Мухаммас Мұхаммад Худоёрхон тилидан», «Саргузаштнома», «Қасида» сингари асарлари бу даъволарнинг пучлигини исботлайдиган пухта далилларdir. Замонасининг буюк ижодкорларидан бўлмиш Зокиржон Фурқат халқ ҳаётига, эл-юрт қисматига алоқадор ҳар бир воқеага, бу воқеаларда маълум рол ўйнаган тарихий шахсларга зўр қизиқишиб ҳамда синчковлик билан қараган, улар ҳақида ёлқинли асарлар яратган, бошқа ижодкорларнинг шу хусусдаги асарларини манфаатдорлик билан кузатиб борган, уларни кенг тарғиб этишдек савобли амалларни бажону дил бажарган.

ШАҲЗОДА, ГЕНЕРАЛ ВА ФУРҚАТ





Сүнгги Құқон хони билан Фурқат юзма-юз мулодатда бұлғанми-йүқми, бу ҳақда ҳозирча бирор маълумот йұқ. Лекин шоир хоннинг ўғиллари, унинг атрофидагилар билан шунчаки мулоқатда бұлиб қолмай, балки яқин ошна, ҳатто дұст бұлғанлигини күрсатувчи нұқталар Фурқатнинг ўз асарлари ва мактубларыда ҳам, ўша даврдаги архив ҳамда вақтли матбуот материалларыда учраб туради.

Худоёрхон таҳтдан ағдарилған 1875 йилнинг ўзидағы хоннинг иккі хотини, яғни Огача ойим ҳамда Моҳбегим ойим Үрмонбек, Фансуруллобек ҳамда Ибн Яминбек исмли ўғиллари билан Тошкентта келгандылары, Ибн Яминбек ўша йилдан бошлаб, Үрмонбек билан Фансуруллобек эса 1879 йилдан бошлаб шу шаҳарда истиқомат қылабошлаганликлари ўша давр матбуотидан маълум. 1876 йилда Насриддинбек Владимирга сурғун қилинған, Үрмонбек эса 1883 йили Тошкентта вафот әтган бұлиб, Фурқат бу шаҳарға келген 1889 йил ёзіда хоннинг ўғилларидан Мұҳаммад Аминбек, Мұҳаммад Умарбек, Ибн Яминбек ҳамда Фансуруллобек Туркистаннинг пойтахтида яшамоқда әдилар. Бизнингча, Фурқат хон ўғиллары-

га, хон ўғиллари эса Фурқатга қизиқиб қараганлар, дўстлик ришталари билан ўзаро боғланганлар. Хон ўғилларидан Муҳаммад Аминбек ҳамда Ибн Ямишбек «Туркистон вилоятининг газети»да узоқ вақт ҳамкорлик қилганиклиарида ҳам Фурқатнинг ўзига хос хизмати бўлса керак. Тез орада шоир Худоёрхонни меҳр билан тасвирловчи мухаммаси ҳамда «Аҳволот»ини яратиб, эл-юрга маълум қилганидан кейин улар ўртасидаги дўстлик ришталари яна ҳам мустаҳкамланиб кетган кўринади.

Хон фарзандларидан Фансуруллобек билан ўзининг ўта самимий, дўстона алоқалари хусусида Фурқат ҳозирда «Сабога хитоб» деб аталадиган катта шеърий мактубида алоҳида меҳр-иҳлос билан ёзади. Оташқалб шоирнинг энг эҳтиросли асарларидан бўлмиш бу шеърий мактуб битилганига бир асрдан ошиди. 1891 йилнинг 14 май куни Тошкентдан йўл олиб, Самарқанд, Бухоро, Ашхобод, Боку орқали Истанбулга бориб қолган Фурқатга ҳадемай тошкентлик дўстлари, бу шаҳарда ўтказган ажойиб воқеаларга бой ҳаёти қаттиқ хумор қилган эди. Шоир Истанбулнинг Миллат богида сайд этаркан, у ердаги «мардумни гунчадек хуррам куруб» ҳаётининг энг бахтили онларини, дўстларининг ёшлик шўхликларига, қувончга тўла суҳбатларини беихтиёр эслайди. Шундан сўнг «саргаштаи сахрои гариб» бўлган Фурқат «боди сабога хитоб бирла Тошканддаги аҳбобларига салом» йўллайди. Бу шеърий мактубни таҳлил этган забардаст олим ва шоир Мақсуд Шайхзода унда Фурқатнинг 28 дўсти ҳақида гоят қизиқарли фикрлар мавжудлигини ёзган эди. Бироқ асарнинг совет даврида нашр этилган қайси нусхасини қараманг, шоир дўстларининг сони 27 нафарлигича қолади. Демак, синчков тадқиқотчи Шайхзода «Сабога хитоб»нинг инқилобдан олдинги нашрини таҳлил этган бўлиб чиқади. Зотан у «Туркистон вилоятининг газети»да 1892 йил 16 апрелда тўлалигича эълон қилинган эди. Бизнинг давримизда чоп этилган Фурқат «Танланган асарлар»ида эса бошқа ўнларча байтлар қаторида Фансуруллобекка бағишланган ўн бир байт ҳам қисқартириб ташланган экан. Бунга Фансуруллобек сўнгги Қўқон ҳукмдори Худоёрхоннинг кенжа ўғли эканлиги сабаб бўлган деб бемалол айтиш мумкин. Чунки «Танланган асарлар» нашр этилган даврдаги сиёсий вазиятда шу жиҳатнинг ўзи Фансуруллобек ҳақидаги қисмни ҳеч бир сўзсиз қисқартириб

ташлаш учун етарли бўлиб, унинг шахсини, отадан 6 — 7 ёшлирида ажралиб қолганидан сўнг яна 46 йил ичидагималар билан шугулланганини, қайси фазилатлари билан Фурқатдек забардаст шоирнинг қалбини забт этганлигини ўрганишга имкон бермас эди.

Лекин ҳар юмушнинг, жумладан мумтоз шоирларимизнинг табаррук қалами билан битилган асарларни тўлалигича эълон қилишнинг ҳам ўз мавриди келаркан. Етмиш йилдан зиёд давр ичидаги фикри жиловланган тадқиқотчиларимиз, ноширларимиз ҳукмрон мафкура тазийиқи туфайли ҳар нарсадан ҳадиксирайверадиган бўлиб қолган эдилар. Шу боисдан бой маданий меросимиз нодир намуналарини қанотқўйругини қирқиб, «мана энди бинойидек қуш бўлдинг» дей бу асарларнинг асли қандайлигидан бехабар ўқувчиларга «туҳфа» қилишпар, ўқувчилар эса ўз навбатида бори шу экан-да, деб ишонишпар эди.

Мафкурамизда ҳақиқат йўлидан тойилишлар туфайли шу алфозга туширилган сон-саноқсиз асарларнинг бири Зокиржон Фурқатнинг «Сабога хитоб» и эди. Бу ҳолни Фансуруллобекка багишланган эҳтиросли мисралар шеърий мактуб матнидан бутунлай юлиб ташланганида ҳам якъол кўриш мумкин.

Фурқат Юсуф бойвачча исмли дўсти ҳақидаги юрак сўзларини тугаллагач, ўз тасаввурида унинг ҳовлисидан чиқиб келаётган сабога хитобан ёзади:

Чиқиб андин даги бир кўчаи тор,
Бегим ҳовлиси анда, жаҳд ила бор.

Бегим, жоним, афандим Фансуруллоҳ,
Зиҳи шаҳзодай зул иззаул жоҳ.

На ман танҳо, улус шаҳзодасидур,
Ҳама шаҳзодалар озодасидур.

Кириб кўргонда ер ўпқил, дуо қил,
Қўзунгга хоки посин тўтиё қил.

Дегил: Эй нахл бори шаҳрёри,
Гули парвардии давлат баҳори,

Ки бир аввораи саҳрои гурбат,
Этур ном анга Зокиржон Фурқат,

Эмиш ул хастадил кечмиш замона,
Намакпарвардии бул остона.

Чекиб обихўрап Рум сори они(нг),
Иқоматда эрур афкори они(нг).

Басе шаҳзодаларга ҳамнишиндур,
Алар шаҳзодаи ҳам нозаниндур.

Аларни суҳбатида эй неку зод,
Сизи айлар муҳаббат бирла кўб ёд.

Забонингни дуога қойил айла,
Туруб анда ижозат ҳосил айла.

Фансуруллобекнинг невара куёви, таниқли манба-шунос олим Фузайл Исломов (1907—1989) қайинбо-босига тегишли Фузулий девонининг охирги бўш са-ҳифаларига 1964 йил 28 апрелда қўлган қайдида кўрган-билган кишиларнинг фикрига асосланиб, «Фансуруллобек Фурқат, Муҳйилар билан яқин му-носабатда бўлиб, уларга қўлидан келганча ёрдам қи-либ турган. Фурқат ўзининг Истанбулдан ёзган мас-навий мактубида бошқа ёр-дўстлари қаторида Фансу-руллобек ҳақида ҳам бир неча байт ёзган», деган эди.

«Сабога хитоб»да айтилган «кўчай тордаги бегим ҳавлиси» эса Шайхованд Таҳур даҳасининг Занжир-лик маҳалласида Олимхўжа деган кишидан олинган ҳовли бўлиб, Фансуруллобек у ерда узоқ муддат яша-ганлигини архив ҳужжатлари тасдиқлайди.

Энди Фурқат дўстининг ҳаёти ва фаолиятига на-зар ташлайлик.

Қўйон хонлигидаги ўзаро урушлар, тож-тахт та-лашлари 1875 йилга келиб айниқса авжга чиқди. Тож-тахт даъвогарлари ўша йил июл ойининг охи-рида Худоёрхонни Қўйондан Хўжандга, уч-тўрт кун кейин эса Тошкентга, Туркистон генерал губернато-ри Константин Петрович фон Кауфман ҳузурига на-жот тилаб қочишга мажбур қилдилар. Худоёрхон Тошкентга севикли хотини Огача ойим, ўғиллари Ўрмонбек ва Фансуруллобекни бирга олиб келган эди.

Худоёрхон валиаҳд қилиб қолдирмоқчи бўлган Ўрмонбек Огача ойимдан эмас, хоннинг бошқа хоти-нидан — «Дарвоз подшозодаси» лақабли хотинидан туғилган бўлиб, қирқ икки ёки қирқ уч кунлик вақ-тида онаси вафот этади. Дарвоз подшозодасидан бир

нече кун кейин қиз күрган ва қизи нобуд бўлган. Огача ойим ўзини катта таҳликага қўйиб ҳам (чунки Ўрмонбек бирор оғир дардга чалинса ёки бўлса нобуд бўлса, хоннинг газаби нима билан тугашини ҳеч ким билмасди) Ўрмонбекни эмизиб, тарбиялайди, унга ўз фарзандидан ҳам ортиқ меҳр қўяди ва шу олижаноб иши учун бўлса керак, орадан уч-тўрт йил ўтиб Худо унга ҳам ўғил ато қиласди, Фансуруллобек дунёга келади. Ҳар иккала фарзанд тарбияси билан Огача ойим қаттиқ банд бўлиб юрган вақтларда Худоёрхон Қўқондан Тошкентга қочишига тўгри келади. Фон Кауфман томонидан алдов билан Россия ичкарисига жўнатилган Худоёрхон севикли хотини Огача ойимни, Огача ойим тарбиясидаги ўгиллари Ўрмонбек ва Фансуруллобекни ҳам ўзи билан бирга олиб кетишга қарор қилган эди.

Бунинг сабабини Огача ойим ҳақида Абдулла Қодирий «Меҳробдан чаён» романида айтган фикрлар билан ҳам изоҳлаш мумкин. «Худоёр ўзининг иккичи давлатида бунга (Огача ойимга — Ш. Ю.) уйланган эди, — дея ёзганди роман муаллифи. — Худоёр таҳти ташлаб Бухорога кетишга мажбур бўлгандан кейин, кўп хотинлари унга вафосизлик билан эр қилиб кетганлари ҳолда, Огача ойим эрининг хорлик ва муҳтожлик кунларига шерик бўлиб юрган ва шу вафодорлиги жиҳатидан хоннинг эътимодини қозонган эди».

Роман давомида А. Қодирий Огача ойимни ўта гўзал, баъзан давлат ишларига ҳам аралашиб, хонни ўз фикрларига уната оладиган тадбиркор аёл сифатида тасвирлайди. Ҳарқалай, «Меҳробдан чаён»да Огача ойимга маҳсус боб ажратилганлиги бечиз эмасди. Ўрмонбек, бир томондан, етим бўлгани учун, иккичи томондан, валиаҳдликка мўлжаллангани учун хон уни алоҳида эҳтиёт қиласди. Фансуруллобек эса Огача ойимнинг ҳаёт қолган ягона фарзанди, хоннинг ёш жиҳатидан энг кичик ўғли бўлганлиги учун (у ўша вақтда етти-саккиз ёшларда эди) хон шу қарорга келган эди. Дастреб «Россия императори ҳузурига кетяпман, у хонлик таҳтини қайтариб олишимга ёрдам беради», деб ўйлаган хон сафарга чиққанидан сўнг бироз вақт ўтгач, генерал губернатор ва императорнинг самимийлигига шубҳа қилиб, кўнгли яқинлашиб келаётган фалокатни сезади шекилли, Туркистонга бориб Хўжа Аҳмад Яс-

савий мақбарасини зиёрат қилғандан сүнг Огача ойим ва икки ўглини ўша ердаги яқин одамларидан бирининг уйига ташлаб ўзи сафарни давом эттиради. Хоннинг шубҳалари ўринли бўлиб чиқади: Оренбург шахрига етгач, ўша ернинг губернатори одамлари уни қалбаки навозиш билан кутиб оладилар, губернатор хонни зиёфат қилади, улар бир-бирлари билан савго алмашинадилар, Тошкентда чиқиб турган газеталар бу ҳақда хабарлар эълон қиладилар. Бироқ шундан сүнг икки йилдан ортиқроқ вақт ўтса ҳамки, хондан ҳеч қандай дарак бўлмайди. Кейинчалик маълум бўлишича, Оренбург губернатори император фармойишига асосланиб, Худоёрхонни уй қамогида сақлашни буюрган экан. Эри тақдиридан бехабар Огача ойим икки ўгли билан Туркистонда уни кутиб яшайверади, ниҳоят Н. Остроумов ўз мақолаларида таъкидлашича, 1879 йилда хоннинг вафоти ҳақидаги хабар маълум бўлганидан кейин оқ Тошкентга қайтиб келади. Хоннинг бошқа хотинларидан бўлган ўғиллар — Муҳаммад Аминбек, Муҳаммад Умарбек ва Ибн Яминбек бу вақтда Тошкентда истиқомат қиласар эдилар. Уларнинг ёрдами билан Занжирлик махалласидаги Олимхўжа деган кишининг ҳовлисида яшай бошлайдилар. 1883 йилда Ўрмонбек 18 ёшида шу ҳовлида вафот этади. Шундан сүнг Огача ойим ягона фарзанди Фансуруллобек билан ўша ҳовлида яшаб туради. Фансуруллобек Туркистонда ва Тошкентда эски мактабда таълим олгач, Шайхованд Тахурдаги Эшонқули доддоҳ мадрасасида таҳсилни давом эттиради. Мадрасада ўқитиладиган дарслар орасида айниқса аруз илми уни мафтун этади ва Худоёрхон фарзандлари орасидан ягона шоир бўлиб етишиб чиқади. Фансуруллобек яратган газал ва мухаммаслар XIX аср охири ва XX аср бошларида тартиб берилган қўлёзма ва тошбосма баёзларда тез-тез учраб туради. Фансуруллобек Хисрав тахаллуси билан ижод қилган.

Юқорида эслатиб ўтилган Фузулий девонининг охирги бўш саҳифаларига қилинган қайдида Фузаил Исломов бандай ёзади: «*Фансуруллобекнинг Хисравбек исмли ёлғиз ўгли бўлган ва Тошкентда вафот қилган. Шу ўгли номини у ўзига тахаллус қилиб олган экан. Хисравнинг газал ва мухаммасларини Шарқшунослик институти фондидаги босма манбаларда кўрдим*».

Фузаил Исломов шахсий кутубхонасида сақла-наётган Фузулий девонининг сўнгидаги Фансируллобек томонидан Алишер Навоий газалига боғланган эҳтиросли тахмис матни берилади. Шу муносабат билан Фузаил Исломов яна бундай ёзади: «*Бу китоб асли Худоёрхоннинг угли Фансируллобекнинг қўлида бўлган. Ушбу варақдан тўрт варақ юқоридаги хати муллойи билан ёзилган мухаммас Фансируллобекнинг Навоий газалига боғлаган мухаммасидир. Бу варақдан юқоридаги Султон Маҳмуд Газнавийнинг ру-боийсини ва Жомий газалига боғланган мухаммасни шоир Муҳъий ўз қўли билан ёзган. Бунга қараганда, бу китобни Муҳъий ҳам кўрган ва ўқиган. Бу китоб қандайдир йўл билан Шарқий Туркистоннинг Чувачак шаҳрига бориб қолган. Буни тошкентлик Мирмақсуд ака марҳум бироннинг қўлидан Чувачакда сотиб олиб, бир зиёфатда қайнинпадаримизга (Фансируллобекнинг куёви Шаҳобиддинхон Тожиддинхон ўғлига — Ш. Ю.) ҳадя қилган эди. У кишидан бизга ҳадя қилингган».*

Фансируллобекнинг бу тахмиси унинг шоир сифатида қанчалик забардаст бўлганини кўрсатувчи далил эканини ҳисобга олиб, уни муҳтарам ўқувчилар ёътиборига ҳавола этамиш:

Этмайин зоҳир низо найлай бу айёмим била,
Лаҳза сухбат тутмадим ул чашми норомим била,
Бул жиҳатдин тўлди оғуи алам жомим била,
Бир қадаҳ май ичмадим сарви гуландомим била,
Бир нафас эврулмади даврон меенинг комим била.

Гаҳ ичиб май дайр пири согари эҳсонида,
Гоҳи боғлаб қўлни шайхи бери ё фармонида,
Гоҳ юруб дайр ичра, гоҳи хонақоҳ айвонида,
Тунга етмас кунни ўткардим ўлуб ҳижронида,
Кунга еттайманму, ваҳ, бу субҳи йук шомим била.

Бир неча аҳли маъоний фатҳига соҳибқирион
Дедилар: гам дардини нафъи шароби аргувон,
Бу сўз эшиттач кириб майхонага мен потавон,
Ҳар маеки онсиз ичтим топгали гамдин амон,
Заҳри гам гўё эзилмиш эрди ул жомим била.

Бўлмайин ул ваҳши кўзлиқ бир нафас ром, эй рафиқ,
Субҳи айшум мисли асрор айлади шом, эй рафиқ,

Йуқтур оромим мени, куб қилма дашном, эй рафиқ,
Қайда бўлсун музтариб кунглумга ором, эй рафиқ,
Тутмадим ором чун бир дам дилоромим била.

Ул нависимга бу дарди меҳнатим пайгомин эт,
Ҳажр аро тортган азоби кулфатим пайгомин эт,
Үйрулур бошимга ҳадсиз заҳматим пайгомин эт.
Эй сабо, ул гулга муҳлик фурқатим пайгомин эт,
Ваҳки, жон нақдин анга еткур бу пайгомим била.

Ҳаддин афзун журмим охир тоқатимни этти тоқ,
Сабрим олгай бир тарафдин меҳнати дарди фироқ,
Бу тирикликдин кечиб, марг ила айлаб иттифоқ,
Кунглум ичра бут гами, куфр ичра ўлсам яхшироқ,
Аҳли дин олинда боргунча бу исломим била.

Гам ўтига сийна бирён элтмагумдур ичмайин,
Гунча янглиг кўнглими қон элтмагумдур ичмайин,
Мисли Хисрав оҳу афғон элтмагумдур ичмайин,
Эй Навоий, ўлсам, армон элтмагумдур ичмайин,
Бир сабуҳи гулузори бода ошомим била.

Шеъриятга, шоирларга ихлоси баланд Фансирулло Фурқат Тошкентда яшаган йилларда 20—22 ёшлар орасидаги йигит эди. Ўзининг ҳамشاҳри бўлмиш забардаст шоир Тошкентда эканини билгач, табиийки, у билан танишишп, дўстлашиш, айниқса, шеърият ҳақида суҳбатлашиш, ўз шеърий машқларини кўрсатиб ундан маслаҳатлар олиш истаги тез орада Фансируллобекни Фурқат билан яқинлаштиради. Фурқат Фансируллобекнинг Занжирлик маҳалласи тор кўчасидаги ҳовлисида бир неча марта бўлади, ундан кўп илтифотлар кўради. Шунинг учун ҳам Истанбулга бориши биланоқ энг яқин дўстлари қаторида Фансируллобекни согиниб, «Сабога хитоб» шеърий мактубининг салмоқли бир қисмини унга багишлади.

Иккинчи томондан, Фансируллобекнинг қайнотаси Жўрабек доддоҳ ҳам Фурқат билан гоят яқин муносабатларда әдики, қайнотасининг Қорасувдаги катта боғида бўлган суҳбатларда ҳам у Фурқат билан бир неча бор учрашган бўлиши эҳтимолдан узоқ эмас. Фурқат Тошкентдан жўнаб кетгач, русча яхши хат-саводга ҳам эга бўлган Фансируллобек ижтимоий-маданий ҳаётида фаол қатнашади, Туркистон-

нинг вақтли матбуот органлари билан ҳамкорлик қиласи. Бундан ташқари, Туркистонда жадидчилик ҳаракати авж ола бошлагач, Фансуруллобек илк жадид матбуотини вужудга келтиришда фидоийлик кўрсатади. Жадидларнинг ўлкадаги дастлабки газетаси бўлмиш «Хуршид» хусусида фикр юритар экан, Зиё Сайд «Ўзбек вақтли матбуоти тарихига оид материаллар» номли китобида (1927) газетанинг «Ношири ва муҳаррири Мунаввар қори ибн Абдурашидхон. Фансуруллобек газетанинг энг атоқли ва яқин ёзишувчиси» (муаллифи — Ш. Ю.) эди», деб ёзган эди. Бу фикрнинг тўғрилигига ишонч ҳосил қилиш учун «Хуршид»нинг 2-сони Фансуруллобекнинг «Сабаби тулуъи «Хуршид» сарлавҳали дастурий мақоласи билан очилганини айтиш кифоя. Газетанинг ундан кейинги сонларида ҳам Фансуруллобекнинг фаол иштироки яққол кўриниб туради. Бугина эмас, Туркистон жадидларининг раҳнамоси Мунаввар қори билан бир сафда борган, ўлкада янги давр маърифатини қизгин тарғиб этган Фансуруллобек бошқа даврий нашрларда, жумладан «Осиё» газетаси саҳифаларида ҳам бот-бот кўриниб туради.

Эътиборга лойиқ яна бир жиҳат шуки, Зокиржон Фурқат яқин дўстларидан фақат Фансуруллобеккина эмас, балки Жўрабек Қаландарқори ўғли, Қамолхон домла Қаҳҳор ўғли, «Сабога хитоб»да:

Ул Эшонхўжа эшон домломиз,
Гариблиқда суннган муттакомиз,

дея улуглаган устози Эшонхўжа мударрис Маҳмудхўжа ўғли ва бошқалар ҳам жадидлар қараашларининг аҳоли ўртасида кенг ёйилишига хизмат қилганлар, кўплари янги усул мактаблар очиб, муҳим аҳамиятга эга бўлган ишларни амалга оширганлар. Шу важдан жадид раҳнамолар Фурқатга ва Фурқатнинг жадидларга хайрҳоҳ дўстларига алоҳида ҳурмат билан қараганлар. Масалан, жадидлар отаси Исмоилбек Гаспирали ўзи муҳаррир бўлган «Таржимон» газетасида Фурқат барҳаётлик вақтидаёқ унинг Ёркентдаги маърифатпарварлик фаолияти хусусида қизиқарли материаллар эълон қилдирган. Гаспирали Тошкентта келганида Жўрабек додхоҳ билан маҳсус учрашиб, унинг «Таржимон» газетаси фидоийларидан бирига айланishiда, ўлкадаги янги усул мактаблари фаолиятида қизгин қатнашувида жиддий рол ўйнаган.

Абдулла Авлоний «Адабиёт» номли китобиги Фурқатнинг Худоёрхон ҳақидаги мухаммасини ҳам ташлаб киритишни лозим топган. Ҳамза Ҳакимзода Фурқатнинг бир неча газал ва мухаммасларига татаббулар қилишдан ташқари, шоир лирикасининг гултожи бўлмиш «Сайдинг қўябер, сайд...»га асримизнинг йигирманчи йиллари ўрталарида сехрли куй басталаб, ўша даврнинг энг яхши хонандаларига ўргатиб, ижро эттирган ва ҳоказо.

Юқорида келтирилган далиллар Фурқат маърифатпарварлиги билан жадидларнинг қарашлари ўртасида бевосита давомийлик борлигини кўрсатадики, масаланинг бу томони ҳали пухта ўрганилиши, мантиқий ниҳоясига етказилиши зарур.

Фансуруллобекнинг қисмати фожиали тугади. У инқилобдан кейин Сталин даври қатли омининг дастлабки қурбонларидан бўлди. Ўз ҳалқига буюк садоқат намунасини кўрсатган, унинг истиқоли учун курашган Фансуруллобек худди шу аъмоли учун ГПУ томонидан қамоқча олинади. 1931 йил кузида Тошкент қамоқхонаси зулматида жон таслим қилган Фансуруллобекнинг сўнгги лаҳзалари хусусида у билан бир камерада бўлган марҳум Лазиз Азиззода 1978 йил январ ойидаги сухбатларимизда батафсил ҳикоя қилиб берган эдилар.

Фансуруллобек Фурқатнинг қалин дўсти, кейинчалик рус армияси генерал-майори Жўрабекнинг Тўра Сучук исмли қизига қай тариқа уйланганлиги тарихини шу ишлардан яхши хабардор 106 ёшли Гиёсхон Сирожхоновдан 1976 йил май ойида эшитган эдим. Огача ойим Туркистондан Тошкентга қайтиб келгач, ўша вақтларда полковник мансабида бўлган Жўрабек унга уйланишга қатъий қарор қиласди. Бунга Огача ойимнинг гоят чиройли ва тадбиркорлигими ёки Жўрабекнинг Худоёрхонда учи борлигими (Худоёрхон ва Жўрабек муносабатларига кейинроқ яна тўхтalamиз), нима сабаб бўлганлигини аниқ айтиш қийин. Огача ойимни тўгриликча ўз тақлифига кўндира олмаган Жўрабек дўқ-пўписа ва зўравонликни ҳам ишлатиб кўради. Лекин Огача ойимдан: «Мен хон хотиниман, саллотнинг тенги эмасман», деган таҳқирли жавоб эшитиб, тарвузи қўлтигидан тушади. Кейинчалик Фансуруллобек йигит ёшига этиб, ҳар жиҳатдан одамларга манзур бўла бошлагач, Жўрабек уни куёв қилиш ҳаракатига тушади.

Бу ишга Фансиурллобекнинг онаси ҳам қаршилик қилмайди. Шу тариқа Огача ойим билан Жұрабек бир-бирларига қуда бўладилар. Фансиурллобек билан Тўра Сучук ойимнинг никоҳидан илгарироқ эслатиб ўтганимиз Хисравбекдан ташқари Ҳумоюнхон ва Соҳибахон исмлиқ қизлар туғилади.

Ҳумоюнхоннинг Шаҳобиддинхон Тожиддинхон эшон ўглига никоҳ қилиниш тарихи ҳам қизиқарли. Тожиддинхон эшон бизнинг Лангар маҳаллага Қўқон мадрасаларидан бирини тугатиб, ўтган асрнинг 70-йиллари бошида кўчиб келган экан. Эшон кўп марта ҳаж қилган бўлиб, 1878 йилги ҳаждан қайтиш вақтида Ҳудоёрхон қайтаётган карвонга қўшилиб қолади ва йўл-йўлакай хонга меҳр-шафқат кўрсатиб келади. Багдоддаги кўнгилсиз воқеадан сўнг хон йўлда бетоб бўлиб қолгач, Тожиддинхон ҳам Мазори Шарифда маълум муддат қолиб, Ҳудоёрхоннинг касалига қарайди, уни согайтириш учун ҳамма чорани кўради. Бироқ хон тобора оғирлашаверади. Ўлеми яқинлашиб қолган хон Тошкентга ўз фарзандлари ва қариндошлирига йўллаган маҳсус мактубларидан бирида Тожиддинхон эшон унга мусофирилик ва оғир бетоблик чогида кўрсатган меҳр-оқибатни маълум қилиб, ўз қизларидан бирини ана шу зот никоҳига беришни васият қиласди. Чиндан ҳам собиқ хон ҳаж сафарига жўнаб кетган 1877 йил охирида унинг олти ўғил фарзандидан ташқари Шаҳзодахон, Тўрапаша, Хонпошша, Моҳзодахон ва Озодахон исмли беш қизи ҳам юртида қолганлигини архив ҳужжатлари тасдиқлайди. Собиқ хон ана шу қизларидан бирини Тожиддинхон эшон никоҳига бериш билан бу жўмард инсон олдидағи қарзини узмоқчи, ундан ташқари қизларидан бири шундай саховатли, меҳр-оқибатли одамга тегиб баҳтли бўлишини орзу қилган эди. Аммо Тожиддинхон эшон Қўқонда экан вақтида уйланган Афанди ойим исмли шаддод хотини бўлган. У ўз устига кундош келмаслигининг барча тадбирларини кўради. 30-йиллар ўрталарида 80 ёшлар чамасида бўлган қорачадан келган чиройли кампир — Афанди ойим барча ўғил-қизлари ва келинлари жиловини маҳкам ушлаганча, худди Саид Аҳмаднинг «Келинлар қўзголони» комедиясидаги Фармонбибидек оиласида ҳукмфармолик қилганини болалик йилларимда кўп марта кўрганман. Айтганча, Саид Аҳмаднинг Ойпошша Дадаҳўжаева деган аммаси Афанди ойим-

нинг келинларидан бири эди ва у аммасиникига ўқтин-ўқтин бориб ўйнаб юрарди. Ўша вақтларда Афанди ойим феъли-авторида кўрган баъзи хусусиятларни Саид Аҳмад кейинчалик Фармонбиби тимсолига кўчиран бўлса ҳам ажаб эмас.

Хоннинг васиятига келсак, у худди Афанди ойимнинг шаддодлиги ҳамда тадбиркорлиги туфайли амалга ошмай қолади.

Орадан анча замонлар ўтиб, 1909 йилда Тожиддинхон эшон вафот этгач (бутун Урта Осиёда минглаб муридлари бўлган бу табаррук эшоннинг вафотидан тушида воқиф булган Юсуф, Сарёмий хобидан уйғонибоқ унга дилсўз марсия ёзган ва марсия шоирнинг инқилобдан илгари Тавалло томонидан нашрга тайёрланган тошбосма девонидан ўрин олган), Афанди ойим Худоёрхоннинг васияти муаллақ қолганидан виждан азобига тушади шекилли, тўнгич фарзанди Шаҳобиддинхонга хоннинг невараси, Фансуруллобекнинг Ҳумоюнхон исмли қизини олиб бериб, кўнгли таскин топади. Ҳумоюнхон ўз эри Шаҳобиддинхон эшон билан кўп йиллар аҳил яшаб, солиҳ фарзандлар тарбиялайди. Сталин қатагони бошланган 20-йиллар охирида оиласи билан яширин равишда Хитойга қочади, Ҳумоюнхоннинг ҳам, Шаҳобиддинхон эшоннинг ҳам тупроги Шарқий Туркистонда қолиб кетади. Илгарироқ биз айтган манбашунос олим Фузайл Исломов Ҳумоюнхоннинг қизлари Мунирахон аяга уйланган бўлиб, бир томондан Худоёрхонга, иккинчи томондан Тожиддинхон эшонга невара куёв эдилар.

Энди Жўрабекнинг фаолиятига, унинг Зокиржон Фурқат билан муносабатларига қайтайлик. Бухоро амири Музаффар ҳукмфармолиги даврида Жўрабек амирликнинг Китоб вилояти ҳокими эди. Жўрабек Худо ато қилган тугма фазилатлари: жасурлиги, шердек бақувватлиги, шунингдек ўткир мерганлиги, турли ишларни, айниқса ҳарбий санъатни пухта билиши, ҳар қандай мураккаб ишларни уддалашга қодирлиги билан ҳам ўз ҳамюрларини, ҳатто чет эллик кўпни кўрган кишиларни ҳайратга соглан пайтлари кўп бўлган. Жўрабек Китоб вилоятининг begi экан даврида у билан учрашган инглиз сайёҳи Скайлер Жўрабекнинг мерганлик маҳоратидан қанчалар лол қолганлигини Ю. Рассел 1878 йилда Петербургда чоп этилган «Урта Осиё маданияти ва Шарқдаги сиё-

сатимиз» китобида қизиқарли бир воқеа мисолида кўрсатиб ўтади: «Ўрта Осиё халқлари яхши мергандардир. Бироқ, афсуски, уларнинг барча қуроллари эскича бўлиб, қадим замонлардан қолган. Милтиқларнинг кўпчилиги пилта билан отилади. Ўзи ниҳоятда оғир бўлган милтиқларнинг стволи узун ва ингичка, уни жуда узоқ муддат ўт олдириш керак бўлади. Бекларнинг бири Жўрабек (у Скайлер билан таниш бўлган) ана шу милтиқдан ажойиб равишда фойдалана билган. Бир сафар у худди пилта милтиқни олиб, устунга суюнганича баланд дараҳтнинг энг учидаги турган чумчуқнинг бўйинини узуб ташлади. Жўрабек пуфлама милтиқдан ҳам аъло даражада ота билган. Скайлер бу қуролнинг Ўрта Осиё оқсуякларининг энг яхшиларидан, энг покизаларидан бўлмиш Жўрабек ҳукмронлик қилган Шаҳрисабздек кичик тогли водийда бунчалар оддий буюм ҳисобланшини илк бор билиб ҳайрон қолган».

Жўрабек ҳақидаги материални газета учун тайёрлаётган кезларимда, 1991 йил апрел ойида таниқли геолог олим-ঁзувчи, бир неча қисса ва ҳикоялар, шунингдек, «Кониот сирлари» бадиий фильмни сценарийси муаллифи академик Обид Акрамхўжаев билан шифохонада бирга бўлишга тўгри келди. Мен у кишига Жўрабек ҳақида оғзимдан «гуллаб», батъзи ноёб ҳужжатлар ҳақида сўзлаган эдим, Обидхўжа ака додҳо хусусида мен билмайдиган, яна ҳам қизиқарлироқ ҳужжатлардан хабардор эканлиги маълум бўлди. Олим менга машҳур швед сайёҳи Свен-Гединнинг «Осиё юраги» номли икки жилдли нодир монографияси билан танишиб чиқишини тавсия этди. Чиндан ҳам бу монографияда Жўрабек ҳақида бошқа манбаларда учрамайдиган ўта қизиқарли ва аниқ маълумотлар бор экан.

Ўтган асрнинг 90-йиллари биринчи ярмида туркистон, Марказий Осиё, Тибет ва бошқа кўпгина жойларни пиёда кезиб яратган улкан тадқиқотини Свен-Гедин аввал швед тилида, кейинроқ 1895 йилда Санкт-Петербургда рус тилида ҳам чоп эттирган экан. Машҳур сайёҳ Тошкентда, Туркистон генерал-губернатори Вревский уйидаги бир зиёфатда Жўрабек билан учрашиб қолади. Билим доираси кенг, қизиқишлиари беҳисоб бўлган Жўрабек билан сұхбат Свен-Гединни мафтун мафтунлик машҳур швед олими ва сайёҳининг бир неча кун давомида

собиқ Шаҳрисабз — Китоб бегининг Қорасуидаги уйида қолиб кетишига сабаб бўлади.

«Жўрабекнинг меҳмондўст уйида ўтказилган кечаларда у менга ҳикоя қилиб берган таржимаи ҳоли эртаклардагидек сеҳрли эди», деб ёзади муаллиф ўз китобида (1-жилд, 58-бет).

Бир неча саҳифани Жўрабек фаолиятига багишланган Свен-Гедин унинг Амир Насрулло ҳукмронлиги вақтида Шаҳрисабз беги бўлганлиги, бекликнинг бошқа даъвогарлари маълум муддат ҳукмронликни ундан тортиб олганликлари, ҳаёти хавф остида қолган Жўрабек ўз қадрдони Бобобек билан бирга чеккан изтироблари, уларнинг сарсон-саргардон ҳаёти ҳақида ҳам бошқа тарихий манбаларда учрамайдиган маълумотларни қолдирган.

1868 йилда Россия императори қўул остида бўлган Самарқандга катта хавф солган Жўрабекнинг жасорати ҳам, ундан чинакамига чўчиб қолган фон Кауфман Шаҳрисабз беги билан битим тузиб, зиммасига анчагина масъулиятлар олишига тўгри келганлиги ҳам, кейинчалик генерал-губернатор арзимас бир баҳона билан ўз ваъдасидан қайтганлиги ҳам китобда ўз ифодасини топган.

Свен-Гедин китобида Қўқон хони Худоёрхон билан Жўрабек муносабатлари хусусида ҳам бошқа манбаларда учрамайдиган муҳим тафсилотлар, ўзига хос талқинлар мавжуд. Худоёрхон Жўрабекка қай тариқа фириб берганлиги ва ўз валинеъмати фон Кауфманга уни не алфозда «туҳфа» қилганлиги манзараси айниқса жонли ва ишонарли тасвирланган. Свен-Гедин Жўрабекнинг ўз оғзидан эшитганларига асосланиб ёзишича: «Дўсти Бобобек билан биргаликда тог-томплар орасида узоқ вақт бошпанасиз кезган Жўрабек пировардида Худоёрхондан саховат ва кўмак ахтариб Қўқонга келади. Лекин хон Жўрабекка нисбатан хиёнаткорлик йулини тутади: уни ҳибсга олдириб, оёқ-қўлларига киshan солдириб, бекнинг душмани бўлмиш фон Кауфман ҳузурига жўнатади. Фон Кауфман Жўрабекни очиқ чеҳра билан кутиб оладио, бироқ асирикда сақлайди» (1-жилд, 57-58-бетлар).

Жўрабекнинг 90-йиллар биринчи ярмида Тошкентда кечган ҳаёти ҳақида ёзар экан, Свен-Гедин унинг қадимий шарқ маданиятининг дурданаларидан бўлмиш китоблар бўйича ниҳоятда бой маълумотларга эга эканлиги масаласига алоҳида эътибор

беради. Китобда зикр этилганларнинг ҳаммасига асосланиб, Свен-Гедин **Жўрабекни «Марказий Осиё-нинг энг янги тарихида катта рол ўйнаган сиймо»** (1-жилд, 57-бет) дея юксак баҳолайди.

Жўрабек табиатан адолатпарвар, инсофли одам бўлганлигидан ўзи ҳокимлик қилган Шаҳрисабз — Китоб вилояти аҳолисига Бухоро амири томонидан солинадиган кўпдан-кўп солиқларга қарши ўқтин-ўқтин норозилик билдириб туар, уларнинг айримлари бекор қилинишига ҳам муваффақ бўлар эди. Амир исёнкор бекдан тезроқ қутулишни истар, бек эса ҳа деганда бўй беравермас эди. Ана шундай таранг бир вазиятда ўрис зобитлари Бухоро амирлиги устига бостириб келади. Жиддий қаршилик кўрсатишга тайёргарлиги бўлмаган амир Музаффар қўшинлари осонгина енгилади ва руслар билан ўртада битим тузилиб, амирлик Россия вассаллигини қабул қиласди. Бу шармандали битим амирлик ҳудудидаги ватанпарвар кучларнинг қаттиқ норозилигига боис бўлади. Шаҳрисабз — Китоб беклари Жўрабек билан Бобобек амир Музаффарнинг ўғли Абдумаликни ҳам босқинчиларга қарши курашга жалб әтадилар, у билан биргаликда қўшин тўплайдилар ва ҳатто анча илгари рус зобитлари томонидан босиб олинган Самарқандни әгаллашга муваффақ бўладилар. Бироқ фон Кауфман Тошкентдан жўнатган кўп миқдордаги қўшин ва қуроллар ўз ишини қиласди: кучлар нисбати тенг бўлмаган бу жангда орқага чекинган Жўрабек қўл остидаги қўшинлар энди амир Музаффар қўшинларига қарши жанг қилиб уни енга бошлайдилар, амидан ҳам, вассалликдан ҳам қутулмоқчи бўладилар. Амир уларга кучи етмагач, ўз хўжайини бўлмиш Туркистон генерал-губернаторидан мадад сўрайди. Генерал Абрамов бошлиқ зобитлар катта куч билан келиб Жўрабек аскарларини енгиб, унинг тасарруфидаги Шаҳрисабз — Китоб вилоятини амир Музаффарга қайтариб олиб берадилар.

Амирнинг хоинлиги туфайли енгилган Жўрабек билан Бобобек, Свен-Гедин китобида тасвирланганидек, тог-тошларда узоқ муддат сарсон-саргардон кезгандаридан кейин нажот ва бошпана сўраб Худоёрхон ҳузурига боришга мажбур бўладилар. Худоёрхон шу муносабат билан қандай хиёнаткорликка йўл қўйганлиги илгарироқ айтилган эди.

Асир сифатида Тошкентга, генерал-губернатор их-

тиёрига мажбуран жұнатылған Жұрабек билан Бобобек бу ерда анча вақт уй қамогида сақланғач, Россия фуқаролигини қабул қилишга ва рус армияси хизматига ўтишга мажбур бұладилар. Құқон хонининг қуюшқонға сигмайдиган ишидан даргазаб булған Жұрабек Үзганд, Хұжанд, Андіжон шаҳарлари устига рус аскарлари қылған юришларда қатнашиб, ўзига дөг туширганини билмай қолади.

Жұрабек ўрис армияси хизматига ўтиши қай тарықа содир бұлғанлигини Н. Остроумов фон Кауфман ҳақидағи китобида (1899) қуийдагича баён қиласы: «Собиқ Шаҳрисабз беги, ҳозирда рус армияси полковниги Жұрабек К. П. фон Кауфман генерал-губернатор бұлған вақтда рус құшынлари томонидан енгиліб, Тошкентта олиб келинған ва маълум муҳлат ҳибсда сақланған әди. Шундан сүнг генерал Кауфман (1870 йил сентябрьда) уни ўз bogига таклиф этади ва шунақсанги муомала топадики, Жұрабек ўзи учун бутунлай бегона бұлған янгича ҳаёт тарзига күниб, рус армияси хизматида қолишиңға мажбур булади» (211-212-бетлар).

Собиқ Шаҳрисабз бегининг рус армияси сағларидаги хизмати 1901 йилда унга генерал-майор ҳарбий унвони берилиши билан яқунланған әди. «Туркестанские ведомости» ва «Туркистан вилоятининг газети» ана шу «сийлов» хусусида бутун ўлқага хабар берадилар. Ұша даврдаги ўзбек матбуетининг ифода воситалари билан ўқувчиларни таништириш мақсадида ўзбекча газетадаги хабарни тұлалыгича келтиріміз: «Ушбу 1901 йилда май ойини 6-кунида ул баланд даражалик жаноби военный министр, яъни Россия аскарига вазир бұлуб тургувчи генерал Куропаткин Петербург шаҳридин жаноби полковник Жұрабекка марҳамати олий қилибдурларким, «Сизнинг Россия давлатига яхши хизмат қылғанингиз ва тинчұ хотиржам бұлуб юрганингиз учун подшои аъзам император ҳазратлари генералингизға майор чинини марҳамати олий қилибдурлар» деб («Туркистан вилоятининг газети», 12 май 1901 йил).

Рус мустамлакачилари ва император Туркистондағи сиёсат борасида ўта муноғиқ, худбин ва сершубхә эканликларига ҳайрон қоласан киши. Бир томондан, Жұрабек гүё «Россия давлатига яхши хизмат қылғанлиги ва тинчұ хотиржам юрганлиги учун» унга «марҳамати олий» күрсатилади, иккінчи томондан

эса, орадан бир неча ой ўтмаёқ, Сирдарё вилояти губернатори (Жўрабек яшаб турган Тошкент шахри шу губернаторликка қарапди) унинг устидан махфий чақув хати ёзади. Унда, жумладан, бундай дейилади: «Таржимон» газетасининг жонкуяр таргиготчиси генерал-майор Жўрабекдир. У янги усул билан қизиқмоқда. Гаспирали Тошкентга келганида у билан учрашди». Ўқувчидаги шу беш-олти сатр маълумотнинг нимаси чақув экан? деган савол туғилиши мумкин. Гап шундаки, Жўрабекка генерал-майор унвони берилишидан тўрт ой чамаси аввал, яъни 1900 йил 31 декабрда Тошкентга Россия ички ишлар вазирлигидан 13444-ракамли маҳсус кўрсатма келган эди. Унда Туркистон бўйича янги усул мактаблар очиш, уларда дарс беришда қатнашаётган, мақолалар ёзаётган барча кишилар хусусида материаллар тўплаб, шахсан Ички ишлар вазирига маълум қилиш учун зудлик билан полиция департаментига юбориш вазифаси топширилган эди. Бундан ташқари маҳаллий халқни маърифатли қилиш, уни келгусидаги мустақиллик учун курашга тайёрлаш борасида кўп ҳолларда Туркияга суюнишни таргиги этган жадидларни ҳам мустамлака маъмурияти жинидан ёмон кўрар эди. Худди ана шу жиҳатлар Жўрабек устидан юқоридаги чақувнинг ёзилишига сабаб бўлган. Ростда, жадидларнинг «Таржимон» газетасини жокуярлик билан таргиги этса, жадидлар раҳнамоси Гаспирали Тошкентга келганида у билан маҳсус учрашса, бу ҳам етмагандек, янги усул мактаблари очилиши билан қизиқса, Жўрабекнинг фаолиятига генерал-губернаторлик доиралари қандай қилиб бефарқ қараб туришсин? Жўрабек ҳақидаги юқоридаги чақув хатини таҳлил этаркан, «Бу ҳужжатдан чиқадиган хулоса шуки, бир вақт босқинчиларга қарши курашган Жўрабекнинг ўтмиши оқ подшо маъмурларининг ёдидан чиқмаган эди, шунинг учун ҳар бир қадами қаттиқ назорат остида эди. Жўрабекнинг жадидлар отаси Гаспирали билан учрашуви Туркистон генерал-губернаторлигини таҳликага соглани аниқ», деб ёzáди самарқандлик тадқиқотчи Амриддин Эргаш Бердимурод. Бу ҳаққоний фикрга тўла қўшилмоқ керак деб ўйлаймиз.

Туркистон генерал-губернатори тузогига хиёнат йўли билан туширилган Жўрабек 1868 йилдан то умрининг охиригача (1906 йил) Тошкентда ва Тош-

кент яқинидан ўзи сотиб олган Қорасувда умр ўтказди. Бутун шу давр ичида Жўрабек ўлка ижтимоий-маданий ҳаётида фаол қатнашди. Жўрабек аввало ўз халқининг ўтмишдаги бой маданий меросига зўр ихлос билан қарар, мулло боболаримиз қолдирган ноёб хазиналарни топиш, жамлаш ва келгуси авлодларга қолдиришни ўз фаолиятининг асосий мақсадларидан деб билар эди. Жўрабекнинг шахсий кутубхонасидағи кўп асрлик тарихга эга бўлган нодир қўллөзмалар билан маҳсус танишиш учун машҳур рус шарқшуноси академик В. В. Бартольд 1902 йилда бир мунча муддат унинг Қорасувдаги уйида қолиб кетган эди. 1906 йилда, Жўрабек вафотидан бир ойгина ўтгач, 27 февралда В. В. Бартольд Петербургдан Н. П. Остроумовга ёзган мактубида унинг шахсий кутубхонасидағи қадимий қўллөзмаларни тўлалигича сақлаб қолишининг катта илмий-тарихий аҳамияти ҳақида илгари Н. Г. Маллицкийга ёзган хатига ҳануз жавоб ололмаётганидан қаттиқ куйинади. Сал кейинроқ бошқа бир машҳур шарқшунос А. А. Семеновнинг ҳаракати билан Жўрабек тасарруфидаги қўллөзмаларнинг бир қисми САГУ (ҳозирги Тошкент Давлат дорилфунуни) Асосий кутубхонасига ўтказилади. Фан учун, тарих учун гоят муҳим аҳамиятга эга бўлган бу қўллөзмалар ҳақида В. Бартольд ҳам, А. Семенов ҳам маҳсус тадқиқотлар эълон қилдирдилар. «Мўгул босқинлари даврида Туркистон» номли машҳур асарида В. В. Бартольд Жўрабекнинг китоб хазинасидағи Рашидиддин Ватвотнинг умумий тарихга, хусусан мўгуллар ҳукмронлиги тарихига бағишлиланган машҳур асари «Жомеъ ут таворих»ни (асарнинг бу нусхаси унинг муаллифи барҳаётлик вақтида кўчирилган) «ўрта асрларда на Осиёдаги, на Овруподаги бирор халқда бўлмаган» жуда катта тарих энциклопедияси деб атаган эди.

Жўрабек шахсий кутубхонасида қолган нодир қўллөзмалардан Мирхонднинг олти жилдлик «Равзатус сафо» (1569 йилда кўчирилган), Давлатшоҳнинг «Тазкират уш шуаро» (XVI асрда кўчирилган), Шарофиддин Али Яздийнинг «Зафарнома»сини (1700-1701 йилларда кўчирилган), Қазвинийнинг «Тарихий Қазида»сини (XVII аср ўрталарида кўчирилган), машҳур «Калила ва Димна»ни (XVII асрда кўчирилган), шунингдек йигирмага яқин бошқа нодир китобларни кўрсатиш мумкин.

Жұрабек фаолиятидаги яна бир мұхым жихат унинг, бир томондан, Ўрта Осиёнинг чоризм томонидан босиб олинишига, мустамлака маъмурлари Туркистанда амалга оширган сиёсатга, иккинчи томондан, рус тили ва маданиятига, рус классик адабиётіга муносабати масаласидир.

Тошкентда уй қамогида сақланган катта иқтидорли Жұрабек тез орада рус тилини ўрганиб олади, зотан бусиз полковник сифатида рус қүшинларига құмандонлик қилишнинг умуман иложи йүқ әди. Кейинчалик Жұрабекни таърифлаб, Н. П. Остроумов ўз кундайларыда бундай ёзған әди: «Жұрабек донишманд ва кишиларни тушунадиган одам. У рус тилида қаноатланарли гапиради» (Ўзбекистон Марказий архиви. Фонд N 1009, қайд N 1, дело N 67, 53-саҳифа).

Рус тилини дуруст билган Жұрабек 1876 йилда ёк Петербургда бўлиб ўтган шарқшунослар III халқаро конгресси ишида туркистанлик Сатторхон Абдулгаффоров, Шермуҳаммад Мұхаммадқұлов ва Абдулла Ниёзовлар билан биргаликда қатнашади ва зўр таас-суротлар билан юртига қайтади.

Жұрабек бора-бора рус классик адабиётининг әнг машҳур намояндалари, жумладан, Лев Толстой ижодига мустақил баҳо бера оладиган даражага эришади. Ўша даврнинг йирик рус зиёлиларидан бири шу муносабат билан ёзиб қолдирган фикрлар айниекса қимматлидир. «Граф Л. Толстой ҳақида Жұрабек эҳтиром билан гапиради: у донишманд адеб ва нимаики ёзса, ўзи ҳис қилиб ёзади. Бунақаси сизларнинг ҳам, бизларнинг ҳам ёзувчиларимиз орасида кам топила-ди» (Ўзбекистон МА, Фонд N 1009, қайд N 1, дело N 67, 58-саҳифа).

Жұрабекнинг чоризм Туркистанда юргизган сиёсатга муносабати ҳақида унинг замондошлари қизиқарли фикрлар баён этганлар. «Салмоқли кутубхона соҳиби бўлган ва кўплаб тарих китобларини ўқиган Жұрабек,— деб ёзган әди. В. В. Бартольд,— мен билан суҳбат чогида русча идора усулини мўгулча идора усули билан асосли равишда тенг қўйди: унинг фикрича, мўгуллар давридаги сингари руслар даврида ҳам ярамас одамлар ёлғондаки садоқат кўрсатиш йўли билан бегона халқнинг босқинчиларини лақиллатишга ва улар ҳомийлиги остида ўз ҳамюрларига зулм ўtkазишга муваффақ бўлишди» (В. В. Бартольд. Сочинения. Том 1, часть 1, 346-бет).

Н. Остроумов 1903 йил 1 февраль куни Жўрабек билан навбатдаги учрашув таассуротларини ўз кундагида, жумладан қўйидагича қайд этган эди: «*Урус бошлиқлар хусусидаги ўз фикр-мулоҳазаларини тўппа-тўгри, ҳатто кескин қилиб айтади. Бироқ шахсий ҳаётига оид тафсилотларни айтишдан ҳамиша ўзини тияди. Ишончим комилки, у қизиқарли ва ўз обрў-эътибори учун нафли деб ҳисоблаган нарсаларнинг ҳаммасини ён дафтарига қайд қилиб боради. Умуман Жўрабек — ўткир шахс ва унинг ён дафтаридаги қайдлари Туркистоннинг келгусидаги тарихчиси учун аҳамият касб этажак*» (Ўзбекистон Марказий Архиви. Фонд N 1009, қайд N 1, дело N 103, 103-саҳифа).

Жўрабек Сирдарё области губернаторидан тортиб Туркистон генерал-губернатори билан ҳам кўп марта-лаб совуқ муносабатда бўлганлиги, улардан ҳар бирининг муомаласига яраша муомала қилишдан асло тап тортмаганлиги ҳақидаги далиллар архив материаллари орасида бот-бот учраб туради. Жўрабекнинг исёнкорлик табиати, мустамлака маъмурлари Туркистонда юргизган сиёsatдан норозилиги айниқса 1905 йил 9 январ воқеаси ўлкада акс-садо берган ойларда яққол кўзга ташланди. 1905 йил октябр ойида Тошкентда оммавий ишташлаш бўлиб ўтиши билан бир вақтда, яъни 16 ноябр ва 15, 22, 29 декабр кунлари Тошкентда генерал-майор Жўрабек бошчилигига йигинлар ўтказилиб, мамлакатда вужудга келган қулай фурсатдан фойдаланиш ва ўлкани чи-даб бўлмас даражадаги оғир аҳволидан қутултириш чораларини кўриш масалалари кун тартибига қўйилади. Жўрабек бошчилик қилган бу ишга Туркистон генерал-губернаторлиги доиралари қўрқинч билан қараганликлари ўша кунларда Петербургга генерал-губернатор жўнатган бир махфий ҳужжатда қўйидагича ифодаланган эди: «*Ерликлар орасида ўзларининг турмушини яхшилаш тўгрисида ҳукуматга ариза бериш учун ҳаракатлар бўлиб турибди. Шу сабабли ерли халқ ўзининг мақсадига эришиш учун Россия ҳукуматининг ҳозирги қийин аҳволидан фойдаланмайди, деб бўлмайди.*»

Лекин Жўрабек бошчилигига ўказилган сўнгги норозилик йигинидан сўнг (у 29 декабр куни ўтганини илгарироқ айтган эдик) уч-тўрт ҳафта ўтар-ўтмас, 1906 йилнинг 24 январидан 25 январига ўтар кечаси

у ўзининг Қорасувдаги боғида номаълум шахслар томонидан сирли бир вазиятда ўлдириб кетилди. Жўрабекнинг ваҳшиёна ўлдирилганини ўз кўзи билан кўрган жияни Махмудбек Ҳайдаров (у вақтда 5 ёшда бўлган) 1978 йил 10 декабрдаги сухбатимизда қўйидагича ҳикоя қилиб берганди: «Додхоҳ тогамиз ҳақидаги хунук хабарни эшитган заҳоти отам етаклаб олиб борди. Уй ичига киргач мени онам қўлига кўтариб турди. Ўнг елкасидан чопилган тогамиз катта зал уй ёнидаги кичикроқ хонада каравотда ётар, устидаги оқ чойшаб қип-қизил қонга буялгани ҳалиҳали кўз олдимдан кетмайди. Тогамизни Қорасувдаги ўз болгаридан қабр қазиб, юзларча қорилар дуотиловати билан, кетидан тўплардан ўқ отилиб дағн этдик. Кейинроқ, катта бўлганимда у кишининг қабр тошларига битилган «Амир Темур авлоди кенагас қабиласининг уругидан», деб ёзилган сўзларни қайта-қайта уқирдим».

Туркистон генерал губернаторлигига бутунлай тобе бўлган «Туркестанские ведомости» газетаси ўша йилги 6 феврал сонида бу даҳшатли қотиллик тафсилотларини баён этар экан: «Марҳумнинг душманлари йўқ эди ва қотиллик, шак-шубҳасиз талончилик мақсадида қилингани аниқ», дея жамоатчилик фикрини чалғитишга ҳаракат қилган эди. «Туркестанские ведомости» ҳам, «Туркистон вилоятининг газети» ҳам гўё маъмурий идоралар бу йирик тарихий шахс қотилларини излаб топиш ва шафқатсиз жазолаш иши билан жиддий шугулланаётганлигига одамларни ишонтириш мақсадида бу мавзуга тез-тез қайтиб, қидирув-тергов ишлари қай тариқа кетаётганидан хабарлар бериб турадилар. «Марҳум генерал-майор Жўрабекни ўлдурган босмачилар ичидан уч нафари топилиб, маҳбус бўлинибдур. Чунончи бир армани Нерсес Осипов, иккинчи Бухорога тобе Жўрабой Ортиқбой ўгли, учинчи Самарқанд шаҳрини фуқароси Қодир Худойберди ўглидир», деган маълумотга дуч келамиз «Туркистон вилоятининг газети»нинг 1906 йил 6 февраль сонида.

Тошкент шаҳрининг ҳокими томонидан Сирдарё область бошқармасига ўша йил 4 февралда берилган маълумотда Жўрабек қотилларидан бири сифатида тахмин қилиниб қамоқقا олинган ва тергов қилина бошлаган Нерсес Мкртичевич Осипов Елизавет губернияси фуқароси экани айтилади (Ўзбекистон Марка-

зий Архиви. Фонд N 136, қайд N 6, дело N 4292, 101-сақиға).

Матбуот органлари Жұрабек қотиллари устидан тез орада суд бұлажаги ҳақида хабарлар ҳам берадилар. Бироқ бу гапларнинг қаммаси қумга сингган сувдек бедарақ кетади. Ҳатто Жұрабекнинг оила аъзолари бир-бир ярим йил мобайнида Туркистан генерал губернаторлигига, қуйироқ маъмурий органларга ўнларча марта расмий аризалар билан мурожаат қилғанликларига қарамай, барча аризалари жағобсиз қолади.

Жұрабекнинг ўлими масаласида генерал губернаторлик доиралари ва турли жазо органлари тутган йўл гоят шубҳалидир. Қотиллар қўлга олинганлиги, тергов бошланганлиги, тез орада катта суд бұлажаги ҳақидаги ваъдалар заррача ҳам бажарилмаганидан ташқари, жумҳурият Марказий архивида ўша даврда содир қилинган деярли барча қотилликлар ҳақида ҳужжатлар тўла сақлангани ҳолда Жұрабекнинг ўлдирилишига алоқадор биргина сақиға ҳужжат, у ҳам бўлса, биз юқорида айтган Тошкент шаҳар ҳокимининг Сирдарё область бошқармасига кичик маълумотномасигина сақланиб қолган. Салкам қирқ йил мобайнида Туркистан ижтимоий-сиёсий ва маданий ҳаётида муҳим рол ўйнаган, рус армиясининг генерал-майори бўлган бу йирик тарихий шахс ҳалокати билан bogлиқ материалларга маъмурий органлар бе-парво қараган бўлишлари асло мумкин эмас. Бу ҳол ўша материаллар яширин равишда марказга олиб кетилиб, қотилликнинг изи атайлаб яшириб юборилмадими экан? деган ҳақли саволни келтириб чиқаради.

Бу савол ўринли эканини шу нарса ҳам тасдиқлайдики, ўша даврдаги йирик рус олимларининг бир нечаси Жұрабекнинг ҳалокатини «сирли ўлим» деб ёзган әдилар. Бинобарин бу йирик тарихий шахс «сирли ўлими»нинг сирини ошкор қилиш зарурати келиб чиқади. Агар шунга муваффақ бўлинса, Жұрабек қиёфасини бутун ҳаққонияти билан халққа кўрсатиш имкони вужудга келган бўлган бўлур эди.

Шу ўринда яна бир архив ҳужжатига мурожаат қилиш зарурати туғилади. Чунки бу ҳужжат рус мустамлакачилари ва улар ҳомийларининг Жұрабек-кагина эмас, унинг рус армияси хизматида бўлган ўғли Оллоқулибекка ҳам ишонмаганликларини, ўзлари ўлкада юргизган сиёсатнинг ноҳақлигини би-

либ, уни ерли халқдан яширишга уринганликларини кўрсатади.

Туркистон генерал-губернатори Тевяшовнинг адютантларидан бири сифатида Оллоқулибек хизмат қилаётганини кўрган Н. Остроумов ўз қундалигига қўйидагича қайд этади: «*Бу бегонаюрглик одамнинг (Оллоқулибекнинг) шахси кишида ишонч ва хотиржамлик тугдирмайди. Генералларимиз уни нега яқин тутишларига ҳайрон бўламан: бошқарув иши учун ундан фойда тегиши мумкин эмас, зарар тегиши эса жуда ҳам мумкин, чунки генерал-губернатор уйида нималар қилинаётганидан, нималар ҳақида гап бораётганидан у ерлиларни воқиф қилиши мумкин*» (Ўзбекистон Марказий Архиви. Фонд N 1009, қайд N 1, дело N 160, 1-саҳифа).

Фурқатнинг Жўрабек билан шахсий дўстлиги масаласига келсак, собиқ Шаҳрисабз бегининг юқорида айтиб ўтилган фазилатлари улкан ўзбек шоирига айниқса манзур бўлган деб ҳисоблаш мумкин. Шу важдан улар орасида мустаҳкам дўстлик ришталари пайдо бўлган. Фурқат Жўрабек шахсий кутубхонасидаги неча-неча аср умр кўрган ноёб қўлёзмалар орасида узоқ вақтлар қолиб кетган бўлишини мантиқ тақозо этади. Қолаверса, Жўрабекнинг рус тилини, рус классик адабиётини йирик мутахассислар даражасида билиши ҳам Фурқатни мафтун этган кўринади. Биз олдинги тадқиқотларимиздан бирида айтганимиздек, Фурқатнинг Пушкин, Лермонтов, Некрасов шеъриятининг ўзига хос томонлари ҳақида, рус классик шеъриятида тимсол яратиш йўллари ҳақида «Шоир аҳволи ва шеър муболигаси хусусида» номли машҳур асарида битилган забардаст мисраларда ҳам Жўрабек билан қилинган суҳбатларнинг таъсири бўлса ажаб эмас (афсуски, бу бебаҳо мисраларнинг асл нусхаси йўқолиб, уларнинг русча сўзма-сўз таржимасигина бизгача етиб келган). Жўрабекнинг чоризм Туркистонда юргизган номатлуб сиёsat ҳақидағи ҳамиша ошкора айтиладиган фикрлари ҳам Фурқат асарларида бу сиёsatни зимдан, пардали танқид қилинишида муайян аҳамият касб этган деган фикр мажолидир.

Фурқатни Жўрабек билан бодлаб турувчи ришталар кўп бўлган ва уларнинг барчаси ҳақида бир кичик рисола доирасида батафсил фикр юритиш амри мажолидир.

Фурқат Еркентта келиши билан оқ ёзилган мактубида (1893 йил 15 ноябрда «Түркистон вилоятининг газети»да эълон қилинганд) «Жаноби полковник Жўрабекка кўб салом» йўллаши, ҳатто Тошкентта ёзилган энг сўнгги саломномасида (у 1905 йил 15 августда битилган), «Хурматли Жўрабек додхоҳга саломимиз бор» дея қайта-қайта эҳтиром билдирганлиги бежиз эмас.

* * *

Ўтмишдаги ҳукмдорлар тарихи уларни сиёсат майдонига чиқарган халқнинг тарихи билан бевосита боғлиқ бўлади, кўп ҳолларда шу тарихнинг бир қисми бўлиб, унга сингишиб кетади. Имом қандоқ бўлса, унинг қавмлари ҳам ўзига ўхшаган бўлади, деган гап бор халқимиизда. Бу нақлни ҳукмдор ва унинг қўл остидаги фуқароларига ҳам нисбат бериш мумкин. Зотан муайян тарихий шароитда халқнинг феъл-атвори, аъмоллари қандай бўлса, ўшанга лойик ҳукмдор унинг тепасига келади.

Сўнгги Қўқон хони Худоёрхон ҳам бундан мустасно эмас. Шунинг учундирки, оташқалб шоир Зокиржон Фурқат ҳаётининг, турли босқичларида ўз юртнинг охирги ҳукмфармоси ҳаётига, бу ҳаётнинг ҳийла ва зўравонлик билан сўндирилишига қайта-қайта қизиқди, улар ҳақида қалбларни ларзага келтирувчи асарлар яратиб, эл-юрт орасида яна ҳам зўрроқ шухрат қозонди.

Худоёрхон қисматини туганмас дард билан ўқувчиларга ошкор қилган забардаст қалам соҳиби унинг фарзандлари билан, аввалига хоннинг душмани бўлиб, кейинчалик тақдир тақозоси туфайли қудасига айланган Жўрабек додхоҳ билан умр бўйи дўст-қадрдан бўлди. Ўз асарларида, хориждан йўллаган мактубларида Фансуруллобек ва Жўрабекнинг олижаноб фазилатлари ҳақида келгуси авлодлар учун ажойиб ёдгорлик қолдирди. Фурқатнинг Худоёрхон, Фансуруллобек ва Жўрабек шахси ҳамда қисматига алоҳида ихлос билан ёндошганлигининг бош сабаби бор деб ўйлайман. Бу сабаб, ўз халқи тарихида муҳим рол ўйнаган ҳар учала шахснинг қисмати ҳам Фурқатникуга кўп жиҳатдан ўхшаши билан изоҳланади. Худоёрхон ҳам, Фансуруллобек ҳам, Жўрабек ва ниҳоят Фурқат ҳам ўрис мустамлака амалдорлари томонидан ҳийла билаи алданиб ҳаётлари фожиали туга-

ди. Худоёрхон ва Фурқат ўрис босқинчилари «тух-фа» қылган мажбурий ватанжудоликда ҳаётдан күз юмиб, азиз хоки бегона юртларда қолиб кетган бўлса, Жўрабек ўз уйидаги сирли равишда ўлдирилди, Фансуруллобек советлар зинданда тутқунликда ҳалок этилди. Уларни ана шу бир-бирига ўхшаш фожиали қисмат бирлаштириди ва тарихда қолдирди.



МУНДАРИЖА

Дебоча	3
Тошкент босиб олиниши хон ва хонлик тақдирида	5
Ҳаж сафари ва хоннинг вафоти	19
Худоёрхонга ҳамдард мисралар	33
Шаҳзода, генерал ва Фурқат	69

ШАРИФ ЮСУПОВ
ХУДОЁРХОН ВА ФУРҚАТ

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг
Бош таҳририяти.
Тошкент — 1995

Муҳаррир *Б. Эспулатов*.
Безаклар *О. Восхоновники*.
Бадиий муҳаррир *М. Аъламов*.
Техник муҳаррир *Л. Хижова*.
Муссаҳҳилар *М. Ҳожиматова, З. Солиҳова*.

Теришга берилди 26.09.94. Босишга рухсат этилди 02.03.95.
Бичими 84x108^{1/32}. Школьная гарнитураси. Офсет босма. Шартли
босма табоги 5,04. Нашриёт ҳисоб табоги 4,43. Адади 25000.
Буюртма № 3081. Баҳоси шартнома асосида.

«Шарқ» нашриёт-матбаа концернининг босмахона-
си, 700083,
Тошкент шаҳри, «Буюқ Турон» кӯчаси, 41-уй.



